ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 10 ИЮЛ, № 28 (3184) ЖУМА

АҲИЛЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИ

6 июл куни Москвада бўлиб ўтган МДҲ Давлат бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бундан олдинги учрашувларга қараганда ғоят қизғин ва ҳаяжонли ўтди. Олти соат давом этган кенгашда кун тартибига киритилган ўн беш масаланинг барчаси юзасидан муҳим келишувлар имзоланди. Оловли нуқталардаги миллий тўқнашувлар ва минтақавий можароларни бартараф этиш юзасидан Ҳамдўстликнинг кўп томонлама кучларини барпо этишга доир Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифини барча давлатларнинг бошлиқлари қизғин муҳокама қилдилар. Негаки, бу масала бугун собиқ Иттифоқ ҳудудида яшаётган барча халқларни қаттиқ ташвишлантириб турибди.

Гарчи Фарғона ва Ўшдаги фожиаларнинг газак олиб кетиши ўз вақтида бартараф этилган бўлса-да, Қорабоғдаги низолар озарбойжон ва арман халқлари бошига кун сайин янги-янги мусибатлар келтирмоқда. Жанубий Осетияда биродаркушлик ҳамон тўхтаган эмас. Молдовада эса Днестрбўйи сепаратчилари ўз билганидан қолмаяпти. Қарама-қарши томонларни яраштириш, ўзаро низоларни тотувликда, дипломатия йўллари билан ҳал этишга бўлган кўпдан-кўп уринишлар эса, афсуски, шу чоққа қадар айтарли самара бермади. Эндиликда қўшнимиз Тожикистон республикаси ҳудуди ҳам нотинч бўлиб қолди...

Хўш, нима қилиш керак? Оловли нуқталардаги адоват ўчоқларини қандай бартараф этиш мумкин? Президент И. Каримов Ўзбекистон мухбирларининг шу хусусдаги саволларига берган жавобларида таъкидлаб ўтганидек: «Ҳозирги вақтда энг муҳими — қарама-қарши туришни тўхтатиш, тотувликка эришишдир. Бундан буён ҳам қон тўкилишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди! Ахир ғам, қасос туйғуси пировардида нафратни келтириб чиқаради. Ана ўшанда ҳеч қандай панд-насиҳат фойда қилмайди. Одамлар қаерда яшамасинлар — Молдовадами, Арманистондами, Озарбойжондами — бир нарсага — ҳимоя қилиниш-ларига ишончлари комил бўлиши керак. Бинобарин, бу масъулият сиёсатчилар зиммасига тушади»...

МДҲ давлат бошлиқлари кенгашида Президентимиз томонидан келтирилган бу сингари далиллар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Кўпмиллатли ажратиб турувчи кучларни ташкил этишга келишиб олинди. Учрашув сўнггидаги матбуот конференциясида Б. Ельцин маълум қилганидек, дастлаб бундай кучлар Молдовага киритилади. Агар Молдова парламенти Днестрбўйида ажратиб турувчи жойлар вужудга келтирилишини маъқул деб топса, Россия ва Украина бу жараён учун кафилликка ўтишга тайёрдир. Яъни, бу давлатларнинг кучлари билан бирга Руминия ва Болгариянинг ҳарбий бўлинмалари ҳам вазиятни барқарорлаштиришда холис томонлар сифатида иштирок этиши мумкин.

Бу ташаббус ва келишувнинг ниҳоятда муҳимлигини Қозоғистон ва Қирғизистон президентларининг эътирофлари ҳам тасдиқлаб турибди. Улар Ўзбекистон Президентининг кенгашдаги куюнчаклигига шундай баҳо бердилар: **А. Акаев**: «У қатъият билан барча давлат бошлиқларини жуда муҳим сиёсий ҳужжатни қабул қилишга ишонтира олди». **Н. Назарбоев**: «Бунда кўп жиҳатдан Ўзбекистон Президентининг қатъияти намоён бўлди».

Кенгашда муҳокама этилган яна бир қатор муҳим масалалар ҳам МДҲнинг келажагига ишонч уйғотмоқда. Хусусан, учрашувда собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган шартномаларнинг бажарилиши, собиқ СССРнинг давлат мулклари, архивлари, қарзи ва банкдаги активларини бўлиш тартиби ва бу ишдаги жавобгарликни белгилови ҳужжатлар имзоланди. Камситилган халқлар ва миллатларнинг ҳуқуқларига доир масала ижобий ҳал этилиб, уларга нисбатан адолат тикланди. Ҳарбий масалаларга доир фикрлашувларда эса Белоруссия, Қозоғистон ва Украинани ядро қуролидан ҳоли этиб, бу қуролни фақат Россия ҳудудида қолдиришга келишиб олинди. МДҲнинг коллектив хавфсизлигини таъминлашга доир масалаларда ҳам томонлар якдилликка эришдилар.

Кенгаш қатнашчилари МДҲнинг Минскда қароргоҳи жойлашадиган Иқтисодий судини тузишга келишдилар. У Гаагада жойлашган Халқаро суд каби фаолият олиб боради. Н. Назарбоевнинг Киевда қароргоҳи жойлашадиган Мувофиқлаштирувчи иқтисодий маслаҳат кенгашини таъсис этиш юзасидан таклифи ҳам маъқулланди.

Кўпмиллатли ажратиб турувчи кучларни ташкил этишнинг амалий жиҳати ҳақида шуни айтмоқ керакки, Ҳамдўстликнинг кўп томонлама кучларини барпо этиш йўлида нақд қадамлар қўйилди. Яна бир неча кундан сўнг Ҳамдўстлик давлатлари ташқи сиёсат ва ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари Ўзбекистон пойтахтида тўпланадилар. Улар кўпмиллатли ажратиб турувчи кучларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларни биргаликда ишлаб чиқадилар.

Ўзбекистон Президенти **Ислом Каримов** Хельсинкида Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши инсон ҳуқуқлари комиссиясининг мажлисида иштирок этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ТУҒРОСИ

Қуёш — фалак туғроси,
Боқийликдан шаҳодат.
Сўз — шоир қиёфаси,
Миллат юзи — урф-одат.

Истиқлол элнинг ғорат
Муродин этди вожиб.
Биримиз демократ,
Биримиз бўлдик ҳожи.

Ислом ҳидоятидан
Юракларга оқди нур.
Қуръон ҳар оятидан
Ёришиб борар шуур.

Азалий иллоларда
Она тилим мақоми,
Жаҳоний иншоларда
Битилди ўзбек номи.

Эмиб ҳаёт жомидан
Озодлик буғросини,
Ўзбекистон бошига
Қўйди ўз туғросини.

Унда балқаётган эрк
Порлайди зар нур сочиб.
Бахт қуши — Хумо қуши
Турар қучоғин очиб.

Энди башар юртимни
Туғросидан танийди.
Мен ҳам кийиб дўппимни
Жаҳон кезсам қанийди!

Саъдулла ҲАКИМ

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ФАРОМУШ БЎЛМАНГ

Азиз муштарийлар!

Газета-журналлар таҳририятлари бугун қай аҳволда эканлигидан яхши хабардорсиз. Нарх-наво кун сайин, соат сайин ўзгариб турибди. Бир кило қоғоз ўттиз сўм, Эртага ҳам шу нарх бўладими ё ўзгарадими — ҳеч ким айта олмайди. Транспорт ва почта харажатларини сира айтманг. Бир дона газетани Тошкентдан Хоразмга етказиш учун камида бир ярим сўм талаб қилмоқдалар. Ҳозирги хомчўтларга қараганда, 1993 йили обуначилар баъзи кундалик газеталарга ёзилмоқчи бўлсалар 300—400 сўм миқдорида пул тўлашлари керак бўлади. Бордию одатдагидек, икки-учта газета, бир-иккита журнал ўқимоқчи бўлсалар-чи? Унда, ҳеч муболағасиз, қозонни сувга солиб, боқувдаги новвосни бозорга етаклаш лозим бўлади.

Ҳафталигимизга келганда шуни айтиш керакки, иқтисодий танглик бизни асло четлаб ўтгани йўқ. Май ойида ошиши керак бўлган маошларимиз миқдори ҳамон эски ҳолича турибди. Мукофот деган гап йўқ. Обуначиларнинг 15 сўму 60 тийин пуллари баҳор бошидаёқ тугаган. Шундан бери бизни газетамиз ҳаммуассиси — Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси, академиянинг Ўзбекистон бўлими ҳамда бошқа ҳомийларимиз қўллаб келмоқдалар.

Ҳукуматимиз, редакцияларнинг меҳнат жамоалари тангликдан қутулиш йўлларини қидиришмоқда. Президентимиз фармонига биноан матбуотга 100 миллион сўм миқдорида ёрдам берилди. Вазирлар маҳкамаси газета ва журналларга жумҳуриятимизнинг йирик-йирик корхоналарини ҳомий этиб тайинладилар.

Аммо қўлдан берганга қуш тўймас деганларидек, бу билан ҳам матбуот муаммолари ҳал бўлмади, кўпгина бообрў нашрлар, жумладан, «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», «Туркистон» газеталари жорий йилнинг июл ойидан бошлаб, баъзилар эса анча олдиноқ обуначиларга газета тарқатишни тўхтатишга мажбур бўлдилар. Айтиш керакки, бу оғир қарорга узоқ мулоҳазадан кейин, муштарийлар билан маслаҳатлашган ҳолда келинди. Йилнинг иккинчи ярми учун қайтадан обуна эълон қилинди. Аммо «Союзпечать» ташкилотларида қайта обуна қилиш тажрибаси йўқлиги, транспорт харажатлари билан боғлиқ масалалар, суверен давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг узил-кесил ҳал этилмаганлиги оқибатида бу иш муваффақиятли ўтмади.

Бизнинг ҳафталигимиз то июн ойининг охиригача обуначиларга тўла етказиб берилди. Ҳафталикнинг 26-сони 213 минг 938 нусха чоп этилди. Аввал эълон қилганимиздек, биз ҳам июл ойидан бошлаб обуначиларга газета етказиб беришни тўхтатмоқчи эдик. Аммо бу қароримиз амалга ошиши арафасида президентнинг матбуотга ёрдам бериш тўғрисидаги фармони эълон қилинди, ҳомийларимиз яна мурувват кўрсатдилар. Натижада аҳвол бир мунча ўзгарди ва биз қароримизни ўзгартириб газетани обуначиларга йил охиригача узлуксиз етказиб беришга келишдик. Биз билан йил бошидан буён мулоқот қилиб келаётган муштарийлар почта ходимларидан газетамизни бемалол талаб қилиб олишлари мумкин.

Иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан ғоят мушкул ва мураккаб бўлган бу масъулиятли қарорга келган бир пайтимизда, кутилмаган қитмирлик юз берди. «Правда Востока» газетасида «Газетани газетхон баҳолайди» сарлавҳали мақтанчоқлик билан ёзилган, ҳар сўзи, жумласи тагига нохолис маъно ошириган мақола босилиб чиқди. Мақола муаллифининг ошкора такаббурлик билан битган бу баённомасидан англашиладиган маъно шуки, гўё «Правда Востока» бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг машҳур ва оммавий газетаси бўлиб, «авваллари ғоят машҳур бўлган» бошқа нашрлардан анча кўп миқдорда тарқалаётган эмиш. Бошқа газета ва журналларнинг умумий нусхалари «фалокатли даражада» — ўн бора, юз бора тушиб кетгани ҳолда, «Правда Востока» Ўзбекистоннингина эмас, ҳамдўстлик давлатлари ижтимоий-сиёсий газеталари ўртасида ҳам энг обрўли нашр сифатида эътироф этилаётган эмиш.

Манманлик касалига мубтало бўлган мақола муаллифи хомхаёл фикрини тасдиқлаш мақсадида рақамлар келтиради. Уларга кўра республика матбуотининг бугунги ягона «карвонбоши» — шубҳасиз, ҳамиша ростгўй ва самимий «Правда Востока», у июл ойидан бошлаб 127 минг 039 нусха чоп этилмоқда. «Ўзбекистон овози» — 29 минг 711 нусха, «Туркистон» 21 минг 936, «Адабиёти ва санъати» бўлса (саводингизга балли, жаноблар, газетамиз номида «Ўзбекистон» сўзи ҳам борлигини наҳотки билмасангиз?) бор-йўғи 15 минг 813 нусха чиқаётган эмиш.

Бундан чиқадики, муштарийлар «Правда Востока»га муҳаббат қўйиб, ўзбек тилида чоп этилаётган ва узоқ йиллар давомида узлуксиз мутолаа қилиб келаётган газеталаридан юз ўгиришибди-да? Мақола муаллифи аслида айни шу фикрни олға сурмоқчи. Наҳотки, шундай бўлса? Ҳар икки сўзнинг бирида ўзини ростгўй, самимий, адолатпарвар қилиб кўрсатаётган «Правда Востока» қайси хизматлари эвазига бундай улуғ мартабага мушарраф бўлди экану, биз шўрликлар не гуноҳимиз учун бундоқ аҳволга тушдик экан?

«Правда Востока», шубҳасиз, жумҳуриятимизнинг кекса ва салмоқли нашрларидан бири. Мавзулари хилмахил, қизиқарли мақолалари кўп. Аммо уни ҳамиша ҳам самимий дейиш қийин. Тил, мустақиллик, экология масалалари, пахта яккаҳокимлигига қарши кураш муаммоси ҳал этилаётган мураккаб вазиятларда газета қандай позицияда бўлгани, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги шиори остида миллат манфаатларига зид чиқишлар қилгани ёдимиздан кўтарилганича йўқ ва кўтарилмайди ҳам.

Кейинги икки сонда «Правда Востока» ўзининг ростгўйлигини, самимийлигини нуқул пеш қилмоқдаки, бу ҳам кўнгилда маълум мулоҳазалар уйғотади. Чунки тўғри одам ҳеч қачон «Мен тўғриман», дея айюҳаннос солмайди.

Газетамизнинг ушбу сони 213 минг 790 дона босилди. Аммо биз «Правда Востока»га ўхшаб кеккаймаймиз. Биз зўрмиз, биринчимиз, демаймиз, бошқаларни камситмаймиз. Фонд очиб ишхонада муштарийлардан пул ҳам йиғмаймиз. Бунақа қилсак, бўй-бастимиз янада ўсиб биринчилик иштиёқида ёнаётган дўстларимизнинг армони ичида қолиб кетади. Биз газетани янада қизиқарли, сермазмун қилиб чиқариш йўлларини ахтарамиз. «Правда Востока»нинг ўқувчилари кўпаяётган экан, буни ғоят табиий тушунмоқ керак. Зеро, ўзига хос қарашли газета ўзига хос ўқувчиларини топаётган экан, бунинг нимаси ёмон. Фақат бир масъулиятни унутмайлик. Зиммамизга аслида қандай вазифа юклангану биз нима иш билан машғулмиз?

Фикрим шу ерга келганда хаёлимда «Газетани газетхон баҳолайди» мақоласининг муаллифи ҳафталигимиз номидаги «Ўзбекистон» сўзини нега тушириб қолдирди экан, деган савол яна чарх ура бошлайди. Очиғини айтсам, ҳамма гап мана шу «фаромушлик»да. «Правда Востока»чилар Ўзбекистонни, унинг бағри кенг халқини, бизга ризқ-рўз улашаётган замин манфаатларини кўпинча унутиб қўймоқдалар.

АДИБЛАР ИТТИФОҚИ:
ХАЛҚ КЎНГЛИНИ КЎТАРАЙЛИК

Бугун ҳаммага қийин. Шу жумладан адиблар, шоирлар, публицистларга ҳам. Қаёққа қараманг, қимматчилик. Шундай шароитда ижодкорлар ҳам баъзи кунлари қозонни сувга солиб қўйишларига тўғри келяпти: минг машаққат билан ёзилган асарлари қоғоз, ноширлик хизматларининг баҳоси эллик-юз карра ортиб кетгани боис нашр этилмасдан ётибди. Нима қилиш керак?

Бу саволга жавобни назаримда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухторнинг Ўзбекистон республикаси Адиблар иттифоқи аъзолигига қабул қилинган бир гуруҳ ёш ижодкорларга оқ йўл тилаб айтган сўзларидан топиш мумкин:

— Адиблар иттифоқимизга сизларга ўхшаган дадил, иқтидорли ёшлар жуда керак эди, — деди А. Мухтор ўз сўзида. — Сизларни ўғилларим, невараларим деб айтишга ҳаддим сиғади. Бугун вазият мураккаб. Шароит адибдан ҳар қачонгидан ҳам ҳушёр бўлишни талаб қилмоқда. Рўй бераётган қимматчилик, тақчиллик одамларни эсанкиратиб қўймоқда. Бундай пайтда сиз билан биз халқнинг кўнглини кўтарадиган ишлар қилишимиз керак. Агар китобларимиз чиқмаётган бўлса, газета-журналлар, радио-телевидение орқали, турли учрашувлар, мулоқотларда бу ишни қилишимиз керак.

Устоз ёзувчининг сўзларини Адиблар иттифоқининг бўлиб ўтган навбатдаги кенгайтирилган раёсат мажлиси кун тартибига қўйилган масалалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Мажлисни ЎзРАИнинг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов очар экан, жумладан шундай деди: «Ҳурматли касбдошлар! Бошпанамиз бўлмагани туфайли анчадан буён йиғилолмаган эдик. Бу орада иттифоқимизга боғлиқ бир қатор масалалар, бир-биримизга айтадиган гапларимиз ҳам йиғилиб қолди. Сизларга яна бир хушхабарни етказишни ўзимнинг бурчим деб биламан. Яқинда биз тўрт нафар шоир: Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Азим Суюн ва камина Туркияда бўлиб ўтган «Туркий халқлар шеърияти» байрамида қатнашиб келдик. Байрам жуда яхши ўтди. Янги дўстлар орттирдик. Алоқалар ўрнатдик. Ушбу байрам келгуси йилда Олмаотада бўлади. Ундан кейинги, яъни 1994 йилда эса сизларнинг номингиздан Тошкентда ўтказишни таклиф қилдик...»

Шундан кейин Адиблар иттифоқининг котиби Мирзо Кенжабек кейинги ойларда Адиблар иттифоқи ва унинг аъзолари ҳаётида юз берган воқеалар, раёсат мажлиси кун тартибидаги масалалар хусусида гапирди.

— Кейинги пайтларда Адиблар иттифоқимиз бир қатор тадбирларни амалга оширди, — деди нотиқ. — Алихонтўра Соғуний хотира кечаси, «Истиқлол ва Туркистон» туркум кечаларидан Булоқбоши (Эргаш Шермат), Тошқин (Комил Абдуллоҳ) каби чет элларда яшаётган ватандош ижодкорлар билан учрашувлар, Амир Темур байрами, ажойиб шоирамиз Саида Зунунова хотира кечаси шулар жумласидан. Яқинда шоираларимиз Ҳ. Худойбердиева, О. Ҳожиевага «Ўзбекистон халқ шоири», Н. Аминова «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонлари берилди. Шоир Эркин Воҳидов Туркияда ўтказилган «Туркий халқлар шеърияти» байрамида Юнус Эмро мукофотига сазовор бўлди. Абдулла Орипов, Усмон Азим, Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳамедов, Нурулло Отахон, Асқар Маҳкам каби шоир ва ёзувчиларимиз ислом фарзларидан биттаси — ҳажни ўтаб келдилар. Сизлар биласизлар. илгарилари бугунгидек мажлисларда сўзлаган нотиқлар ёзувчиларнинг асарлари ҳақида худди ўзлари ёзиб бергандек оҳангда гапирар эдилар. Мавжуд иқтисодий қийинчиликларга, маънавий зарбаларга қарамасдан адибларимиз баҳоли қудрат ижод қилишаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Бу борада С. Аҳмаднинг туркум ҳажвиялари ва ҳикоялари, А. Мухторнинг «Шарқ юлдузи»да босилган «Фано ва бақо» ҳикояси, С. Анорбоев, К. Қаҳҳорова, Ғ. Саломов, В. Рўзиматов, Н. Комилов, Ў. Ҳошимов, Н. Аминов каби кўплаб адибларимизнинг янги асарлари, таржималари эълон этилди. Ўзбекистон халқ шоири А. Ориповнинг исломий мавзуда ёзган туркум шеърлари адабиётимизда воқеа бўлди.

Раёсат мажлиси кун артибидаги бир қатор масалалар, жумладан, жойлардаги ташаббускор адиблар томонидан ЎзРАИнинг Тошкент, Сирдарё, Бухоро, Сурхондарё вилоят бўлимлари ташкил этилгани, ўстоз адиблар ва эҳтиёжманд ёзувчилар, ёш ижодкорларга эътиборни кучайтириш, ғамхўрлик қилиш, уларни уй-жой билан таъминлаш, бир қатор марҳум адибларнинг хотирасини абадийлаштириш, 1994 йилда Тошкентда ўтказиладиган «Туркий халқлар шеърияти» байрамини ўтказиш каби муҳим масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Раёсат мажлисида Булоқбоши — Эргаш Шермат (АҚШ), Тошқин — Комил Абдуллоҳ (Саудия Арабистони), Алоуддин Мансур (Қирғизистон)дан иборат уч миллатдошимиз ЎзРАИнинг фахрий аъзолиги қабул қилиндилар. Алоуддин Мансур томонидан бажарилган Қуръони Каримнинг изоҳли таржимаси Ўзбекистон Давлат мукофотига тавсия этилди. Шунингдек, бир гуруҳ ёш истеъдодлар: Кўнқор Норқобил, Салим Ашур, Иқбол, Ғулом Мирзо, Зебо Раҳим, Фахриёр, Исажон Султон ЎзРАИ аъзолигига қабул қилиндилар.

Ё. ХЎЖАМБЕРДИ,
«ЎзАС»нинг махсус мухбири

АДАБИЁТ ВА МАФКУРА

Етмиш йилдан ошиқ ҳукмронлик қилиб келган Қизил империя даврида мамлакатдаги барча ишлар коммунистик партия мафкурасига бўйсундирилган эди. Адабиёт эса тўла даражада партиявийлашган, сиёсийлашганди. Мана энди коммунистик партия тугатилди. Унинг мафкуравий ҳукмронлиги ҳам барҳам топди. Хўш, эндиликда адабиёт ўз олдига қандай маслакни асос қилиб қўяди, қандай мақсадлар учун хизмат қилади? Умуман, адабиёт учун мафкура керакми, у сиёсатсиз яшай оладими?

8 июл куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган «Адабиёт, бадиият ва сиёсат» мавзуидаги баҳс-мунозарада ана шу масалалар хусусида фикр юритилди. Уни уюшманинг биринчи котиби Жамол Камол қисқача кириш сўзи билан очди. Баҳсни драматург, олим Иззат Султон бошлаб берди.

— Ҳар қандай даврда, ҳар қандай шароитда ҳам адабиёт сиёсатсиз яшай олмаган ва бундан кейин ҳам яшай олмайди, — деди у. — Чунки ҳаётда сиёсатсиз жабҳанинг ўзи йўқ. Аммо адабиётда мафкура коммунистик партиянинг сиёсати каби ҳукмрон, гегемон бўлмаслиги, адабиётни ўзига бўйсундирмаслиги, қул қилиб олмаслиги керак. Адабиётда сиёсат бирор партия ёки ҳукмрон куч томонидан белгиланмасдан, у ўз-ўзидан юзага келиши, ижодкорнинг иқтидори, ҳаётни бадиий идрок қилиш қудрати, маҳорати туфайли намоён бўлиши лозим.

Адабиётшунос олим Наим Каримов баҳсни давом эттирар экан, маданиятга эътибор берилмаётгани, адабиётнинг бу жараёндаги ўрни хусусида гапирди. Шунингдек, у И. Султоннинг адабиётда оддий халқ вакиллари образлари яратилмади, деган фикри асоссизлигини, авлодлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар халқимиз ҳаёти учун хос эмаслигини таъкидлаб ўтди.

— Бу анжуман қайсидир жиҳатлари билан аввалги йиғинларни эслатмоқда, — деди шоир Шукрулло. — Чунки аввал ҳам йиғинларимизда адабиётнинг мафкураси, аниқроғи партиявийлиги ҳақида гапирардик. Мана, ҳозир ҳам шу. Мен И. Султоннинг адабиётда оддий одамлар образлари йўқ деган гапига қўшилмайман. Гап оддий одамлар, буюк одамлар образлари борлиғлигида эмас, уларнинг образларини яратиб, қалбини очиб беришда. Биз шу пайтгача ҳақиқий инсон образини яратмадик, партия ходими қиёфасини чизиб келдик. Инсон дардлари, азоблари, дунёқараши, ўй-фикрларини эътибордан соқит қилдик. Натижада асарларимиздан китобхонлар баҳра олмайдиган бўлиб қолди. Энди вазифа қандай сиёсатга хизмат қилишда эмас, китобхонларимизни ўзига жалб қиладиган, ўқишли асарлар яратишимиздадир.

— Адабиёт учун мафкура керак. Лекин бу мафкура асарга зўрлаб сингдирилмаслиги, балки асарнинг асосидан табиий йўсинда келиб чиқиши лозим. Адабиёт учун маълум даврдаги кучлар, қарашлар, ҳаракатлар сиёсат бўлолмайди. Унинг маслаги битта — инсонпарварликдир, — дея баҳсга қўшилди М. Қўшжонов.

— Бу мунозаралардан келиб чиқадиган сабоқ биз учун муҳим бўлиши зарур. Сабоқ эса битта — ижодкорлар халқимиз учун келгусида қандай асарлар яратиб бера оладилар. Улар олижаноб ниятлари йўлида халқни орқасидан эргаштира оладиларми? Гап ана шунда, — деди Одил Ёқубов. — Бунинг учун инсонни ҳар хил «изм»лар нуқтаи назаридан эмас, табиий, инсоний йўсинда тасвирламоғимиз керак. Айниқса, улуғ инсонлар хусусида асар ёзганда бир ёқламаликка йўл қўймаслик лозим.

Шунингдек, йиғилишда Ҳафиз Абдусаматов, Ҳомил Ёқубов, Аҳмад Алиев, Сувон Мелиев, Баҳром Ғойиб ва бошқалар ҳам адабиёт ҳамда мафкура хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Баҳс-мунозарани Жамол Камол якунлади.

АСАКАГА ИСТИҚБОЛ

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришганига ҳам 10 ойдан ошди. Ўтган вақт ичида мустақиллик аста-секинлик билан бўлса-да, ўз меваларини бера бошлади. Асрлар мобайнида бошқаларга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий камолоти йўлида олға қараб дадил қадамлар қўйилди. Жумҳуриятимиз жаҳонга чиқди, бир неча ривожланган хорижий мамлакатлар билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Жумладан, жумҳуриятимиз президентининг шу йил июн ойида Жанубий Кореяга қилган расмий давлат ташрифи чоғида бу мамлакат билан бир қатор муҳим шартномабитимлар имзоланди.

Энг қувончлиси шундаки, корейс биродарларимизнинг кўмагида Ўзбекистонда автомобиль заводи қуриладиган бўлди. Унга Ўзбекистон ва Корея тенг миқдорда маблағ ажратади. Ускунаю қурувчилари ҳам Корея юборади. Андижон вилоятида барпо этилажак заводда 1993 йилнинг декабридан бошлаб дастлабки машиналар чиқарила бошлайди. Демак, келгусида биз ҳам ўз автомобиль корхонамизга эга бўламиз. Бу мустақил ёш давлатимиз учун ниҳоятда катта бахт, катта имконияти-дир. Негаки, фан-техника ғоят ривожланган бугунги кунда инсон ҳаётини, халқ хўжалигини автомобилларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Яқинда жумҳуриятимиз раҳбариятининг таклифига мувофиқ Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорациясининг президенти Ким У Жун жаноблари Ўзбекистонга ташриф буюрди. У жумҳуриятимиз президенти Ислом Каримов билан қурилажак корхонада — Асакадаги прицеплар заводида ҳам бўлди. Томонлар корхона хусусида фикрлашиб олдилар.

Бизнинг диёримиз шу пайтга қадар асосан аграр жумҳурият ҳисобланарди. Шунга қарамай, жаҳонга олтинга кон, пахта, пилла, қоракўлга бой юрт сифатида маълум ва машҳур эди. Шояд, юртимиз келгусида автомобилсозлик саноати ҳам ривожланган диёрга айланса...

Абдумалик ИМОНҚУЛОВ

АСКИЯЧИЛАР ТАНЛОВИ

Шу йилнинг 16—18 июл кунлари Қўқон шаҳрида аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг анъанавий IX республика кўрик-танлови ўтказилади. Танловни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари жумҳурият Маркази, республика телераднокомпанияси ва «Муштум» журнали ҳамкорликда ўтказмоқда. Навбатдаги танлов машҳур қизиқчи Ижроқўмбув Аминов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида Ўзбекистон халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг атоқли адибимиз Абдулла Қодирий асарларига ишлаган суратлари намойиш этилмоқда. Кўргазмадан адибнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» сингари машҳур асарларининг қаҳрамонлари сиймолари акс эттирилган турли картиналар ўрин олган. Унда Отабек, Кумушбиби, Анвар, Обид образлари томошабин кўз ўнгида ёрқин гавдаланади. Адиб асарларига ишланган суратлар у яратган образларнинг умрбоқийлигини кўрсатиб турибди.

СУРАТДА: кўргазмага қўйилган асарлардан намуналар.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Янги РУКН

Истиқлол манзаралари

Эркин ЮСУПОВ, УзФА академиги

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА МАТБУОТДА ва бошқа минбарлардан туриб эндигина қад ростлаётган мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида баъзи бир фикр ва мулоҳазалар айтилмоқда. Бу борада жамоатчилик ўртасида фикр алмашиш, турлича нуқтаи назарларни билдириш фойдадан холи эмас. Бу ишни фақат мансабдор шахсларнинг вазифаси деб қарасак, эски тоталитар тузумга хос бўлган субъективизм, волюнтаризм ботқоғига яна ҳам чуқурроқ бота берамиз. 130 йил давом этган мустамлакачиликдан бизга жуда оғир иқтисодий, сиёсий ва маънавий мерос қолди. Бу меросга оқилона ёндашиш, мустақил тараққиётимиз мафкурасини яратиш зарур бўлиб қолмоқда. Ватанпарвар, миллатпарвар кучлар биргаликда ҳаракат қилсагина мустақилликни тўла маънода мустаҳкамлаш имкониятлари туғилади.

Мамлакатда амалга ошган маданий инқилоб, халқнинг онги беқиёс даражада ўсгани ҳақида узоқ йиллар давомида жаҳонга жар солиб келдик. Аммо сўнгги 2—3 йил ичида жумҳуриятимизда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар кўпчилик халқ оммасининг онги, умумий маданий савияси анча паст эканини кўрсатди. Биз кўпинча ақл билан иш кўриш ўрнига турли мишмишлар ва «чойхона»нинг гапларига қулоқ осиб, ҳиссиётларга берилмоқдамиз. Шулардан келиб чиқиб айтиш лозимки, биз мустақилликни мустаҳкамлашнинг аниқ иқтисодий-сиёсий, маънавий заминларини белгилаб олишимиз зарур.

Тўғри, иқтисодий ва сиёсий заминларни мустаҳкамлаш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Лекин мустақилликнинг маънавий замини хусусида ҳали етарлича ўйлаганимиз йўқ. Одамларнинг қорни тўйиб, усти бут бўлиши билан мустақил бўлиб қолишмайди. Бунинг учун жамият аъзоларида юксак миллий онг, истиқбол йўллари ҳақида аниқ, виждон билан англанилган эътиқод ва ишонч бўлмоғи зарур.

Мустақилликнинг маънавий заминини барпо этиш ва ривожлантириш ниҳоятда оғир, мураккаб, узоқ вақт талаб қиладиган ишдир. Уни асло кечиктириб бўлмайди. 74 йил давомида кишиларнинг онгида, табиатларида, ахлоқида юз берган деформацияга барҳам бериш, унутилиб келган, айтиш керакки, оёқости қилинган миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш зарур. Бу масалаларни ҳал этиш мустақилликнинг иқтисодий ва сиёсий заминларини мустаҳкамлашга нисбатан ҳам оғир ва масъулиятлидир.

Мустақиллик маънавий заминининг муҳим томони тараққиётнинг янги илмий назариясини яратиш ва халқ орасига кенг ёйишдир. Эртанги кунга кўзни юмиб ёки бирор раҳбарнинг кетидан кўр-кўрона эргашиб бориб бўлмайди. Кишилар ҳозирданоқ биз қайси йўлдан борамиз, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муносабатларнинг қайси шаклини ўрнатамиз, тарихий тажрибамизда жаҳон тараққиёти сабоқларининг қайси томонларидан фойдаланамиз, деган саволларга жавоб топмоқлари зарур. Агар танлаган йўлимиз асосан аниқ, илмий асосланган бўлмаса, хато кетидан хатога йўл кўя берамиз.

Советлар тузуми шароитида жамият тараққиёти, истиқболи масалаларини қўлида чексиз ҳокимиятни тўплаб олган ҳукмдор шахслар хоҳлаганича ҳал этишларига ўрганиб қолдик. Катта ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда субъективизм ва волюнтаризм ботқоғига ботиш фақат бебошликкина эмас, балки назарий заифлик ва илмий нодонликнинг ифодаси ҳам эди. Раҳбарлик лавозимларига умумий қобилиятига, илмий, назарий етуклигига эмас, балки ижтимоий келиб чиқишига қараб тайинлаш ҳам юқорида айтилган фалокатларни келтириб чиқарди.

Янги тараққиёт йўлига чиққанимиз билан миямизда чуқур ўрнашиб қолган эскилик иллатларидан ҳануз тўла қутула олганимиз йўқ. Тараққиёт назариясини ишлаб чиқишда фан қонунлари, тўпланган ижобий тажрибадан фойдаланиш ўрнига ўз билганича иш тутишга уриниш, бошқача фикрларни менсимаслик ёки қоралаш ҳоллари ҳали намоён бўлиб турибди.

Ҳозирги кунда тараққиётни тезлаштириш учун Туркия моделини қабул қилиш ниҳоятда муҳим иш. Лекин бу модел Ўзбекистонга кўр-кўрона татбиқ этилиши мумкин эмас. Туркия модели жумҳуриятимиз хусусиятлари ва имкониятлари, халқимизнинг тарихий тажрибаси ва эҳтиёжлари билан тўла боғлангандагина мустақил тараққиётимизнинг ҳозирги кундаги муаммоларини ҳал этишга ёрдамлашади. Келажакда эса мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли, унинг назарияси бўлмоғи керак. Бу назария заминида фақат Туркия тажрибасигина эмас, балки жаҳондаги барча илғор мамлакатлар босиб ўтган йўлининг ижобий сабоқларидан келиб чиқадиган хулосалар ётмоғи зарур.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КИШИЛАРДА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ назариясига нисбатан қизиқиш сусайиб кетди. Сўнгги ярим асрдан кўпроқ вақт ичида марксизм-ленинизм ғояларини ҳаётга кўр-кўрона, сунъий, зўравонлик билан татбиқ этишга ҳаракат қилиш шундай кайфиятни келтириб чиқарди. Лекин бу нарса ижтимоий тараққиёт илмий назариясиз ҳам бўлиши мумкин, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Илмий назариянинг моҳияти ўтмишнинг амалий тажрибаси ва унинг илмий якунлари, ҳозирги имкониятлар ва уларни воқеликка айлантириш йўлларини билиш асосида тараққиётнинг асосий йўлларини олдиндан белгилаб бериш, демакдир. Ҳаётда илмий назарияга эга бўлмаслик — келажак сари кўзни юмиб боришдир. Шу сабабли Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти назариясини яратиш қандайдир қуруқ сафсата эмас, балки келажак тараққиётимиз истиқболларини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олиш ва кун тартибида турган янги ва янги вазифаларни ижодий, давр талаблари ва имкониятларини тўла ҳисобга олган ҳолда ёндашиб ҳал этиш демакдир.

Биз мустақиллик тўғрисида кўп гапиряпмизу аммо тақдирини ўз қўлига олаётган жумҳуриятимизнинг, халқимизнинг келажак истиқбол сари бориш йўлларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш борасида етарлича иш қилганимиз йўқ. Миллий онгни шакллантириш ана шу асослардан биридир.

Миллий онг юксак миллий маданият заминидагина шаклланиши, ривожланиши мумкин. Албатта, миллий маданият миллий онгга нисбатан мазмун жиҳатдан кенгдир. Миллий маданияти ривожланмаган, миллий бирлик, бирдамлик, ҳамдардлик туйғулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг ҳам бўлиши мумкин эмас. Совет тузуми ҳукмронлиги даврида миллий бирдамлик ғоялари билан суғорилган миллий онг ўсиши йўлида турли ғовлар ташкил этилди, миллий бирдамлик юксалиши миллатчилик деб қоралаб келинди. Миллий маданиятлар тараққиётига тўсқинлик қилиш ҳам миллий онгни заифлаштиришга интилишдан бошқа нарса эмас эди. Жумладан, Совет ҳокимияти томонидан 1947 йил 8 июнда қабул қилинган, қатъиян махфий бўлган буйруқнинг 27-бандида шундай деб ёзилган: «Маҳаллий аҳолидан етишган раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилиши мумкин, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашишига хизмат қилмаслиги керак».

Узоқ муддатли мустамлака жумҳуриятимизда мустақилликка маънавий асос бўла оладиган етук миллий онгнинг шаклланишига тўсқинлик қилиб келди. Асрлар давомида ўзбеклар кўпинча турли давлатлар ҳудудида яшадилар. Улар ўртасида иқтисодий, маданий бирлик барқарор бўлган бўлса ҳам, у миллий бирлик ва бирдамликка асос солувчи миллий онг шаклланиши ва ривожланишига олиб келмади. Хонликлар ўртасида доим бўлиб турган урушлар, феодал тарқоқлик ҳам бунга имкон бермади. Мустамлакачилик даврида эса чор амалдорлари турли жойларда яшовчи ўзбеклар бирлашишига, миллий бирдамликка чорловчи миллий онг шаклланишига йўл бермадилар. Миллий онг заминида шаклланувчи миллий бирдамлик туйғуси мустамлакачилик заминига болта урувчи кучли омил бўлишини улар яхши билар эдилар. Натижада маҳаллийчилик кучайди. Ўзбеклар этник бирлигини тан олиш ва уни мустаҳкамлашдан кўра қайси шаҳарлардан ёки вилоятдан эканини кўрсатишга кўпроқ уринар эдилар. Маҳаллийчилик миллат вакилларида бирдамликни ҳис қилиш ва қадрлаш маданияти шаклланиши йўлидаги асосий ғоялардан бири бўлиб келди. Совет ҳокимияти йилларида, гарчанд ўзбек халқи бир жумҳуриятга бирлашган бўлса ҳам, маҳаллийчилик иллатлари тугамади, балки яна ҳам ривожланди. Маҳаллийчилик миллий бирлик туйғуси, миллий онг шаклланиши йўлидаги асосий ғов эканини марказдаги раҳбарлар яхши билар эдилар. 74 йил давомида бу иллатнинг чуқурлашиши учун имкон яратилса яратилдики, унга асло барҳам берилмади. Сурхондарёликлар фарғоналиклардан, андижонликлар хоразмликлардан ўзини ажратиши, маданият, шева, психология соҳасидаги айрим маҳаллий хусусиятлар бўрттирилиб туриши, миллий бирдамлик томонларига эмас, балки маҳаллий хусусиятлар асосида бир-биримизни фарқлаб турувчи кичик масалаларга катта эътибор берилиши ўзбекларнинг миллий бирлиги мустаҳкамланишига тўсқинлик қилиб келди.

Маҳаллийчилик миллий онги паст бўлган миллатларга хос бўлган заифликдир. Агар маҳаллийчилик касалига йирик раҳбар мубтало бўлса, бу заифлик миллий офатга айланиб кетади. Ачинарлиси шундаки, ҳозир ҳам баъзан олий ўқув юртларида ректорлар, деканларни қайси шаҳардан, вилоятдан эканини суриштириш ҳоллари кучаймоқда. Агар шу аҳвол сақланиб газак ола берса, бизга ҳеч қандай душманнинг кераги йўқ, балки яқин йилларда маънавий қолоқлик касофати орқасида ўзимизнинг тагимизга ўзимиз сув қуямиз.

Шуни унутмаслик керакки, бизнинг бу заиф томонимизни баъзи «дўстларимиз» ҳам билишади, керак бўлганида мустақиллигимизни барбод этиш, бўйнимизга янги кишанлар солиш мақсадида бу хавфли иллатдан усталик билан фойдаланишлари мумкин.

ЯҚИНДА МАРКАЗ МАТБУОТИДА ЎЗБЕКИСТОН қатор мустақил давлатларга бўлиниб кетиши эҳтимоли борлиги ҳақида жар солинди. Орамизда шундай ниятда юрган миллатфуруш, мустақиллигимиз ва ҳамжиҳатлигимиз душманлари бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Гуржистонда бўлиб ўтган ва бўлаётган воқеалар ҳаммамизга катта сабоқ бўлмоғи лозим. Бу воқеаларнинг ташаббусчи ва ташкилотчилари Гуржистон чегарасидан анча олисда. Улар грузинларнинг қўли билан ўзларига ёқмаган қонуний президент Гамсахурдияни ҳокимиятдан четлаштирдилар, ўз ноғораларига сўзсиз ўйнайдиган кишиларни ҳокимият тепасига олиб келишга ҳаракат қилмоқдалар. Гапни қарангки, Кавказ орти ҳарбий округи қўмондонлиги энг замонавий қуролларни Гамсахурдияга душман бўлган кучларга «вақтинча» бериб қўйган эмиш, вазият яхшилангач бу қуроллар қайтариб олинар эмиш. Қўшнимиз Тожикистонда бўлиб ўтган воқеалар, ҳозирги вазият ҳаммамизга сабоқ бўлмоғи керак.

Тоғли Қорабоғ фожиаси ҳам икки қўшни миллат ўртасидаги можародан кўра ташқи зўравон кучларнинг узоққа мўлжалланган сиёсатига ўхшаб кетади. Замон зўрники, деган сўз сиёсат соҳасида жуда қўпол шаклларда намоён бўлади. Миллий онги паст, миллий бирлиги бўлмаган, бир-бирига қовушмаган миллатлар мана шундай зўравонлик сиёсатида кўп талофот кўрадилар.

Маҳаллийчиликдан ташқари жумҳуриятимизнинг баъзи жойларида қабила, уруғчилик иллатлари ҳам бор. Айрим ҳолларда кишилар бир миллатга мансуб эканликларини иккинчи ўринга суриб қўйиб, қайси қабиладан, уруғдан эканини суриштирадилар. Агар орамизда маҳаллийчилик, қабила-уруғчилик муносабатлари сақланиб қолса, биз маданий қовушган, яхлит миллат сифатида қаддимизни тиклай олмаймиз. Миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик асосидагина камол топиши мумкин бўлган мустақиллигимиз ҳам барбод бўлади.

Шоир Азим Суюннинг шеъридаги бир мисрани ҳеч ёдимдан чиқармайман. У шундай деб ёзган эди:

Узбек, қачон эл бўласан,
Шовуллаган сел бўласан,
Агар ишинг шундоқ кетса,
Бир кун қора ер бўласан.

Агар биз мураккаб ва масъулиятли даврларда бир-биримизга қовушиб, қўлни қўлга бериб эл бўлмасак, муқаррар қаро ер бўламиз!

Соғлом миллий онг ва миллий бирдамлик туйғуси бошқа миллатларни камситиш, ўз миллатинигина ҳимоя қилиш, улуғлашдан иборат бўлмайди. Ўз миллатини севган, ҳурмат қилган киши бошқа миллатларни ҳам ҳурмат қилмоғи керак.

Доим кўп миллатли бўлган, бундан буён ҳам шундай бўлиб қоладиган Ўзбекистонда, турли миллатлар бирлиги, бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги ҳам мустақилликнинг маънавий омилларидан биридир.

Президентимиз Ислом Каримов Бишкек шаҳрида бўлган учрашувда миллатлар, минтақадаги мустақил давлатлар ўртасида адолатли, тенг ҳуқуқликка асосланган муносабатлар ўрнатиш ҳозирги куннинг биринчи даражали вазифаларидандир, деб бекорга айтган эмас.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихан тақдири бир бўлган, иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёти бир-бири билан чамбарчас боғланиб, халқлари қуда-анда бўлиб кетган ўлкадир. Шу сабабли Ўзбекистон мустақиллиги бошқа қардош жумҳуриятлар ҳам мустақил бўлгандагина барқарор бўлиши мумкин. Агар Ўзбекистон мустақил Қозоғистон ва Қирғизистон шимолдаги улкан қўшнига қарам бўлиб қола берса, у вақтда ўлкада ҳеч тинчлик бўлмайди. Тарихан дўст бўлган ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ўртасига низо солиб вазиятни кескинлаштирувчи кучлар, албатта, бўлади. Шу сабабли ёнимизда мустақил, дўст Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон бўлгандагина ҳақиқий мустақил, тинч ривожланиш имконига эга Ўзбекистон бўлади.

Ҳозирданоқ Ўрта Осиё жумҳуриятлари чегараларини қайта кўриб чиқиш керак деган кучлар кўпайиб қолди. Тарихан Ўрта Осиё, Қозоғистон халқлари умумий территорияга, яқин қўшни, дўст бўлиб яшаганлар. Тоғ бағри ерларда, деҳқончилик районларида ўзбеклар билан тожиклар яшайдиган қишлоқларни бир-биридан ажратиб олиш ҳам қийин. Ота-боболаримиз минглаб йиллар давомида жой, ер талашмасдан аҳил, дўст бўлиб яшаганлар. Ҳозирги территорияларни қайта кўриб чиқишга чақириш сўнгги кўринмайдиган қонли урушни бошлашга даъват этишдир. Агар Ўрта Осиёда шу асосда бирор тайёр бўлмаган кишиларда миллий ғурур ҳам бўлиши мумкин эмас.

Баъзилар ҳозир ўзларини миллат фидойиси сифатида кўрсатмоқчи бўладилар. Лекин ўзлари она тилида на мантиқли сўзлашни, на икки жумла сўзни ёзишни билмайдилар, миллат маънавий оламининг замини бўлган қадриятларни тушунмайдилар. Бундайлар учун ўзини миллат жонкуяри, деб кўрсатиш даврга мослашиб, енгил обрў орттириш учун қилинган ҳаракат холос. Бундай йўл сиёсий тилда популизм, оддий халқ тилида эса бебурдлик дейилади.

Жамиятимизда рўй берган маънавий парокандаликнинг асосий томонларидан бири ёшларда меҳнатсеварлик хислатларини шакллантиришга кам эътибор берилганидир. Мен бу маънавий фожиани батафсил баён этмоқчи эмасман. Ахлоқ, одоб, тарбия борасидаги жиддий нуқсонлар кўпчиликка аён. Ҳозирги асосий гап — халқимизнинг ахлоқ, одоб, тарбия, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳр мурувват борасида минглаб йиллар давомида шаклланган қадриятларини чуқур ўрганиш, ҳаётга кенг жорий этиш, мустақиллигимизнинг маънавий заминини яратиш ва мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда. Бу — оддий шиор эмас, балки иккиланмай, кечиктирмай ҳал этишимиз лозим бўлган амалий масаладир. Ахлоқ, одоб тарбияси борасида ислом дини имкониятларидан ҳам кенг фойдаланмоқ зарур.

АЛБАТТА, БИЗ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚОБИҒИ ИЧИДА ҚОЛИБ жаҳон маданияти, бошқа халқларнинг маънавий бойликларини ўрганишдан бутунлай воз кечишимиз мумкин эмас. Дунёдаги бирор халқ ўз маънавий-миллий бойликлари доирасидагина ривожлана олмайди. Бундай йўл миллатни камолатга эмас, балки таназзулга олиб келиши ўз-ўзидан аён. Лекин бошқа халқларнинг маданий бойликларини қанчалик ўрганмайлик, ҳаётга татбиқ этмайлик, маънавий камолатимизнинг асосий пойдевори — ўз миллий қадриятларимиз бўлиб қолади. Биз 74 йил давомида рус ва Оврупо маданиятини маънавий камолат йўлини кўрсатиб берувчи асосий машъал сифатида қараб, ўзимизнинг ажойиб меросимиз, қадриятларимизни эса сўнаётган бир хира юлдуз деб тасаввур қилдик.

Маънавий камолат кўзни юмиб бошқаларнинг кетидан эргашиш орқалигина эмас, балки миллий қадриятлардан унумли, тўла фойдаланиш заминида амалга ошади.

Мустақилликнинг маънавий замини мустаҳкамланиши оддий кишиларнинг ахлоқий баркамоллигигагина эмас, балки юқори лавозимдаги раҳбарлар доирасида, турли сиёсий кучлар ўртасида бўлган муҳитга ҳам боғлиқдир. Агар раҳбарлар бир ёқадан бош чиқариб иш қилиш ўрнига бир-бирига тош отиша берса, сиёсий кучлар мустақиллик ва тараққиёт учун эмас, балки мансаб учун кураша берса, бу ҳол жумҳуриятдаги муҳитга салбий таъсир этади.

Тоталитар тузумнинг қолдиқлари инсон онги ва психологиясида анчагина чуқур ўрин олиб турган, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, миллий онги ва бирдамлиги анча заиф бўлган, раҳбарнинг сўзи ва қарорига кўпчилик итоаткорона қулоқ соладиган ҳозирги шароитда бирор бир амалпараст ҳокимият тепасига келиб қолиши катта ижтимоий фожиадир..

Мен бу сўзларни бекорга айтаётганим йўқ. Раҳбарнинг қилган ишигина эмас, балки хатти-ҳаракати, айтган сўзлари, муомала маданияти, инсоний фазилатлари ҳам бошқаларга ўрнак бўлади. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганидек, раҳбарнинг атрофидаги кишилар ҳам унга эргашишга, ўхшашга интиладилар. Агар раҳбар қўпол бўлса, атрофдагилар кўполликка, бошқаларни камситишга ўрганиб қоладилар. Отаонанинг ўзаро муомаласи фарзандларга, маҳалла оқсоқолларининг эса атрофидагиларга, раҳбарнинг фазилатлари эса кўпчиликка таъсир этади.

Мансабдор шахсларга сиғиниш, итоат қилиш психологияси анча кучли бўлган ўзбеклар учун катта раҳбарлар билан учрашиш, суҳбат қилиш ниҳоятда катта воқеа, тарбия омили ҳамдир. Раҳбар хушмуомала, инсонпарвар, юксак маданиятли бўлса суҳбат натижасида бир одамнигина эмас, балки у орқали кўпчиликнинг кўнглини кўтаради, илҳомлантиради, умид ва ишонч туғдиради. Кўпол муомала эса инсон қалбига тузатиб бўлмайдиган жароҳат етказади. Шундай ҳолат юз берса одамлар раҳбар билан мулоқотда бўлишдан кўра ўзини ундан четга олишга ҳаракат қила бошлайдилар ёки дилидагини эмас, балки тилидагини, унга ёқадиган сўзларни айтишга ҳаракат қилади. Агар кишилар билан мулоқотда самимият, ростгўйлик бўлмаса, раҳбарнинг ҳаёт воқелигидан узоқлашиб таназзулга томон бориш жараёни тезлаша бошлайди. Бу менинг фикримгина эмас, балки ҳаёт ҳақиқатидир. Кўзбўямачилик ва хушомадгўйлик йўлига ўтиб олиб қанча раҳбарларни издан чиқармадик, жамиятга қанча зарар етказмадик. Бу фалокатли йўлдан ҳали ҳам чиқиб кета олганимиз йўқ.

Соғлом маънавий муҳит барқарор бўлган жамиятда ҳамма нарса қонунлар, ҳуқуқий нормалар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади. Етук, миллатпарвар кишилар ўз шахсий мақсад ва манфаатларини демократия ва адолат талабларидан устун қўймайдилар, бебошлик ва итоатсизликнинг, ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштиришнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб борадилар. Барча сиёсий кучлар шу йўл билан борган жамиятдагина тинч, демократик тараққиёт учун имкониятлар мавжуд бўлади. Халқ яширин овоз бериш билан, демократик асосда сайлаган раҳбарларни истеъфога чиқишини талаб қилиш ҳам адолат талабларига зиддир. Ўзини халқпарвар, деб кўрсатишга уриниб юрган сиёсатчилар халқнинг иродасини ҳурмат қилишни ўрганиб олсалар ёмон бўлмас эди. Бир неча минг оломон кўчага чиқиб миллионлаб кишилар сайлаган президентни истеъфога чиқишини талаб қилиши қайси демократия қоидаларига тўғри келади?

Ҳуқуқий давлатда озчилик, агар мард бўлса, кўпчиликнинг иродасига итоат қилади. Ҳиссиётлар таъсирида бўлган оломон талаби асосида қонуний сайланган раҳбарларни истеъфога чиқара берсак жумҳуриятимизда ҳеч қандай тинчлик, осойишталик, мустақиллик ва тараққиёт учун имкониятлар бўлмайди, халқнинг яхши орзу-умидларини барбод этамиз.

Ҳозирги оғир, мураккаб бурилиш даврида ҳеч қандай раҳбар жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида бирданига кескин бурилиш ясай олмайди. Бундай мўъжизани кутиш хаёлпарастликдан бошқа нарса эмас. Тараққиёт ва юксалиш бировнинг ҳоҳиши, иродаси асосида эмас, балки жамиятда мавжуд бўлган реал имкониятлар асосида амалга ошади. Узоқ даврлар давомида мустамлакачилик асоратида бўлиб келган Ўзбекистонда ҳозир бундай имкониятлар йўқ. Бунинг учун вақт керак, осойишталик керак, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқ керак. Бундай вазиятда миллатпарвар кишилар барча адоватларни, мансаб учун бўлган интилишларни бир четга суриб қўйиб янги раҳбар атрофига бирлашишлари, мураккаб муаммоларни ҳал этишда унга ёрдамлашишлари зарур. Айрим раҳбарларгина эмас, балки барча сиёсий кучлар ҳам бу ҳақиқатни тан олмоқлари зарур. Акс ҳолда биз сиёсий низолар, мансаб учун курашишлар, гуруҳий, миллий зиддиятлар гирдобига ўралиб қоламиз, халқ манфаати билан боғлиқ бўлган мустақиллик ва тараққиёт муаммолари эса бир четда қолиб кетади.

ИНСОННИНГ АСОСИЙ ФАЗИЛАТИ — МАЪНАВИЯТДИР. Маънавий баркамоллик бор жойда тараққиёт бўлади, одамлар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, адолатга асосланган муносабатлар бўлади. Материалистик философияда борлиқ онгни белгилайди, деган тўғри фикр бор. Лекин ўз ичига бутун маънавий бойликларни ҳам олган ижтимоий онг борлиқнинг сурат сифатидаги ифодасигина эмас, балки унга таъсир кўрсата оладиган катта ижтимоий кучдир. Борлиқни қўли, оёғи бўлган инсонлар эмас, балки юксак маънавий қадриятларни онгига чуқур сингдирган кишиларгина адолатли равишда ўзгартира оладилар, юксалтирадилар.

Истиқлол фарзанди улғаймоқда... Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурат-лавҳаси

МИЛЛАТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарорига биноан хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳамда чет элларда истиқомат қилувчи ватандошлар билан алоқа «Ватан» жамияти негизида Ўзбекистон республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ташкил этилди.

Янги ташкилот зиммасига халқаро миқёсда дўстлик ва маданий ҳамкорлик муносабатларини кучайтириш, хорижда яшовчи ватандошлар билан алоқаларни янада кенгайтириш, турли хил жамиятлар, уюшмалар ва клублар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш вазифаси юклатилди. Ассоциация халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ғояларини, маданий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилади. Миллий маданият марказлари ва халқ дипломатиясини ривожлантиришда иштирок этаётган жамоатчи ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини йўналтириб боради, биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Чет эл жамоатчилиги ва хорижда истиқомат қилаётган ўзбекларни халқимиз тарихи, маданияти, анъаналари, урф-одатлари билан, айни пайтда мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳозирги ички ва ташқи сиёсати принциплари билан таништириб бориш ассоциация зиммасидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун эса сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий, маданий ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон жамоатчилиги билан хорижий мамлакатлар ўртасида доимий равишда ахборот алмашинувига, ватандош тадбиркорларнинг жумҳуриятимиз корхоналари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга эришиш лозим.

Ассоциацияга турли мамлакатлар халқлари ўртасида инсонпарварлик ва дўстона алоқаларни йўлга қўйиш масалалари бўйича БМТ муассасалари, халқаро минтақавий ва бошқа ҳукуматга тегишли бўлмаган ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш, республика жамоатчилиги вакиллари делегацияларини ва ихтисослаштирилган сайёҳлар гуруҳларини ташкил этиш ҳамда уларни ва алоҳида фуқароларни чет элларга юбориш, чет эл делегацияларини ва алоҳида шахсларни қабул қилишни ташкил этиш ҳуқуқи берилган. Ассоциация хорижий тилларда, шу жумладан, ватандошлар учун ўзбек тилида (араб ва лотин ҳарфларида) рўзномалар, журналлар, бюллетенлар ва бошқа босма материаллар нашр этиши мумкин.

Яқинда янги ассоциация ҳайъатининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ассоциациянинг жорий йилнинг иккинчи ярми учун мўлжалланган иш плани тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Ҳайъат йиғилишини ассоциация раиси Н. Е. Ғойибов олиб борди.

«ЎзАС» ахборотни

ЎЗИНГНИКИ ЎЗАГИНГНИ УЗАДИ

МУҲАРРИРГА мактублар

Кўп ажиб дунё экан, бу дунё! Ўлчови, андозаси йўқ: оқ билан қора, меҳр билан макр қоришиқ... Гоҳо бандабандасининг буқаламун феълидан, ҳудбину бозиргонлигидан тонг қоласан, киши. Ўзидаги азалий амалларни увол этиб, ҳавойи ҳаваслар-ни бозор қилади. Бугун оммани-нг омбори, савдо пештахталари шипшийдам ётгани ҳолда шахсу шахсиятлар бозори, давраю даврачалар бозори қизигандан қизиб кетган. Шуҳратпараст уқувсизлигини хаспўшлаш, нархини ошириш учун кўзини бақрайтириб яқин дўстининг, қавму қариндошининг юзига қора суртиш, ҳатто отасининг гўрига кесак қалаш билан овора. Шунақалар кўп ҳозир.

Шу йилнинг 9 июн саҳармардонида Ўзбекистон телерадио компаниясининг Тошкент шаҳар бўлимидан берилган эшиттириш Мирзо Улуғбек туманига мансуб Хумоюн мавзесидаги аҳли мўминларнинг пешоналарини тириштирди: Эмиш: маҳалланинг калтабин катталари, қароқчи чоллари эртага осмонга устун бўладиган ёшларнинг спорт билан шуғулланаётган биноларини тортиб олишганмиш...

Эшитган қулоққа терс, эриш туюладиган гап. Ўйланиб, дилинг хижил тортади. Ажаб, ким фарзандларининг камоли учун қайғурмайди, бунинг устига кўра-била туриб, ўз хонадонининг чироғини ўчиради? Наҳотки, «қароқчи чоллар»нинг ниятлари қора бўлса?

Аслида воқеа қандай бўлган эди? Маълумки, кейинги йилларда қурилаётган айрим турар-жой мавзеларида маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, турмуш тарзи инобатга олинмоқда. Хумоюн мавзесида ҳам шундай бўлди. Бу мавзеда маҳалланинг тўй-маъракасини ўтказадиган бино ҳам қурилган эди. Лекин ана шу бино Улуғбек тумани (собиқ Куйбишев)нинг собиқ раҳбарлари томонидан қайсидир бир спорт уюшмасига ижарага бериб юборилган экан. Маҳалла аҳли туманнинг ҳозирги ҳокимияти ёрдамида ана шу бинони ўз тасарруфига қайтариб олди. Бу ерда янги «Истиқлол» деб аталган маҳалла ташкил этилди. Мақсадимиз, мустақиллигимиз атрофида элни бирлаштириш, фарзандларимизни имон-эътиқод, ота-боболаримизнинг энг яхши анъаналари руҳида тарбиялаш. Бинони ҳақиқий истиқлол уйига айлантириш.

Ҳозир бутун эл бир ёқадан бош чиқариб мустақиллигимизни мустаҳкамлайдиган пайт. Мустақилликни эса биринчи навбатда маҳаллаларда ишни яхши йўлга қўйишдан бошлаш керак. Маҳалла ёшларнинг маънавий тарбия ўчоғига айланиши керак. Қуш уясида кўрганини қилади. Агар маҳалладаги одамлар имон-эътиқодли, бир-бирларига ҳамдард, иноқ бўлсалар, уларнинг фарзандлари ҳам шу руҳда тарбия топишади. Яна қайтариб айтаман, мавзедаги бинони маҳалла тасарруфига олишдан биринчи мақсад, ёшларимизни комил инсонлик йўлида тарбиялаш.

Шундай пайтда кишини бир нарса таажжублантиради. Хўш, мухбир инимиз кимларнинг ноғорасига ўйнади ва кимларни, нимани ҳимоя қилаётибди? Озиб-ёзиб, ўзича адолатнинг юзини деб, овозёзғич қутисини ортмоқлаб борган экан, янги ташкил этилган «Истиқлол» маҳалласига ва шу маҳалла аҳли хизмати учун дину эътиқоди нотайин «каратэчи»лардан қайтариб олиб берилган бинога келмасдан, бу ердаги одамлар билан гаплашмасдан не сабабдан Аҳмад Югнакий маҳалласида адашиб юрибди? Адашганни Худо кечирар, адаштирганнинг?

Мустақиллик — шахснинг бутунлиги. Озод, ҳур, мустақил фуқаролар мустақил фикрлашлари ҳам керак. Зарра мулоҳазага бормай «адаштирилган» мухбирнинг овоз қутисига овозларини ёздирган опа-сингилларимизга нима дейишга ҳам ҳайронман. Халқда «Ўзингники ўзагингни узади» деган гап бор. Президентимиздан тортиб, бутун халқ «келинглар мустақиллик атрофида бирлашайлик, динимиз, эътиқодимизни мустаҳкамлайлик, республикамизни тараққий этган мамлакатлар сирасига қўшайлик», деб туришган пайтда, бир-биримизнинг оёғимиздан чалавериш, фақат душманларимизни хурсанд қилади, холос. Буни ҳеч қачон унутмайлик.

Турсун ИБРОҲИМ,
«Истиқлол» маҳалласи қўмитасининг раиси, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Танишинг: ЯНГИ НОМ

Халқнинг маърифатини оширишда, кўзини очишда адабиётшунослик ва танқидчиликнинг муносиб ўрни бор. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, „Вадуд Маҳмуд сингари улуғ устодларимизнинг бу соҳадаги фаолиятлари ҳозирги авлод учун ўрнакдир. Афсуски, 37-йилдан кейинги адабиёт илми ходимлари адабий танқид (адабиётшунослик) ўрнига (асосан) снёсий танқид (снёсий адабиётшунослик) билан овора бўлдилар. Оқибатда салкам 60 йиллик давр ичида эстетик тафаккуримизни бойитадиган адабий-танқидий намуналар бармоқ билан санарли даражада оз яратилди. Эндиги умид — ёшлардан!

Бугунги кунда ёш зиёлиларимиз орасидан иқтидорли адабиётчилар етишиб чиққанси. Беҳад гўзал манзарага тикиласиз, кўзларингизда чексиз завқ, сўнгсиз ҳайрат! Қайтишда гуллардан бир қучоқ юлдингиз ва келтириб гулдонга тиқдингиз. Андак узоқлашиб, манзарани томоша қила бошлайсиз... яна қувонасиз, ҳайратланасиз, бироқ энди бу қувончу ҳайратингиз узоқ давом этмайди. Бу нимадан? Бу — эркдан! Тўғрироғи, эрксизликдан. Чунки гуллар ўсиб турган маконларида ҳур эдилар, ихтиёрлари ҳам ўзлари билан бирга эди. Энди-чи? Энди гуллар ҳам, уларнинг эркларидан ҳам сизнинг қўлингизда, тўғрироғи, йўқлик ихтиёрида. Энди улар эрксиз, энди улар фақат заволга маҳкум. Кўзингиздаги завқ ва ҳайратнинг умри калталигига сабаб ҳам ана шу мудҳишликнинг қалбингиздан ўтганлиги билан боғлиқ. Гулнинг ўз томиридан жудо бўлиши, бу — инсоннинг ўз томиридан жудо бўлиши кабидир.

Бинафша сенмисан, бинафша сенми,
Кўчада ақчага сотилган.
Бинафша менманми, бинафша менми,
Севгингга, қайғунгга тутилган!

...Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,
Қайғунгни қайғумга қўшгил.
Бинафша сен учун кўкрагим эрк ери,
Бу ерлардан кўкларга учгил.
Бинафша, қайғулим, келмайсан,
Қайғунг зўр, қайғумни билмайсан,
Менга бир кулмайсан!

Эрксизликнинг қайғуси шоирни тамом беҳол қилади ва у шу ҳолида атрофга разм солади: Бинафша! Лекин у ҳам шоир каби эрксиз. Бинафша, бу — гул,эҳтимол, инсон, бунинг аҳамияти йўқ. Ҳамма гап унинг тутқун эканлигида, шоир билан қисматдошлигида. Бинафша ким ва нима бўлишидан қатъи назар, худди шоир сингари, табиатнинг бир бўлаги. Шоирни қийнаётган дард ҳам шу табиат билан, унинг бутунлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам у «Бинафша, кел бери, қайғунгни қайғумга қўшгил», дейди. Бунда бинафша ва инсон ўртасидаги азалий-абадий бутунликка ишора билан бирга, умумий дардга ҳам бир бўлиб даво топиш истаги яшириндир. Бу истакнинг қудрати нечоғли ва, ниҳоят, истакнинг истаги нима?

Ул эркинлик, ўзбошлилик истайдир,
Кетга қараб ўлим бўлсин, кетмайдир.

Буюкларнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, уларнинг ҳар бирида ўзигагина хос бўлган бир хусусият яққол ажралиб туришини сезамиз. Масалан, менингча, ҳеч ким Бобур каби ўз юртига зор бўлиб, юрак қони билан соғинча тўла шеърлар битмаган, битолмаган, ҳеч ким Қодирий сингари муҳаббат бобида қалам суриб Кумушдек бир пок санам яратмаган, яратолмаган ва... ниҳоят, ҳеч ким Чўлпон каби эркка ташна бўлмаган, бўлолмаган. Ҳеч ким унингдек бир из учун — эркка етишмак учун яшамаган, яшайолмаган!

У бир из, кўзимнинг изларидан ҳам
Юксакдир, мен уни ўпмоқ истайман.

Ҳайратланарлиси шундаки, Чўлпон асарлари, улардаги шакл, шаклдаги оҳанг — ҳамма-ҳаммаси, худди унинг ўзи сингари, кенгликларга интилади. Улар ниҳоятда турфа, яъни аруздан бармоқнинг хилма-хил кўринишларида ёзилган шеърларгача бор. Булардан ташқари, шоирнинг зўр романи, драмалари, мақолалари ва ҳоказолари мавжуд. Хуллас, бу жиҳатдан ҳам Чўлпон чекланиб қолмаган, аксинча, кенгликларга интилган. Унинг шаклдаги ранго-ранглиги ҳам ўша ЭРК деган қудрат билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

Табиб — табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейишади. Эрксизликда инсон дунёга назар солар экан, унда бошқалар кўролмаган тутқунликни кўради, улар дардини ўз дарди билан қўшади.

Олтинли кўнгизни болалар ушлашиб,
Ип билан кўкларга учириб ўйнайлар.
Қулликни севмаган иўқсилни кучлашиб
Нимага ўзининг эркига қўймайлар!

Шоир қафасга тиқилган қуш қисматида ҳам ана шу фожиани кўради:

Унинг бутун тасаллиси тўлиб-тошиб
сайрамоқдир,
Кўм-кўк дала, ўрмонларни эслаб-эслаб
йиғламоқдир, йиғламоқдир.

Ҳурлик, бу — аввало, инсоннинг ўзи учун, кейин эса эли, юрти учун ҳаводек заруриятдир. Шоирнинг тутқун кўнглидаги азоблари фақат ўзи учун бўлганда, уни кўп нарсада айблаш мумкин бўлур эди. Лекин

Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,
У ўт орасида юрт хаёли жонланадир.

Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил истаги шу қадар улуғки, шоир унга етишмаса, бош олиб қаёққадир кетишга-да жазм этолади. Йўқ, у ўз жисмини кўтариб бошқа озод юртга кетмайди, балки борлиғини йиғиштириб, ушбу эрксиз муҳитдан юксакликка — руҳий дунёга парвоз қилади. Соддароқ айтганда, эрксиз яшагандан яшамасликни маъқул кўради:

У бир из кўзимнинг изларидан ҳам
Юксакдир, мен уни ўпмоқ истайман.
Агар топилмаса, бу юртлардан ҳам
Кўчиб йироқларга кетмоқ истайман.

Бундан аввал эса у эрк учун курашмоқ истайди, чунки бусиз мумкин эмаслигини билади ва билгани учун ҳам ёруғ кунлар ҳақида ширин хаёлларга берилишдан қониқмайди, «Ўйланган ўйларга кўнгил қониқмас», — дейди, яна курашга отланади, бошқаларни ҳам шунга ундайди:

Кўнгил, сен бунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг!
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен бунча суслашдинг!
...Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен.
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилгонсен!

ЭРК, БУ—ҲАММА НАРСА!

ҲАЁЛГА ЭРК БЕРИНГ, сиз лола сайлига чиққансиз. Беҳад гўзал манзарага тикиласиз, кўзларингизда чексиз завқ, сўнгсиз ҳайрат! Қайтишда гуллардан бир қучоқ юлдингиз ва келтириб гулдонга тиқдингиз. Андак узоқлашиб, манзарани томоша қила бошлайсиз... яна қувонасиз, ҳайратланасиз, бироқ энди бу қувончу ҳайратингиз узоқ давом этмайди. Бу нимадан? Бу — эркдан! Тўғрироғи, эрксизликдан. Чунки гуллар ўсиб турган маконларида ҳур эдилар, ихтиёрлари ҳам ўзлари билан бирга эди. Энди-чи? Энди гуллар ҳам, уларнинг эркларидан ҳам сизнинг қўлингизда, тўғрироғи, йўқлик ихтиёрида. Энди улар эрксиз, энди улар фақат заволга маҳкум. Кўзингиздаги завқ ва ҳайратнинг умри калталигига сабаб ҳам ана шу мудҳишликнинг қалбингиздан ўтганлиги билан боғлиқ. Гулнинг ўз томиридан жудо бўлиши, бу — инсоннинг ўз томиридан жудо бўлиши кабидир.

Бинафша сенмисан, бинафша сенми,
Кўчада ақчага сотилган.
Бинафша менманми, бинафша менми,
Севгингга, қайғунгга тутилган!

...Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,
Қайғунгни қайғумга қўшгил.
Бинафша сен учун кўкрагим эрк ери,
Бу ерлардан кўкларга учгил.
Бинафша, қайғулим, келмайсан,
Қайғунг зўр, қайғумни билмайсан,
Менга бир кулмайсан!

Эрксизликнинг қайғуси шоирни тамом беҳол қилади ва у шу ҳолида атрофга разм солади: Бинафша! Лекин у ҳам шоир каби эрксиз. Бинафша, бу — гул,эҳтимол, инсон, бунинг аҳамияти йўқ. Ҳамма гап унинг тутқун эканлигида, шоир билан қисматдошлигида. Бинафша ким ва нима бўлишидан қатъи назар, худди шоир сингари, табиатнинг бир бўлаги. Шоирни қийнаётган дард ҳам шу табиат билан, унинг бутунлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам у «Бинафша, кел бери, қайғунгни қайғумга қўшгил», дейди. Бунда бинафша ва инсон ўртасидаги азалий-абадий бутунликка ишора билан бирга, умумий дардга ҳам бир бўлиб даво топиш истаги яшириндир. Бу истакнинг қудрати нечоғли ва, ниҳоят, истакнинг истаги нима?

Ул эркинлик, ўзбошлилик истайдир,
Кетга қараб ўлим бўлсин, кетмайдир.

Буюкларнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, уларнинг ҳар бирида ўзигагина хос бўлган бир хусусият яққол ажралиб туришини сезамиз. Масалан, менингча, ҳеч ким Бобур каби ўз юртига зор бўлиб, юрак қони билан соғинча тўла шеърлар битмаган, битолмаган, ҳеч ким Қодирий сингари муҳаббат бобида қалам суриб Кумушдек бир пок санам яратмаган, яратолмаган ва... ниҳоят, ҳеч ким Чўлпон каби эркка ташна бўлмаган, бўлолмаган. Ҳеч ким унингдек бир из учун — эркка етишмак учун яшамаган, яшайолмаган!

У бир из, кўзимнинг изларидан ҳам
Юксакдир, мен уни ўпмоқ истайман.

Ҳайратланарлиси шундаки, Чўлпон асарлари, улардаги шакл, шаклдаги оҳанг — ҳамма-ҳаммаси, худди унинг ўзи сингари, кенгликларга интилади. Улар ниҳоятда турфа, яъни аруздан бармоқнинг хилма-хил кўринишларида ёзилган шеърларгача бор. Булардан ташқари, шоирнинг зўр романи, драмалари, мақолалари ва ҳоказолари мавжуд. Хуллас, бу жиҳатдан ҳам Чўлпон чекланиб қолмаган, аксинча, кенгликларга интилган. Унинг шаклдаги ранго-ранглиги ҳам ўша ЭРК деган қудрат билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

Табиб — табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейишади. Эрксизликда инсон дунёга назар солар экан, унда бошқалар кўролмаган тутқунликни кўради, улар дардини ўз дарди билан қўшади.

Олтинли кўнгизни болалар ушлашиб,
Ип билан кўкларга учириб ўйнайлар.
Қулликни севмаган иўқсилни кучлашиб
Нимага ўзининг эркига қўймайлар!

Шоир қафасга тиқилган қуш қисматида ҳам ана шу фожиани кўради:

Унинг бутун тасаллиси тўлиб-тошиб
сайрамоқдир,
Кўм-кўк дала, ўрмонларни эслаб-эслаб
йиғламоқдир, йиғламоқдир.

Ҳурлик, бу — аввало, инсоннинг ўзи учун, кейин эса эли, юрти учун ҳаводек заруриятдир. Шоирнинг тутқун кўнглидаги азоблари фақат ўзи учун бўлганда, уни кўп нарсада айблаш мумкин бўлур эди. Лекин

Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,
У ўт орасида юрт хаёли жонланадир.

Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил истаги шу қадар улуғки, шоир унга етишмаса, бош олиб қаёққадир кетишга-да жазм этолади. Йўқ, у ўз жисмини кўтариб бошқа озод юртга кетмайди, балки борлиғини йиғиштириб, ушбу эрксиз муҳитдан юксакликка — руҳий дунёга парвоз қилади. Соддароқ айтганда, эрксиз яшагандан яшамасликни маъқул кўради:

У бир из кўзимнинг изларидан ҳам
Юксакдир, мен уни ўпмоқ истайман.
Агар топилмаса, бу юртлардан ҳам
Кўчиб йироқларга кетмоқ истайман.

Бундан аввал эса у эрк учун курашмоқ истайди, чунки бусиз мумкин эмаслигини билади ва билгани учун ҳам ёруғ кунлар ҳақида ширин хаёлларга берилишдан қониқмайди, «Ўйланган ўйларга кўнгил қониқмас», — дейди, яна курашга отланади, бошқаларни ҳам шунга ундайди:

Кўнгил, сен бунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг!
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен бунча суслашдинг!
...Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен.
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилгонсен!

Бу фақат эрк учун ёнган кўнгилнинг эҳтиросли бир чақириғи, холос. Олдинда нима бор, нималар рўй беради — ҳали даргумон. Лекин инсон, айниқса, руҳан бақувват инсон умидланади:

Кишан, гавдадаги доғинг ҳануз ҳам
биттани йўқдир,
Фақат буткул қутулмоққа умидим
энди ортиқдир.

ЭРК ШОИРНИНГ ЕРДАГИ ЭНГ МУҚАДДАС истагидир, бироқ кўнгил бу билан кифояланиб қолмайди, балки ердаги ташвишлардан юксакликка кўтарилиб, парвоз этмоққа шайланади. Эндиги истак ердан қанчалик узоқлашгани сайин шунчалик илоҳийлашади... Бу шоирнинг руҳи истаги ва шу чоққача исталган истаклардан, ўйланган ўйлардан, орзуланган орзулардан юксак ва гўзалдир.

Қоронғу кўчада кўкка кўз тикиб
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб
Айтадур: Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал.

Бу гўзал ким ва нима учун шоир унга ошиқ? Кимдир гўзални «ёр» дер, бошқа биров эса «тангри» Шоирнинг ўзи-чи? У «гўзал»ни ой, қуёш, эрта тонг насими — барча-барчасидан сўраб чиқади, лекин улар ҳам «гўзал»нинг ким эканлиги ҳақида ҳеч нима демайдилару, тўлиб-тошиб бир нарсани таъкидлайдилар, яъни унинг ҳатто ўзларидан-да гўзал эканлигини сўйлайдилар. Бундай жавобни кутмаган шоир чўчиб кетади ва бошини зўр ишга бериб қўйганини ҳис қилади:

...Мен суйиб ...мен суйиб кимни суйибмен!

Эҳтимол, шоир гўзални билди, чунки бошини зўр ишга бериб қўйганини ўзи тан олаётир, бироқ унинг номини айтишга жазм этмайди, балки истамайди, шошиб бошқалар айтган жавобни такрорлайди:

Мен суйган суйикли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Яна айтилмай қолган бир сир — бир жумбок бор бу ерда. Эҳтимол, шеърнинг чинакам гўзаллиги худди ўша айтилмай қолган бир нарсададир, ноаёнликдадир... Киши диққатини тортган, хаёлини ўғирлаган қудратнинг ҳамиша ноаён бўлиб қолиши, унинг ҳамиша ўз ўрнида туриши, яъни юксак ва муқаддас бўлиб қолиши, демакдир. Бу қудрат ўзининг энг юқори чўққисида илоҳийликка юз буради. Ахир, инсон ўз ақли етган ҳар қандай нарсага жўн муносабатда бўлиш, ақли етмаган ҳар қандай нарсага эса жўнликдан ташқари — сирлиликка яқин муносабатда бўлиш хусусиятига эга-ку! Жўнликдан кўра сирлилик кишини кўпроқ маҳлиё қилади, дилини кувонтиради, руҳини кўтаради, юксакликка чорлайди. Чўлпон буни жуда яхши билади, ҳис этади ва шунинг учун ҳам «гўзал»нинг ким эканлигини айтмайди, сир сақлайди.

Биз ҳам унинг кимлиги ҳақида башорат қилиб, шоир ундай демоқчи, шоир бундай демоқчи, деб бошни қотирмаймиз-да, ўз кўнглимизнинг энг тўридан жой олган кимнидир, нимандир ўша деб биламиз ва бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса демаймиз. Эҳтимол, у ёрдир, эркдир, юрт-эл-дир... илоҳий дунёдир... Назаримда, шеърнинг гўзаллиги ҳам худди шу эҳтимолликда, ноаёнликда, сирлиликда... Аслида, ҳар кимнинг кўнглида ўз гўзали яшайди...

Шоирнинг гўзали ҳам ўз кўнглида, лекин у шу қадар пок, шу қадар улуғки, баъзан дил бундан ҳам ваҳмга тўлади. Чунки «гўзал» ўзининг покизалиги, юксаклиги билан инсондан беқиёс даражада баландда. Орадаги фарқ, қанча катта бўлса ва буни шоир қанча чуқур англаса, у ўзини шунча ғариб сеза бошлайди. Чунки кундалик воқелик уни ерга — тубанга шу қадар маҳкам боғлаб қўйганки, у учмоқни, ўша гўзал қошига яқинлашмоқни ҳатто тасаввур ҳам этолмайди. Ниҳоят, у ўз-ўзига дейди:

Шу юлинган парларинг-ла учолмассан,
йўқсул қуш,
У умидлар ҳавосидан энди бироз пастга туш.

Хўш, нечун бу янглиғ умидсизлик?

Муҳит гирдобида бир сомон парча,
Бир похол чўпдек оқиб бораман.
Ҳар амал, ҳар ишни «ҳақ», деб бораман,
Вазминим қолмади бир узуқ қилча.

Вазмини қолмаган шоир энди муҳитнинг бешафқат гирдобида бир сомон парча сингари оқади ва у ҳар қандай ишни ҳам, амални ҳам «ҳақ» дейишга, шароитга мос гапиришга мажбур, бунга мажбур шоир «зўр умидлар ҳавосидан» тубан тушишга ҳам мажбур бўлади. Кейин эса, ўз-ўзидан шундай «шеърлар» бунёдга кела бошлайди:

Бузиб эски турмушларни,
Бажардингиз зўр ишларни.
Адо қилиб юмушларни,
Ҳорманг энди, колхозчилар!

Бироқ бу сингари «шеърлар» учун шоирни қораламоқчи эмасмиз, чунки Чўлпон бундай сўзларни бир-бирига бириктираётганда ўз кўнглида кечган, балки кўнглида мангу қолиб кетган изтиробни, зиддиятлар дунёсини унинг ўзигина билади. Чунки Чўлпон — чўлпондир, яъни чўлпон — юлдуз, у ҳамиша бизнинг бош устимиздадир, юксакдадир. Бу юлдуз ҳамиша ўша ерда туради ва бизни оҳанрабо каби ўзига чорлайверади. Бу чорлаш ҳар қандай бўлиб туюлса-да, моҳияти битта — юксакликка томон чорлашдир!

Демакки, Чўлпон комил инсонни орзу қилади, унга интилади, ўзгаларни-да шунга ундайди.

Сиз дейсизки, мен кўкларни ўйлайман,
Ер бетига сира назар солмайман.
Янглишасиз, мен кўкларга беркинган
Ер қизидан хаёлимни олмайман.

Улуғбек АБДУВАҲОБ,
ТошДУ ўзбек филологияси факултетининг
V курс толиби

Улуғбек Андижон вилоятининг Марҳамат, унинг ўз сўзлари билан айтганда эса, аввалги Мингтепа — келажакдаги Мингтепа туманида туғилган. Армия хизматида бўлган. Ҳозир ТошДУ филология факултетининг V курсига кўчган. Шеърлар, ҳикоялар машқ қилиб туради. «Ўтган кунлар» қайтадими!» мақоласи «Оила ва жамият»да босилган. Эстетика билан, тасаввуф ва экзистенциализм билан қизиқади. Яна ўрис, фаранг, турк тилларидан таржималар қилади... Қисқаси, Улуғбек Абдуваҳоб ўғли янги авлоднинг ижодий изланаётган ғайратли, иқтидорли вакилларидандир. У Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон этилган даврда ижод майдонига кириб келмоқда. Улуғбеклар мансуб авлод зиммасида катта вазифалар бор. Бу авлод (Раҳмон Кўчқоров, Мусурмон Намозов, Замира Эшонова, Муртазо Қаршибой ва бошқаларни ҳам назарда тутмоқдаман) тараққиёти мажбуран тўхтатиб қўйилган миллий адабиётшунослик ва танқидчилигимиз танига жон киритишлари, юксак эркинлик, буюк жасорат руҳини сингдиришлари керак. Шу маънода, албатта, Улуғбекларнинг ҳозирги фаолиятлари камтарона.

Улуғбек Абдуваҳобнинг «Эрк, бу — ҳамма нарса!» мақоласига келсак, у шеъриятни, сўзни нозик ҳис этиб ёзилган. Таҳрири ҳам маъқул, тишга тегадиган жумлалари йўқ. Энг муҳими, ёш адабиётчи Чўлпон шеъриятининг ҳақида шоир ижодининг моҳиятини теран тушуниб, фаол фикр юритади. Бу — адабиётшунос учун яхши хислатдир...

Мен ёш ҳамкасабам Улуғбекка адабиётимизни пухта ўрганиб, уни билимдонлик, ҳассос юрак билан таҳлилтадқиқ этишдек масъулиятли ва эзгу жабҳада катта ғайрат, сабот, улуғ бир муҳаббат ҳамиша ёр бўлишини истайман.

Маҳмуд САЪДИЙ

РИВОЯТЛАР САБОҒИ

СЎНГГИ ЙИЛЛАР АДАБИЙ ЖАРАЁНИНИ кузатганда шеърий эртакчиликда маънавият муаммоси аксарият ҳолларда сиёсий аспектда акс этаётганининг гувоҳи бўламиз. Биз Абдусаид Кўчимовнинг «Ёсуман» ва Усмон Азимовнинг «Ғаройиб аждаҳо» эртаклари мисолида бу ўзига хос бадиий талқинларнинг хусусиятларини кузатишга ҳаракат қилмоқчимиз.

«Ёсуман» эртагида асосан инсон қиёфасидаги икки хил кўриниш ҳақида сўз боради. Ёсуман қора ният — илон образи орқали талқин этилади. Муаллиф илгари сурган яна бир муҳим фикр шуки, холисликка ва инсонийликка асосланмаган ҳар қандай лавозим, ҳар қандай мансаб охир-оқибат фожиа билан якун топиши муқаррар. Хусумат ва ҳасад ажойиб оилани — Довул шоҳ оиласини бузиб, унинг хотини, болаларини дарбадарликка маҳкум этади. Ичқоралик ҳатто парини ҳам илонга айлантиради. Сўнгра шоҳ ўша илонларнинг сўзига кириб, энг яқин вазиридан ҳам айрилиб қолади. Бу нопок кучлар шоҳни халққа қарши қўяди. Шу ўринда шоир шоҳнинг аҳволини туши тасвири орқали моҳирона баён қилади. Шоҳ ўзини оёқ-қўлсиз, бошсиз қиёфада кўради, Кўринган қора чиммат бир юмалаб парига айланади ва шоҳга одамларнинг тилини, бармоқларини кесишни, қулоқларини мумлашни буюради. Шу жиҳатдан қараганда Абдусаид Кўчимовнинг «Ёсуман» достони маънавият қонунларининг поэтик шаклланган бир тизмаси сифатида халқ эртагига яқин туради. Айниқса, эртакдаги туш манзараси тасвирлари ҳозирги замон прозаси ва поэзиясидаги етакчи мотивларни, хусусан, Ч. Айтматовнинг манқурт ҳақидаги ривоятини эсга солади.

Эртак сўнггида илон-паридан ҳамма қоча бошлайди. Девор, гулдор уй, эшик, дарахт, тоғ, ҳайвон нафақат инсоний хусусиятлар, балки яхшилик ва ёмонликни аҳрата билиш, яъни маънавийлик ва эзгуликнинг ҳимоячилари сифатида майдонга чиқади. Бошқача айтганда, эртакда яқин ўтмиш даври жамият маънавий турмушидаги иқирозлар — одамлар гўё кўру кар бўлиб, ҳатто ўз она тилидан ҳам маҳрум бўлаётганлари ғоят жозиб саҳналар, туш ва ҳаёлот тасвирлари воситасида таъсирчан талқин этилади.

Усмон Азимов «Ғаройиб аждаҳо» эртагида анъанавий халқ эртакларининг тузилишини ўзига хос равишда бадиий синтез қилган. Шаҳарга аждаҳо келганини эшитиб, саросимага тушган шоҳ бирдан ўз вазирларини чақиради.

Бундай пайт не қилар
Подшоҳи аъзам.
Дарҳол вазирларни
Қилади-да жам.
Барча бекларини
Қилади-да жам.
Нажот кутади-да
Мусулмонлардан.
Кўмак сўрайди-да
Навкарларидан.

Подшо бошига оғир кун тушган бир дамда барча аёнлари бирдан тумтарақай қочиб кетганининг гувоҳи бўлади.

Барчаси эрта кеч
Ичарди қасам:
Жонимиз фидодир
Она Ватанга.
Оқибат
Сичқоннинг уйи
Минг танга...

Шоир халқ мақолини қасам контекстида бериб, сарой аҳлини дўппи тор келганда ҳар қандай қасамни ҳам бузиб, гуноҳга ботишдан, тубанлашишдан қўрқмайдиган тоифа сифатида гавдалантиради.

Юқорида ишлатилган ва айниқса, совет даврида ҳудбеҳуда қўлланавериб сийқаси чиқиб кетган «Жонимиз фидодур Она Ватанга» каби шиорлар бу қасамнинг нақадар сохта, ишонч-эътиқоддан холи эканини таъкидлаб турибди.

Воқеалар давомида сохта аъёнлар қочиб кетади, саройда эса фақат бир чолгина қолганлиги маълум бўлади. Чол подшога қўшни подшоликда бўлган, шунга ўхшаш воқеани ҳикоя қилиб беради. У ерда ҳам шундай бало ёғилиб, аждаҳо подшоҳдан ҳар куни онаси ўпмаган қизни талаб қилади. Подшо ўз қизини яшириб, ҳар кун бир эмас, иккитадан қизни аждаҳога ҳадя қилади. Аммо аждаҳо мамлакатни яксон қилиб подшонинг қизи ва ўзини ютади.

Шоир бу воқеанинг тафсилотига киришмаса ҳам бўлар эди. Аммо бу воқеа китобхонга маънавий сабоқ бўлади. Подшо қизининг аждаҳо олдига боришини шоир жуда чиройли тасвирлайди. Бундан шоир халқ оғзаки ижодининг мавсумаросим қўшиқлари услубидан усталик билан фойдаланган:

Ўйларимни, ўйлайверсам,
Кўп ўй бўлар, қирқин қиз.
Эл-юрт учун ўлмоқлик ҳам
Бир тўй бўлар, қирқин
қиз...

Шоир аждаҳо тасвирида қаҳрамонлик достонларимиздаги гипербола ва аллитерацияларни унумли ишлатган:

Қирқ наъра тортар,
Қирқ бошн қирқ сойни
Тўлдириб ётар,
Қирқ қорни жо бўлган
Қирқта дарёга...

Аждаҳо образи асарда подшоҳ ва унинг ахлоқий-маънавий қиёфасини синаш учун киритилган бир восита. Шу боис подшо ва қизнинг тантилигини кўрган аждаҳо қизга ҳам, подшоликка ҳам тегмайди, яъни аждаҳо образи ижобийлашади. У одамга ўхшаб:

Халқига ёв бўлса,
Агар подшоҳлик
У юртга албатта,
Келар бир офат, —

дейди. Демак, юқорида айтганимиздек, бу ерда аждаҳо одамхўр сифатида эмас, подшоҳнинг хатти-ҳаракатини ахлоқий жиҳатдан таҳлил этувчи ҳакам сифатида ҳам иштирок этади. Достонга подшоҳ халқига ёв, золим бўлса ўша мамлакатни офат кутади, деган маънавий-ахлоқий ғоя сингдирилган.

Асарда халқ ҳақида шундай эҳтиросли мисралар бор:

Тинч кунлар
У шундай
Кичкина, мўъжаз,
Подшоҳларнинг кўзи
Ҳатто илғамас,
Аммо юрт бошига
Тушса қайғу ғам,
Тахтлар кичраяди,
Халқ бўлар улкан.

Бу ўринда шоир мансабдорлар билан халқ орасидаги маънавий-ахлоқий хислатларни қиёслаш орқали уларнинг бир-бирларидан кескин фарқ қиладиган жиҳатларини кўрсатаётир. Халқнинг мушкул кунда маънавий улуғворлиги, бардоши, буюклиги ёрқин акс эттирилган.

Шоир Муҳаммаджон Раҳмоннинг «Қора қўйлак» эртагида ҳам бугунги кун учун муҳим муаммолар қаламга олинган. Эртакда бош қаҳрамон Малика — аёл, она. Эртакдаги воқеаларда тасвирланишича, бир мамлакат ҳокими иккинчи мамлакатни босиб олмоқчи бўлади. Аммо босқинчи мағлубиятга учрайди. У мамлакатда эса подшо аёл — малика босқинчиларни осишни буюради. Ҳукм ижроси пайтида бир навкар маликанинг оёғига йиқилиб ўлимга тайёр эканлигини, аммо бир бор маликани кўришни илтимос қилади. Сиз онамга ўхшаркансиз, дейди у. Шунда жаллод-маликада оналик меҳри уйғонади. У қора қўйлакда, яқиндагина фарзандини йўқотган. Ҳали кўзларидан мунг кетмаган. Малика кутилмаганда ҳукмини бекор қилади. Шундан сўнг навкардан маликанинг онасига ўхшашлиги ростмиди, деб сўрашади. Шунда навкар дунёдаги ҳамма оналар бирбирига ўхшашлигини, барчаси ҳам боласига фақат эзгулик тилашини айтади. Эртакдаги маънавийлик талқини ҳар бир кишининг юрагида мавжуд эзгулик нишонасидир.

Эртакни ўқиш жараёнида малика ҳақидаги биринчи тасаввур янглиш эканини, яъни образдаги маънавий-ахлоқий ворислик халқ эртагидан адабий эртакка томон сайқал топганига гувоҳ бўласиз.

А. Обиджоннинг «Бўрининг қандай доктор бўлганлиги ҳақидаги» эртагида айёр, қонхўр, товламачи, ўз ўлжасидан қайтмайдиган, докторликка сайлангач, олдига келган барча касалларни чалғитадиган доғули образи тасвирланган. Муаллиф халқ эртакларидаги каби бўрини жазолайди. Бўри шерга ем бўлади. Чунки у тилёғламалик қилиб, шерга ёғли гўшт ейишни маслаҳат беради. Докторликка ҳеч бир уқуви йўқ бўрининг ўз касалларига шу қадар қатъият билан маслаҳат бериши образнинг комизмини кучайтиради ва айни пайтда образнинг замонавийлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Масалан, бўрининг нутқи рус-интернационал сўзлар билан тўлиб-тошган. У табиийки, «операция», «витамин» каби сўзларни кўп ишлатади. Ҳатто касалларни қабул қилиш дафтарини тутиб, унда даволаш — ейиш жараёнини қайд қилади:

Сўнгра очиб беморни
Қабул қилиш дафтарин,
Силаб-сийпаб қорнини
Ёзди ушбу гапларни:
«Қўлни тиркаб бўзтикан
Тулки келди нотетик
Аҳволи оғир экан .
Чора топмадик-еник».

Ўз фойдасини кўзлаган доктор охири ўзи ҳам ем бўлиши комизмни трагокомизм нуқтасига етказади.

ХУЛЛАС, БИЗ ЮҚОРИДА КУЗАТГАН эртакларда бугунги маънавий ҳаётимиздаги иллатлар турлича бадиий тасвирлари орқали фош этилади, ёш китобхонларга ҳаётда сабоқ бўларли ҳукм-хулосалар чиқариш учун ибратли ривоятлар таъсирчан ҳикоя қилинадики, бу болалар адабиётида, эртак жанрида изланишлар қизғин кечаётганидан далолатдир.

Кавсар ТУРДИЕВА

«ИЧКУЁВ» НИНГ МУАЛЛИФИ

ЁДНОМА

«ЭСДАЛИКЛАР, КЕЧИНМАЛАР» КИТОБИДАН

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИДА ишлаган йилларимда ана шу жамоадагилардан яна бир киши хотирамда из қолдирган. Бу киши ёзувчи Турғун Пўлатдир.

Турғун Пўлат билан биз аввалларидан ҳам қаламкашлар сифатида бир-биримизни унча-мунча танирдик. Янглишмасам, у эллигинчи йилларнинг охирларида Намангандан Тошкентга келиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлай бошлаганди. Олтмишинчи йилларнинг аввалларида бу газетада ишлайдиган бир неча ходим бирданига ишдан ҳайдалди. Ҳайдалишларининг сабаби қуйидагича эди: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котибларидан бири — армани миллатига мансуб Габриэльянц деган одамни вазифасидан олиб, бошқа ишга қўйишмоқчи бўлишгану бу режа ҳақида шивир-шивир гап тарқалиб кетган. Ишдан олинишдан чўчиган Габриэльянц Марказий Комитет биринчи котиби Шароф Рашидовга давара қилиб кирган. «Менинг ишим қониқтирмаётган бўлса, ўзимга нега айтмайсизлар? Халқ ичида гап тарқатишнинг нима кераги бор?» деган мазмунда қаттиқ гинахонлик қилган. Юқорига — Москвага шикоят қиламан, деган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шивиршивир қаердан, кимдан чиққани хусусида текшир-текшир бошланиб, охири журналистларга — «Қизил Ўзбекистон» газетаси ходимларига келиб тақалган... Газетадан ҳайдалган қаламкашлар орасида Турғун Пўлат ҳам бор эди.

Турғун Пўлат шундан кейин бир неча йилгача Ўзбекистон телеграф агентлиги — ЎзТАГда ишлаб юрди. 1967 йил мартида мен «Шарқ юлдузи»га ишга келган пайтимда эса шу журналда хизмат этаётган эди. Ўшандан бир неча ой аввал у ЎзТАГдан бу ерга ўтиб, журналнинг очерк ва публицистика бўлимини бошқараётган экан.

Ҳар бир инсоннинг кимлиги ва қанақалиги сафарда билинади, дейдилар. Битта ишхонада, битта жамоада хизмат қилаётганлар эса, бир-бирларини сафардагидан кўра яхшироқ билиб оладилар. Шу нуқтаи назардан сўзлайдиган бўлсам, Турғун ака жамоада ўз ўрнига эга бўлган яхши ходим, қалами равон ижодкор эди. Ўта меҳнаткаш. Гоҳо раҳбарлардан сўраб, бир неча кунгача ишда кўринмай кетарди-да, сўнгра ўзининг яхши бир очерки билан ёки бирор муаллифнинг асарини қайта қалам урилмайдиган даражада таҳрирдан чиқариб келарди. Унинг қалами остидан, таҳрирдан чиққан материаллар бамисоли бадиий асардек ўқиларди...

Турғун Пўлат ҳақида ўйлаганда унинг сиймоси шундайгина кўз ўнгимда туради. Қорачадан келган, ўрта бўйли, сочлари қора, жингалак-тоб одам эди. Ишда ҳам, кўчада ҳам кўзойнак тақиб юрарди. Кўп чекарди. Шунинг учун бўлса керак, қадди-қомати семиришга, баъзилардек қорин қўйишга мойил эмасди. Тўғри сўзли, ҳалол одам э

ЮРАГИДА АРСЛОН ҚИШЛАЙДИ, ТУРКИСТОННИНГ ОНАЛАРИНИ...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

СЕН ҚОЛАРСАН...

Дунё, бўлма кўп дарғазаб
Сен қоларсан, биз кетармиз
Боғларингни кўклаб, безаб
Сен қоларсан, биз кетармиз.

Меҳмондирмиз, тўрт-беш кунлик
Қўзи шодон, кўнгли мунглик
Қилгин тенглик, қилгин кенглик
Сен қоларсан, биз кетармиз.

Сен бевафо, бизлар ҳориб
Бир кун қаро ерга бориб
Дард айтамиз, кўнгил ёриб
Сен қоларсан, биз кетармиз.

Кўнглимиз, кўнглимиз достон
Кўнглимиз гул, кўнглимиз қон.
Бир сиримиз ололмасдан
Сен қоларсан, биз кетармиз.

ТИЛОВЧИМАН...

Мен ким, мен бир мунглиғ сингил, тиловчиман
Оғаларим кипригим-ла силовчиман
Оғаларим бир-биридан кечар осон
Жоним ипдир. Мен уларни уловчиман.

Борлиғимни яратганлар ишқ, оҳлардан
Қонлар, шонлар кечган ёвқур гувоҳлардан
Уч олганда ёғийлардан, гумроҳлардан
Тўмариснинг қўлларини қўлловчиман.

Мозий ичин ёритади милтиллаб шам
Сир кўраман карвонлари, кўчида ҳам
Тўлиб оққан қон дарёсин ичида ҳам
Ҳушни олиб, чаппар уриб гулловчиман.

Биҳамдиллоҳ, қолсам ҳамки синиб, қуриб
Сўз айтарман, хоки-туроб бўлиб туриб
Авлодимни, қайтмасликка онт ичдириб
Амир Темур йўлларидан йўлловчиман.
Мен ким, мен бир мунглиғ сингил, тиловчиман...
4. IV. 92

КЎПНИ КЎРДИМ...

Кўнгли тиниқ кўрганимда кўнглим тинди
Кўнгли синиқ кўрганимда кўнглим синди
Дағдағаю дўқларидан бир ўксиндим
Қодир оллоҳ дўқлатгани юбордингму?

Кўпни кўрдим боши осмон, дили фосиқ
Ҳар айтгани малҳам эмас, ҳар сўзи тиғ
Бу ноқислар қадар зада кўнглимга мих
Кўкрагимни михлатгани юбордингму?

Кўпни кўрдим, излаб топар кир, хасларни
Юқорига балчиқ отар кир пастларни
Ҳалол луқма ушламаган кир дастларни
Иғво ўтин чўғлатгани юбордингму?

Арбоблари бир-бирига отурлар тош
Авомининг йили ҳамон қўйдир, ювош
Зиёлиси бошқоронғи, кўтармас бош
Бу дунёга ухлатгани юбордингму?

Гўдак — манқурт. Ерга тушмас, тоғ устида
Носоғ илдам йўрғалайди соғ устида
Мени эса бу дардлару, доғ устида
Маҳшаргача йиғлатгани юбордингму?
4. IV. 92

УМИД

Тўзган кунларингни кўп кўрдим, халқим
Бузган кунларингни кўп кўрдим, халқим.
Узган кунларингни кўп кўрдим, халқим
Устирган кунингни кўрармикинман.

Сочим супургидир ўринг-қирингга
Фаҳмим етгаймукин бирор сирингга
Қиёматга қолмай биринг-бирингга
Дўст турган кунингни кўрармикинман.

Дил тўлиб борса ҳам доғ узра доққа
Йиғлаб кўчирдим шу шеъримни оққа
Бир-биринг оёқдан чалмай, оёққа
Бостирган кунингни кўрармикинман.

Оҳ уриб яшаркан қавмим гумроҳ деб,
Мени ўкинч-армон тугатмасдан еб
Бир-биринг чапламай, бир-биринг «оқ» деб
Ёздирган кунингни кўрармикинман.

Қандоқ адо бўлмай, ўтмайин куйиб
Юрсанг ўзни қийиб, ёғийга ийиб
Узинг топганингни сен ўзинг кийиб
Тўздирган кунингни кўрармикинман?

Бобонг-ку, қиличин сермади, енгди
Бобонг-ку орини бермади, енгди
Бобонгдан болангни бир қадам, энди
Ўздирган кунингни кўрармикинман.
4. IV. 92

СЎНГГИ ОҲ

Кўзи тиниб яшаб юрган бир одам
Сўзи синиб яшаб юрган бир одам
Чин ҳурликнинг кўкларида учмаган
Ерда униб, яшаб юрган бир одам
Бирдан, бирдан кўксим ёниб урдим оҳ
Қўлларимнинг кишани йўқ, ё оллоҳ!

Қайинзорда қолган бобом эсладим
«Душманлиғи» ёлғон бобом эсладим
Бир пой махси кийиб, бири қўлтиқда
Сибирга йўл олгон бобом эсладим.
Кейин ўксиб йиғлайвердим, чекиб оҳ
Қўлларимнинг кишани йўқ, ё оллоҳ!

Қирқ Гироти, қирқ бияси таланди
Қалъа, қўрғон, қир, қияси таланди
Шўрлик энам — Урқияси таланди
Сўнг бир сотқин қўрғонида ёйди шох
Қўлларимнинг кишани йўқ, ё оллоҳ!
Кейин отам, ғолибмиди, мотмиди
Кейин онам аёлмиди, отмиди
Дод деб кетди. Менинг додим додмиди?
Наҳот, наҳот ғойиб бўлди зиндон, чоҳ
Қўлларимнинг кишани йўқ, ё оллоҳ!

Ўртоқларим жони пўлат, жони қил
Бири сариқ, бири камқон, бири сил
Ҳали узо-оқ даволанар, узо-оқ йил
Ўлмай қолса бўлди. Қайта бўлмас моҳ
Қўлларимнинг кишани йўқ, ё оллоҳ!

Она элим, ер бағирлаб, чўккан эл
Ҳосилини кўрмай фақат эккан эл
Худо назар қилган, назар теккан эл
Тилларингдан учгаймикин сўнгги оҳ
Қўлларимнинг кишани йўқ, ё оллоҳ!
31. III. 92

ТУРКИСТОННИНГ ОНАЛАРИНИ...

Ўн икки ой бирдай ишлайди
Фақат ишлаб кўнгил хушлайди
Иморатнинг лойин муштлайди
Болаларин тишда тишлайди
Гўдаклари тоқмас, қўшлайди
Туркистоннинг оналарини...

Ўғли Бобур ҳинд сори босди
Қайтармоққа етмади дасти
Нодирасин жаҳолат осди
Жаҳолатга бор эрур қасди
Юрагини армон нишлайди
Туркистоннинг оналарини...

Машраб Балхда, дорда саланглар
Усмон қаҳ-қаҳ уриб, аланглар
Ҳамзасини тилкалар санглар
Тушлари ҳам аҳволин танглар
Тушлари ҳам тошлаб, ғиштлайди
Туркистоннинг оналарини...

Амир Темур ёди ўстирар
Қенагаснинг доди ўстирар,
Сиртмоқ, кунда, жоди ўстирар
Яссавийнинг оти ўстирар
Худо суяр, руҳлар ушлайди
Туркистоннинг оналарини...

Афғон мулки бўлди минглаб эр
Ҳарбий кетган юзлаб йигит — ер
Бир боланинг доғи қилар шер
Қодир оллоҳ, ўзинг тоқат бер
Юрагида арслон қишлайди
Туркистоннинг оналарини...

Олгани шу — элидан дуо
Тиловати, селидан дуо
Ҳар қўлловчи елидан дуо
Қўлидан иш, тилидан дуо
Бошидан оқ рўмол тушмайди
Туркистоннинг оналарини!
1. IV. 92

МЕНГА АЙТАДИЛАР...

Менга айтадилар, мустақиллик, шон
Бир омаддай келди. Нечун кулмайсан?
Бўғзимга келади кўксимдаги жон
Санчилиб оғрийди кўксим, жилмайсам...

Жиззах вокзалида поездлар тақ-тақ
Тўплар ҳалойиққа ўт очар тикка
Тўпга қалқон бўлар гулгун келинчак
Куёв Сибир кетар, мардикорликка!

Нечун, бу — омад, — деб бўғизни йиртмоқ
Шоша-пиша ювмоқ сачраган қонни
Тушимда илондай солланар сиртмоқ
Дорга осадилар Дукчи Эшонни!

Акани сингилга қайрайди тузум
Чавақланган Нурхон тушимга кирар
Тушимда жаллод енг шимариб ҳар тун
Тилим деганларнинг тилин суғурар!

Қандоғам ичимга беркитай, ютай
Бағрим қиймалаган волаларимни
Кўксимга тош босиб қандоқ унутай
Тили суғурилган болаларимни.

Мустақиллик!
Сенга мен келдим шонлар
Қонлардан кўпчиган далалар билан
Дорларда чайқалган Дукчи Эшонлар
Тили суғурилган болалар билан.

СЕНДАН ОЛДИН...

Мен беҳисоб дунёсини
Бошга урай Сен бўлмасанг
Эгнимнинг шоҳ либосини
Тошга урай Сен бўлмасанг.
Сен кўзим устида юрсанг
Майса бўлсин кипригим
Мен ўзимни қайси тоқат
Бардошга урай Сен бўлмасанг.
Кенг жаҳона сиғмаюрман
Жаҳон менга тангу-тор
Мен ўзимни қай Намангон
Ўшга урай Сен бўлмасанг.
Гул қўшини, дил қўшини
Бу оламда қўшин кўп
Мен ўзимни қай бегона
Қўшга урай Сен бўлмасанг.
Қаро ерга кетар бўлсанг
Айт, мен олдинроқ кетай
Бу юргисиз дунёсида
Қандоқ юрай Сен бўлмасанг.
2. IV. 92

ИМОН КЕЛГУНИЧА ЁЗГИН...

Тунда ёзсанг, бўш келма, сен
Тонг келгунича ёзгин.
Рақибингнинг забонига
«Аттанг» келгунича ёзгин.
Суяги ҳам хоки-туроб
Отанг келгунича ёзгин
Утга тушгин, бор ютуғинг
Хатонг келгунича ёзгин.
Имконсизлик ер одамни
Ерга кетгач, ухлармиз.
То тириклик — имконимиз
Имкон келгунича ёзгин.
Юрагингнинг туб-тубидан
Бонг келгунича ёзгин.
Жилдир-жилдир қуриётган
Онг келгунича ёзгин.
Мен демасман, давру даврон
Шон келгунича ёзгин.
Мен дегайман, ёз, оғзингдан
Қон келгунича ёзгин.
То имони қочган элга
Имон келгунича ёзгин.

ИНШООЛЛОҲ...

Иншооллоҳ, бўлса умр вафоси
Мен халқимнинг суянч тоғи бўлурман
Нодиранинг қайта келган садоси
Турк-Туроннинг қўнғироғи бўлурман.

Қўнғироқлар тинди тили кесилиб
Баланд тоғлар синди бели кесилиб
Турк дарахти синди эли кесилиб
Қайта унган дов бутоғи бўлурман.

Шундайин сас, еазо келар олдиндан
Қасрларим қуюлажак олтиндан
Туркнинг тупроғига дўниб, мен чиндан
Ер юзининг кунгай ёғи бўлурман.

Кўнглим бўлур давронлардан ошувчи
Шеърим бўлур ўлим билмас, яшовчан
Яссавийни замонларга ташувчи
Хизматкори, елка тоғи бўлурман.
Турк-Туроннинг қўнғироғи бўлурман.

Турк — Туроннинг қўнғироғи бўлурман.

ҚАТАҒОНДАН ОМОН ҚОЛГАН ОДАМ

ХАЛҚИМИЗ БОШИДАН НЕ КУНЛАРНИ ўтказмади, не кунларни кечирмади. Лекин ҳар гал кул тагидан бош кўтарган Самандар қушдек ўзини ўнглаб олди. Даҳшатлиси шундаки, халқимиз бошига оғир кунларни четдан бировлар эмас, ўз мамлакатимиз, ўз раҳбарларимиз, ўз кишиларимиз солди. Совет Иттифоқи деб аталган империя учун қалбини бағишлаб, жонини жабборга бериб ишлаб, унинг обрўси учун ўз бахтидан кечганига қарамай энг сара, энг ориф, буюк инсонлар қамалди, отилди, қувғин қилинди. Бугун мустақилликка эришган, унинг пиллапояларидан қийинчилик билан кўтарилаётган дамда ўша кунларни эсламоқ заруратн йўқдай, бир қадар ўнғайсиздай туюлади. Лекин, начора, ўша кунлар ҳам, истаймизми-йўқми, бизнинг тарихимиз, тарих эса келажакда ҳушёр бўлишга, ўтмишдан хулосалар чиқаришга ундайди.

●

«Йўл азоби — гўр азоби», деганлари рост экан, бўлмаса соппа-соғ дам олиб юрган одамнинг иситмаси Тошкентга билет топиб вагонга чиққанда кўтарилармиди? Минводадан Москвага қийналмай етиб келишди. Лекин бу ерда Тошкентга билет топиш анқонинг уруғини ахтариш билан баробар бўлди. Хуллас, улар икки кун оворагарчиликдан сўнг, ўриндиқли вагондан жой олишга муваффақ бўлдилар. Бир ҳисобда ойиси Азизжонни ҳам дадаси ёнига қўшиб юборгани яхши бўлган экан. У бўлмаса Абдуҳаким аканинг аҳволи не кечарди. Куйбишев шаҳрининг вокзалидаёқ докторлар дадасини касалхонага ётқизмаса бўлмайди, деб туриб олишди. Азизжон кўнмади. У нима бўлса ҳам дадамни Тошкентга олиб боришим керак, деб ўйларди. Шунинг учун докторларга тилхат бериб бўлсада йўлда давом этди.

Азизжон хаёлга чўмди. Ойисидан борган хат ҳам дадасини анча чўктириб қўйган эди. Олдинига дадаси хатни унга кўрсатмади. «Нима гап дада, тинчликми?» деб сўради. «Ҳа, тинчлик шунчаки ҳол-аҳвол сўрашибди. Яхши дам олаяпсизларми? Об-ҳавоси ёқтими? Азизжон яхши юрибдими? Хуллас, шунақа гаплар», деганича хатни кўрсатмади. Нима бўлди-ю, бир нарса керак бўлиб, дадаси ётган кроват ёнидаги тумбочканинг тортмасини очиб, ўша хатга кўзи тушди. Дадаси йўқлигидан фойдаланиб, хатни очиб ўқишга тушди. Хатга «Қизил Ўзбекистон»дан қиркиб олинган газета бўлаги тиркалган эди. Хатдан олдин газета парчасига кўз югуртирди. Унда «Халқ душмани» деб эълон қилинган мақолага кўзи тушди. Не кўз билан кўрсинки, унда дадасининг исми-шарифи ёзилган эди. Азизжоннинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Бироздан сўнг ўзига келиб, яна қаради. Рост! У янглишмаганди. Фақат ўзига-ўзи «Нега? Нега» дея савол берарди. «Ахир, 1918 йилдан Қизил Армияга ўз хоҳиши билан кирган, 1922 йилдан фирқа аъзоси бўлган. Халқнинг оғирини енгил қилишда фаол қатнашган. Наманган уездида ер-сув ислоҳотига бошчилик қилган, Оқтошда ревком бўлган. РайЗО бошлиғи, Андижонда район пахта идораси директори бўлиб ишлаган, жумҳуриятнинг маркази Самарқанддалигида Узхлопкотрест бошлиғи, жумҳуриятнинг маркази Тошкентга кўчгач, Средазхлопкотрестда бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаган бўлса, эндиликда Наркомземда бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаётган одам «халқ душмани» бўлса. Йўқ. Бу баъзи ғаниилар иши,' бунга ҳеч ишониб бўлмайди. Бу мумкин эмас, бу англашилмовчилик!» У даҳшатли хабар олдида ўзини йўқотиб қўйганди.

Шу пайт дадаси келаётганини сезди-ю, хатни билдирмасдан яна жойига қўйиб, гўё ўз иши билан банд бўлди. Шу воқеадан кейин ўтган кунлар Азизжонга татимади, ўзини қўярга жой тополмади. Лекин буни дадасига билдирмасликка ҳаракат қиларди. Абдуҳаким ака ҳам хатдаги воқеани ўғлидан сир сақларди. Тўғрида, уни ҳам ташвишга солиб нима қилади. Тошкентга боргач, масала ойдинлашар, қайси бир аблаҳ ёзиб бергандир-да, деган фикрда эди.

Ш У ЗАЙЛ ИККИ КЕЧАЮ ИККИ КУНДУЗ йўл юришди. Йўлда не азобларни емади. Касал одамга икки сутка ҳам бир йилдек туюлди. Ниҳоят, улар ярим кечаси Тошкент вокзалига кириб келишди. Минг қатла шукур дегандек, Азизжон чуқур тин олди. Абдуҳаким ака ҳам қадрдон юрт ҳавосиданми, дийдориданми жиндай енгил тортиб кўзини очди. Бошқалар туёғунга қадар Азизжон у ёқ, бу ёқни саранжом-саришталаб, дадасини елкасига опичлагаича зинадан тушиб, вокзал майдонида машина ёлладди. Дадасининг тоби йўқлигини Азизжон дарҳол уйдагиларга шипшиди. Болалар ҳам бир пасда бу аҳволдан сергак тортиб қолишди. Абдуҳаким ака уйга кириб чўзилди. Касаллик уни баттар толиқтирганди. Шунинг учун болалари, уй ичидагилар билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашолмади. Хотинининг йиғи аралаш саволларига «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қайтарди. Унинг Тошкенддаги аҳвол хусусидаги гаплари ҳам қулоғига кирмади. Шу пайт эшик тақиллади. Очилгунча бўлмай яна қаттиқ гурсиллаб урилди. «Ановилар бўлса керак, аввал ҳам бир келишганди», деди хотини. «Шу яқин орада пойлаб туришган экан-да», деган фикр бир зумда Абдуҳаким аканинг хаёлидан ўтди.

— Марҳамат киринг.

Шу заҳотя эшик очилиб иккита барваста киши кириб келишди. Улар сўрашмасданоқ болаларни хонадан чиқиб кетишларини талаб қилдилар.

«Махсус топшириқ билан келдик, шунинг учун болалар чиқишсин», деди улардан бири. Азизжон, укаси ва икки синглиси ҳамда онаси билан хонадан чиқишди. Уларнинг нима учун келганини ва махсус топшириқнинг нимадан иборат эканлигини ойиси ва Азизжон яхши англарди. Азизжон секин эшикка қулоқ тутди. Нотаниш кимсалар дадасидан қандайдир қоғозга қўл қўйишини қаттиқ талаб қиларди, дўқ урарди. Абдуҳаким ака эса қўл қўйишга унамасди. Улар Абдуҳаким акани сўроқ қилиб, турткилаб анча қийнадилар. Ҳеч гап ололмагач, чиқиб кетаётиб, «Ўйлаб кўр! Биз эртага кечқурун яна келамиз», деб эшикни тепиб очиб чиқиб кетишди. Улар кетишгач, Азизжон эшикни ёпиб дадаси ётган хонага кирганида ойиси ва укалари ҳам шу ерда эдилар. Абдуҳаким ака унсиз йиғларди... Ҳамманинг кўзида ёш қалқиди... Лекин ҳеч кимдан садо чиқмади... Шундай қилиб, бу тун ҳам Азизжонга татимади. Эрталаб чоғоҳга яқин Азизжон поликлиникадан врач Сергей Поливановни уйга бошлаб келди. У киши дадасини синчиклаб текшириб, уйига келиб даволашга рози бўлди.

Қоронғи тушиши билан «ҳалигилар» яна ташриф буюришди. Бу гал ҳам муддаоларига эришаолмагач, Абдуҳаким аканинг товонларига темир таёқ билан роса уришди. Бу ваҳшийликка чидаб туролмаган Азизжон хонага бостириб кириб, улардан бирининг ёқасидан олди.

Энди улардан бири Азизжонга ташланди. Қўлларини қайириб, тепкилаб ҳовлига чиқариб юборди. Унинг изидан иккинчиси ҳам чиқиб келаркан, «Биз яна келамиз, болакай ўзингни йиғиб ол. Йўқса бирга кетасан», дея пўписа қилди.

Эртасига Поливанов Азизжонлар уйига қўлида табиблик асбоб-ускуналари солинган сумкаси билан кириб келди. Врач беморни зимдан текшириб оғир паратиф эканига ишонч ҳосил қилди ва даволашни шу дақиқадан бошлаш лозимлигини уқтирди.

— Қани, турингчи, — деди у.

Абдуҳаким ака Азизжоннинг ёрдами билан авайлаб ўрнидан тураркан, товонларини яхши босолмаётганини сезган Поливанов «Нега оёғингизни босолмаяпсиз? Нима бўлган товонингизга», дея саволга тутди. Абдуҳаким ака яна жойига ўтирди. Аслида айтмоқчи эмасди-ю, врачнинг қистовидан сўнг бор гапни айтишга журъат этди. Азизжон ана шунда бор ҳақиқатни, дадасига нега зуғум қилишаётганини билди. Дадасининг яқин дўстларидан бири Шоғафур Шомансуров «халқ душмани» деб қамалган экан. Ҳалигиларга эса дадасининг имзоси Шоғафур Шомансуровни қоралаш учун ва яна унинг ўзини ҳам «халқ душмани» деб қамаш учун керак экан.

Поливановнинг бундай алғов-далғовларни кўраверiб кўзи пишиб кетган экан чоғи, индамади... Бундай ҳолатда уни касалхонага олиб боришдан бошқа иложи йўқ эди. Ҳар қалай кўпнинг кўзи ўнги. Уйида даволаса, биров билиб, биров билмаслиги мумкин.

— Ундай бўлса, сизни шу ерга қатнаб даволайман. Сизни шифохонага юбориб бўлмайди. У ерда сизга тинчлик бермаслиги турган гап. Яна ким билади дейсиз... Яхшиси уйда қимирламай ётаверинг, мана бу гаплар ўтиб кетгунча. Сизни тезда тузатмайман, узоқ муддат даволайман. Улар сизнинг тезроқ тузалишингизни пойлашади. Оёққа турдингиз дегуинча «олиб кетишлари» мумкин. Шундай ҳолатингизда ҳам тинч қолдиришмайди, албатта. Лекин начора, — деди у.

П ОЛИВАНОВ БИЛИБ АЙТГАН ЭКАН, қоронғи тушиб, эл ётар маҳал, ҳалиги нусхалар яна пайдо бўлишди. Яна қийноқ — сўроқ қилиш, қўл қўйсан, деб бақиришлар, ҳақорат ва хўрлаш, беш фарзандини чирқиратиб, ота товонига темир калтак билан уришлар, шу куйи бу даҳшатли аҳвол салкам бир ой узлуксиз давом этди... Абдуҳаким ака кундузи даволаниб, бироз жони ором олиб, энди уйқуга кетай деганда, яна ярим тунда хўрлик азоби бошланади. Бу азоблар унинг силласини қуритди. Лекин ҳеч ким хусусида бирор оғиз ёмон гап айтмади, айблов қоғозларига қўл ҳам қўймади. У ер, бу ерга борай, арз қилай деса ҳоли келмайди. У бир-икки марта ўз жонига ҳам қасд қилмоқчи бўлди. Азоблар учун эмас, болаларини, уйини ўйлаб шундай қилмоқчи бўлди. Балки, шунда уларни ҳам тинч қўяр деб ўйлади. Бир гал ўғли, бир гал хотини унинг бу ҳаракатидан воқиф бўлиб қолди...

Бунинг устига болалари ёш. Бу ҳам етмагандек Абдуҳаким ака орқаваротдан ишдан бўшатилган, фирқадан ўчирилган. Оилага келадиган даромад манбаи ҳам кесилган эди. Еттита бирдай жон. Уларни оч қолдириб бўлмаса. Хотини ҳеч қаерда ишламайди, рўзғор билан банд. Аввалига хотини уйда қўлга илинадиган у-бу нарсаларни сотиб рўзғорни тебратиб турди. Бироқ, бу билан жон сақлаб бўлармиди? Унинг устига касал боқиш...

1937 йилнинг охирларига келиб оила батамом чўкди. Абдуҳаким аканинг касали зўрайса зўрайдики, тузалмади. Болалар ҳам йўқчиликдан турли касалларга чалина бошлашди. Оила бошлиғи бирор жойдан умид қилмаса ҳам, «халқ душмани» деб айблаганлардан бирортасига авф берилмаган, қилган хизматлари эътиборга олинмаган бўлсада республика партия Марказий Комитетига хат йўллашга жазм қилди. Чиқмаган жондан умид, ўйлади у. Хатни ёзиб ўғлининг қўлига тутқазди.

Орадан кўп ўтмай, кутилмаганда Абдуҳаким аканинг шикояти Қишлоқ Хўжалик Комиссарлигининг бошланғич партия ташкилотида кўрилади. Ушанда раҳбарлар Абдуҳаким Ҳамидовга раҳм қилишдими ёки унинг касаллигини инобатга олишдими, ҳайтовур шикоятини инобатга олишди. Ваҳоланки, бундай шикоятлар ўша пайтда деярли кўриб чиқилмас, талаб қондирилмас эди. Йиғилишда Абдуҳаким Ҳамидовнинг ўзи иштирок этиши шарт эди... «Улар масалани ойдинлаштирармикан?», — деган ўй хаёл Абдуҳаким акани яна қаттиқ чўктириб қўйди. Лекин юришга мадори йўқ эди. Чақириқ қоғози келди, бориши керак. Лекин қандай қилиб боради, куч-қуввати бўлмаса, темир калтак зарби энди оёққа қаттиқроқ аксар қилган. Аввалига Абдуҳаким ака секин-аста юриб кўрди, бўлмади, ярамади, тиззаларда мадор йўқ. Азизжон отасини орқасига опичлаб кўтариб олди. Беш-олти бор дам ола-ола манзилга етиб келишди. Ота-бола келишганларида йиғилиш бошланган эди. Секин эшикни қия очиб мўралашди. Ичкаридан «киринг» деган ишора бўлди. Дадасини бўш ўриндиқлардан бирига жойлаштирди.

У кишининг бошидан ўтган воқеаларни эшитгач, кўплар уни ҳимоя қилишди, оқланишини, фирқага қайта тикланишини талаб этишди. Ўша куни ота-бола чеҳралари ёришиб уйга қайтишди. Азизжон дадасининг оғирлигини ҳам, ўзининг чарчаганини ҳам сезмади...

Абдуҳаким Ҳамидовни фирқага қайта тиклаш иши қуйидан тасдиқланиб келиши лозим эди. У аввал Октябр район партия комитетида, сўнг шаҳар партия комитетида тасдиқ топиб, қуйи партия органлари ҳужжатлари орқали Марказий Комитет Бюросига етиб келди.

Бюро аъзоларининг деярли ҳаммаси Абдуҳаким Ҳамидовда айб йўқлигини тасдиқлашди ва фирқага қайта тиклаш ҳақида қарор қилишди. Ушанда Йўлдош Охунбобоев Абдуҳаким Ҳамидов ҳақида куюниб гапирди: «Бу одам халқ душмани эканми? Агар Абдуҳаким Ҳамидовни «халқ душмани» деб атайдиган бўлсак, унда мени ҳам ашаддий «халқ душмани» деб атайверинг. Бу ҳеч бўлмаган гап. Мен кафилликка оламан бу одамни».

«Мен ҳам Абдуҳаким Ҳамидовнинг оқланиши тарафдориман», деди Усмон Юсупов муҳокамага якун ясаб.

Шундай қилиб, бир оғиз гап бир йиллик азоб-уқубатларга чек қўйди. У 1938 йил апрел ойида фирқага қайта тикланди. Абдуҳаким Ҳамидовнинг кўзларида ёш айланди. Йўқ, у ўшанда фирқага тиклангани учун эмас, ҳақиқат қарор топганига, ўзининг юртга, халқига душман эмаслиги тан олинганига хурсанд эди. Қатағондан омон қутилиб қолганига ишонолмасди. У ўшанда қувончдан кўзда ёш ила ўриндиқлардан бирига беҳуш йиқилганди...

●

М АНА, ОРАДАН ҚАНЧА ЙИЛЛАР ЎТДИ. Қатағон даврининг даҳшатларини энди-энди англаб етаяпмиз. Бу даҳшатлар исканжасидан қутилиб чиққанлар эса жуда кам. Улар бармоқ билан санарли. Эндиликда уларнинг ҳам аксарияти орамизда йўқ. Бир қарашда бир инсон бошидан кечирган азоб-уқубатлар миллионлар тақдири олдида ҳеч гапдай кўринади. Аслида халқимиз бошига тушган фожиаларни чуқурроқ ҳис қилиш учун ҳар бир инсоннинг қисматидан хабардор бўлмоқ керак. Бу бугунги кунда ўзлигимизни, эркимизни англаб етиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш учун ҳам зарур.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ

Ислом дини воқе бўлибдики, муқаддас саждагоҳ Каъбатуллоҳ мўмин-мусулмонларни Ҳақ йўлига абадул-абад чорлаб турибди. Неча асрлар ўтса ҳамки, мусулмон фарзанди Маккаи мукаррамага интилиб яшамоқда. Аллоҳ уйи ҳамиша эътиқод нуридан мунаввардир. Асрлар, даврлар ўтмасин, бу эътиқод ошса ошдики, асло сўнмади. Албатта, бунинг боисини сўз билан изҳор этмоқ мушкул. Негаки, бу туйғу Аллоҳнинг ягоналигига бўлган буюк эътиқоддир: унинг қудратини ҳар бир қалб ўзича сезади, ҳис этади.

Қадим Туркистоннинг Маккa йўлидаги улуғ карвонлари орадан минг йил ўтиб, бизнинг асримизга келганда бир муддат йўлидан мосуво бўлган эди. Эътиқодлар саёзланиб, улуғ Ислом дарёси ўзанлари қай юртлардадир лойқаланганги ҳам рост. Бироқ яна Аллоҳга шукрлар бўлсинки, қўним топмаган карвонларимиз бугун ўз муқаддас йўлларини адашмасдан топиб олдилар. Тошкент ва Жидда ўртасида осмон кўприги ишга тушди. Қирқ беш кун муқаддам юртимиздан Маккага йўл олган тўрт мингдан ортиқ ўзбек мусулмонлари ана шу самолёт йўлининг қалдирғоч йўловчилари бўлдилар. Ота-боболаримиз удумини тутиб Ҳаж сафарига отланган, Аллоҳга юз бурган ҳожиларимиз орасида зиёлиларимиз, олимларимиз, шоир ва адибларимиз ҳам бор эди. Исмоил Бухорий-у Аҳмад Яссавий, Ҳазрат Нажмиддин Куброю Баҳоваддин Нақшбандий зоти шарифларининг ватандошлари бўлмиш ёш адиблардан бир гуруҳини бугун «Жума ўгитлари» саҳифасига таклиф этдик. Улуғлар йўлидан Маккага бориб қайтган замондош ҳожиларнинг муштарийларимизга айтадиган гаплари бисёр экан...

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН:

ҲОЖИЛИК МАРТАБА ЭМАС

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аввало, Оллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, улуғ ҳаж ибодатларини адо этишлик бу йил бизга ҳам насиб этди. Ҳажга одам астойдил ибодат учун, Оллоҳнинг розилиги умидида борган бўлса, у ердан бутунлай янгиланиб, иймони янада қувватланиб, руҳи, юраги бир қадар тозариб қайтар экан. Буни мен ўз танамда ҳам ҳис қилдим, атрофимдаги ҳожиларнинг ўзгаришларида ҳам кўрдим.

Ҳаж ибодати қурбон ҳайити арафасида бошланиб, ҳайитнинг учинчи куни тугайди. Унгача умра зиёратларини қилдик, нафл ибодатлар қилиб юрдик. Дастлабки кунданоқ бир нарсани англадимки, мен у ерга ниҳоятда оғир гуноҳлар билан борган эканман. Мамлакат зулм остида эди, халқимизнинг руҳоний аҳволи ғариб эди, камина ҳам шу жамиятнинг фарзанди сифатида ҳақ йўлидан адашиб, оилада олган исломий тарбияларим бир четга сурилиб, жамиятнинг йўлига юриб, кирмаган кўчамиз, қилмаган ишимиз қолмаган эди. Бир сўз билан айтганда, инсон зоти қилиши мумкин бўлган, балки ундан ҳам ортиқроқ гуноҳлар қилганмиз — буларни ҳаждан аввал ҳам билардим, тавбалар қилиб юрардим, гуноҳларимдан ўтгин, деб ҳар ибодатда Оллоҳга ёлборардим, аммо Байтуллоҳга яқинлашаётганимда менинг гуноҳларим ўзим ўйлагандан ҳам кўп ва оғир эканини қайтадан ҳис қилдим. Юрагим ваҳимага тушиб, довдираб қолдим. Ичимдан ўтганини ўзим биламан, Оллоҳ билади. Мен ҳатто Байтуллоҳнинг сеҳрли таъсирини ҳам сезмай қолгандай бўлдим. Мен карахт эдим. У ҳолатларимни ҳозир тўлиқ тушунтириб беролмайман.

Лекин ҳаждан одам бир дунё ибратланиб қайтар экан. Оллоҳнинг олдида ҳамманинг тенг эканини ўша ерда ҳис қиласиз. Ҳажда подшо ҳам, гадо ҳам, бой ҳам, камбағал ҳам эҳромга кириб, иккита оқ лунгига ўралиб, бир хил бўлиб олади. Мана шу ҳолатнинг ўзи одамга катта сабоқ: яъни, Исломда ирқий, насабий, миллий фарқлашлар йўқлигини ҳис қиласиз.

Ҳажда яна исломий жамиятнинг тимсолини кўрасиз. Дунёнинг ҳамма бурчагидан ҳожи келган, лекин ҳаммаси худди ўз уйида юргандай хотиржам, эркин. Муомалалар гўзал, миллатидан, танасининг рангидан қатъи назар, биродарлик руҳи устивор. Тасодифан туртиб юборсангиз, сиздан олдин узр сўраб туради. Намозда бир ёнингизда африқолик занжи ўтирибди, иккинчи ёнингизда ёпон ёки эрони ўтирибди, намоз охирида бир бирингиз билан қўллашиб сўрашиб қўясиз, биродарлигингизни изҳор қиласиз... мана шу жиҳатлари билан бу дин одамнинг Инсон эканини ўзига ҳис қилдириб қўяр экан. Кейин ўйлайсизки, жамият тараққиёти уйларнинг баланд-баланд қурилиши, кишиларнинг бой яшаши, турли-туман мошиналарнинг яратилиши ёки коинотнинг забт этилишлари билан белгиланмайди, балки инсонларнинг бир-бирига муомала-муносабати, тарбиясининг камолоти билан белгиланади.

Маълумки, Ислом дини, Қуръони карим бутун инсониятга туширилган. Аммо айрим тоифа зиёлиларимиз орасида, бу дин — арабларнинг дини, араблар уни бизга зўрлаб тиқиштиришган, бизнинг ўз динимиз оташпарастликдир, ўшанга қайтишимиз керак, деган сохта ватанпарварлик ғояси пайдо бўлган. Булар ҳам ҳажга боришса эди, дунёнинг не-не мамлакатларидан, не-не миллатларидан ҳожилар бир жойга тўпланганини кўришса эди! Ислом қора халқлардан тортиб, Оврупонинг сарсолдосиман деган халқларнинг ҳам вакиллари бор. Бодомқовоқлар, пистакўзлар, малласочлар, жингалак қорасочлар, новчалар, паканалар, хуллас, ҳатто бизларнинг хаёлимизга келмаган, бизлар билмайдиган миллат ва элатлар ҳам Ислом динига астойдил эътиқод қилишади. Зоҳиран қараганда, жаҳаннамнинг бир парчасидай иссиқ, яшашга табиий шароити бўлмаган бу маконга уларни қандай куч талпинтириб туради? Наҳотки, арабларга ҳурматларини кўрсатиш учун йиғилишади? Ҳолбуки, ҳар бир халқнинг ўзига яраша ғурури, дунёда обрў-эътибори бор, нима, шу саҳройи араблар тўқиб чиқарган ғояга эргашаманми, дейиши керак эди. Йўқ. Бунақа фасод ўй ҳатто хаёлига келмайди, чунки ҳар бири Қуръонни ўқиган, дунёга солиштирган ва Қуръон таълимотидай ҳақ таълимот йўқ эканига иқрор бўлган. Масалан, бу йил Масковдан ўрис ҳожилар ҳам боришибди ҳажга. Исломни қабул қилишга ва машаққатлар чекиб ҳажга боришга уларни ким, нима мажбурлади? Балки мана шу ўрис ҳожи ёки ёпон ё инглиз Маккаи мукаррамада яшайдиган арабдан эътиқодлироқ, тақводорроқдир, буни Оллоҳ билади. Тақвоси кучли жанубий қориялик ё фарангистонлик битта мусулмон ўзини мусулмон санаб юрган мингта ўзбек ёки арабдан кўра Оллоҳга яқинроқдир балки. Демоқчиманки, ҳажга тўпланган турфа издиҳомни кўриб, Ислом ҳақиқатан бутун инсониятни бахт-саодатга элтадиган дин эканини тўла ҳис қиласиз экан.

Аёллар тўғрисида ҳам икки оғиз тўхталмасак бўлмайди. Маҳаллий аёлларни кундузи шаҳар кўчаларида қарийб кўрмадим. Ондасонда мошиналарда, ўзларининг маҳрамлари билан ўтиб қолишади, аммо кўча-кўйда бекорхўжа юришлар йўқ. Кечки пайтлари ончамунча шаҳарга чиқишаркан. Ўзларини тутишларига, кийимларига қараб туриб, бир нарсага амин бўлдимки, аёлни асрайдиган, уни жамият кўзида улуғлайдиган бирдан-бир тўғри йўл — уларнинг ҳижобда бўлишлари экан. Катта қора рўймоллар ташлаб юришибди, аксарилари кўзларининг ўзини очиб олишган, зиғирча ҳам ўнғайсизлик сезишмайди, ўзларини камситилган ҳис қилишмайди, ҳаммаси табиий. Аёлнинг бизлардагидек очиқ ва ярим ялангоч юриши сира унинг эркинлиги эмас экан, балки, менинг назаримда, бунақа очиқлик ҳатто унинг фожиаси ва хўрланиши экан. Ҳижобдаги аёлни жисмонан бир-бирига солиштира олмайсиз, фақат кўзлар очиқ, бу кўзларга ёзувчи кўзи билан қарайсизми, оврополик кўзи билан қарайсизми, ниҳоятда гўзал. (Бу ҳақда бўлак сафар махсус ва батафсилроқ фикрларимизни айтамиз).

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан: «Ибодатларимиз қабул бўлаётгани ё бўлмаётганини қаердан биламиз? деб сўраганларида, у муборак зот: «Ибодатдан кейин ўша одамнинг феъл-ҳўйи, хулқи яхши томонга ўзгаряптими, йўқми — шундан биласизлар», деган эканлар. Демак, ҳаждан мурод зиёрат эмас, балки ҳаждан кейинги умрнинг қандай кечиши муҳим экан. Ҳаж беш кунда ўтади-кетади, озгина машаққат чекасиз, шу билан тамом. Энди ҳаждан кейинги ҳаётимизни чиройли яшасак, исломий йўллардан юрсак, ўзаро хуш муомалада бўлсак, ҳожиларимиз кўпайгани сари жамиятимиз поклана борса, иншоолло, ҳаж ибодатларимиз қабул бўлаётганига далолат.

Яна битта нозик масала тўғрисида айтмоқчиман. Ҳаж саёҳат эмас, ҳожилик мартаба эмас. Ҳаж — ибодат, ҳожилик — фарзни адо этиш, холос. Ҳожи ҳали ҳажга бормаган бошқа мусулмонлардан ўзини баланд тутмаслиги, бу ёқдаги одамлар ҳам уни «Ҳожи!» деб ўзларидан юқори қўймасликлари лозим. Чунки ҳажга бориб келишнинг ўзигина ҳурматга сазовор иш эмас, боя айтганимиздек, ҳаждан кейин унинг яхши томонга ўзгаргани, тақвоси ошгани ҳурматга лойиқдир. Қолаверса, ҳар қанақа мартабани қиёматдан, Оллоҳ таолодан кутишимиз керак. Илоҳи, ҳажларимизни даргоҳида қабул қилган бўлсин. Омин.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД:

МИСЛСИЗ СИНОВ —ИМКОНИЯТ ЭКАН

— Тафаккурли инсон зоти борки, ўз шахсини улуғлаш усулларини излайди, ижод қилади: кимдир давлат орттиради, кимдир уйжой солади, кимдир эл-юртнинг назарига тушиш дардига мубтало бўлади, бошқа биров ҳўкизнинг шохини қайиради ё бўлмаса янги фирқа ташкил этади, яна бирови ҳаётини маънавий баркамолликка бағишлайди. Тақводор киши эса улуғликни имон-эътиқод йўлидан излайди.

Намоз ҳар бир мусулмон учун меърож эканига, намознинг мартабаси ҳаж мартабасидан аъло эканига шак келтирмайман, лекин ҳар бир инсоннинг ботинида пинҳон инсонийлик жавҳарини юзага чиқаришда ҳаж ибодати нақадар мислсиз синов-имконият эканига амин бўлдим, алҳамдулиллоҳ!

Уйда эҳром кийиб маъшуқи дийдорига ошиққан ошиқ сингари лаббайкани бошладиму, кўнгилнинг бир буржидан, «Наҳотки, ҳаж сафари насиб этаётир?» деган шубҳа аримади. Ахир шу йилнинг ўзида Ливиядан, сўнг Маккадан бир гуруҳ қаламкаш биродарларга таклифномалар олдик, ҳар икки сафар хорижнинг ҳужжатлари зумда ҳал бўлса бўлдики, биз томоннинг расмиятчилиги битмади, битмади! Ана энди сафарга бир ҳафта қолганда йўл жабдуқларини шошқинч ҳозирлашга тушдик. Табиатим шундайми, ҳаётимдаги энг қувончли воқеа ҳам ўзига йўлдош ушалмас армонни етаклаб келди: кўрикталов ғолиби сифатида ҳажга йўлланма берилганини эшитганимда биринчи бўлиб раҳматли отамиз ва онамизнинг сиймоларини кўз ўнгимга келтирдим — Улар тўққиз фарзандларининг кенжасига шундайин бахт насиб этганини кўрсалар эди! Афсус...

Ҳажнинг ўзига хос мисли йўқ ибодат экани ҳақида сўз бошлаган эдим. Ҳар қандай ибодатнинг ботиний ва зоҳирий жиҳатлари мавжуд. Сафардан илгари ҳаж хусусида нималарни эшитган ё ўқиган бўлсам асосан бу ибодатнинг зоҳирий манзаралари ҳақида маълумот ва таассурот олгандим. Тайёрамиз ҳавога кўтарилган дақиқалардан ҳаж ибодатининг моҳиятини — унинг маънавий-ботиний-руҳий хислатларини излашга киришдим. «Ҳаж нима? У кишига нималарни ато этади? Мусулмон кўнгилни нималар ҳисобига бойитади? Унинг руҳий қувватини ҳамма бирдек англаши мумкинми? Ҳаж одамнинг табиатида ўзгариш ясай оладими?» Ҳоказо-ҳоказо саволларга бевосита шоҳид сифатида жавоб излашга киришдим.

Макка ва Мадина кўчаларини томоша қилганимизда, Минодаги чодирлар шаҳарчасини тунда ёлғиз кезганимда, жазирама офтоб тиғида кун бўйи адашиб-улоқиб одамлар денгизи оралаб Арофат сари йўл излаганимизда, Арофатга етгач шомни ўқигач, ҳордиқ олмайнетмай, туз тотинмай яна йўлга тушиб Муздалифага ета-етгунча саргузаштлар кечирган тун бўйи ҳам ушбу саволлар хаёлдан аримади. Ҳатто Уҳуд жанги бўлган тарихий тепалик, шаҳид кетган етмиш нафар саҳобанинг қабристони, ҳатто Масжид Набавиядаги кишини сеҳрловчи ҳолатларда ҳам нимадир етишмаётгандек, кўнгил қониб ором ололмаётгандек туюлаверди. Ана шунда бундай такрорланмас ором ва осойишталикни Ер юзининг яккаю ягона гўшаси — Байтуллоҳ қад тиклаган масжиди ҳарамдагина топиш мумкинлигига бот-бот иқрор бўлдим! Бобус-салом дарвозасидан қадам қўйиб масжиди ҳарам биносига илк сафар кириб борганимизда, Каъбаи шарифни тавоф қилиб мақоми Иброҳим ёнида икки ракаат намоз ўқиганимизда, Байтуллоҳ пойида тунларни бедор ўтказган дақиқаларда етмиш икки томиру, етмиш минг ҳужайра илоҳий бир саодатли мақомга мушарраф бўлар экан! Бу мақом онларида ёруғ дунёнинг жамики ҳою ҳаваслари унутилади, заминий қувончу ташвишлар, хархашаю машмашалар ниҳоятда арзимас заррага, хасга айланади — дунёга инсон сифатида келганинг шукронаси ўлароқ беихтиёр кўзлар ёшланади, руҳинг тиниқлашади, йўргакдаги норасида янглиғ чеҳрангга табассум югуради, ўйларинг ўйдан тўхтайди — саволларни-да унутиб Байтул ҳарам билан юзма-юз тураверасан-тураверасан...

Аллоҳнинг уйи теварагида туну кун бирон лаҳза тўхтамаётган гирдобни ибодатхонанинг иккинчи қаватидан, сўнг учинчи қавати — томидан узоқ-узоқ кузатдим, ҳовлига тушиб яна ва яна гирдобга ғарқ бўлдим (вақти-соати билан буларни батафсил ёзарман), ана шунда Ер юзининг энг баланд нуқтаси Жамолунгма чўққисида эмас, Байтуллоҳ шариф пойида эканига, Каъба пойида саждага бош қўйган мўмин-мусулмон учун ҳар қандай модний ва маънавий юксаклик ҳам жуда-жуда пастлик бўлиб туюлишига имон келтирдим. Ҳар бир инсон ҳаётида лоақал бир марта шундай дақиқаларни бошдан кечирмоғи, лоақал бир марта шундай ҳолат суруридан қониб завқ туймоғи, демакким, покланмоғи керак! Шундай лаҳзаларга етишмоқлик эвазига юқорида қисман айтилган машаққат ва уқубатлар (келгусидаги ҳаж сафарларини уюштириш борасида ташкилий тадбирларни тубдан такомиллаштириш ва тўғри йўлга қўйиш зарурлигини эътибордан соқит қилмаган ҳолда!) туфайли туғилган гина-кудуратлар унутилади — бу, ҳаж ибодати инобатга ўтганининг аломатларидан бири, ахир!..

Мадинада уч кун туриб Маккага қайтаётганимизда шоир дўстим Асқарали Маҳкам, «Каъбатуллоҳни соғиндим!» деб оҳ чекиб юборди. Вужудимга қалтироқ югурди, начора, яна беш-олти кундан сўнг юртимизга қайтгач Каъбатуллоҳни соғинамиз, унинг пойида тиз чўкиб ибодат қилишни кўнгил қўмсаши муқаррар — шунда қандоқ қиламиз?.. Сабр қиламиз ва «Ҳажга борганларнинг ибодати Аллоҳ ҳузурида қабул бўлсину, бундай саодат бошқа мусулмон юртдошларимизга ҳам насиб этсин!» дея дуога астойдил қўл очамиз...

Зиёдулла ҲАМИД ўғли:

АЛЛОҲГА ДИЛ ЁРДИК

— Албатта, ҳаж сафари ҳар бир мусулмоннинг орзусидир. Аллоҳ насиб этиб, камина ҳам алҳамдулиллоҳ Каъбатуллоҳни зиёрат қилишга муяссар бўлдим. Беҳад шукур.

Муқаддас Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилиб, гўё бутун дунё аҳли башари мусулмонлар деган хулосага келасан... Дини исломнинг нақадар улуғ кучқудратга эга эканлиги, ҳадсиз-ҳисобсиз одамларнинг эътиқод учун, покланиш учун Аллоҳга ёлворишлари шоҳиди бўлмоқ, ҳаж қилувчилар баҳри уммон тўлқинларидек икки қирғоқ — у дунё ва бу дунё орасида шоҳу гадо баробар, эҳром либосида Аллоҳдан ўз гуноҳларини сўраб, муножот қилишларини кўриш ёшу қари — ҳамма учун бетакрор бир сабоқдир. Улуғ ибратдир.

Шоиримиз ҳожи Абдулла Ориф муборак ҳаж кунлари ёзганларидек:

Кезиб бу шаҳарни балки ҳоргайсан
Ва лекин Аллоҳга дилинг ёргайсан.
Адаша-адаша Маккани топдинг,
Энди адашсанг гар қайга боргайсан!

Бу сабоқнинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари кўп. Бир замонлар исломнинг нури беҳад кўп сочилиб турган бизнинг юртимиз ахлоқ ва маънавият бобида намуна бўлиши лозим эди. Халқимиз шунга интилиб келган. Бироқ айрим кишилар, ҳатто диндорларимизнинг ҳаж сафарида ҳам бадхулқлиги, қинғир ишлари, мусулмонга хос бўлмаган ҳавойи нафсга берилишини кўриб ёқа ушлайсан. Яшириб нима қиламиз, бу нуқсонлардан бир неча бор ҳажга бориб келган, яна ташриф буюрган баъзи ҳамюртларимиз ҳам холи эмас экан.

Ҳаж сафарининг яна бир сабоғи шуки, биз ислом рукнларидан бешинчи фарзи ҳисобланган ҳажга бориш қоидаларида узоқлашиб кетганмиз. Эҳтимол, ҳаж сафарига бел боғлаганлар орасида, ҳатто беш вақт намоз қоидаларини билмайдиган, жойнамоз устида бошини бирор марта саждага қўймаган, ҳажга боришни дунё ҳою ҳаваслари, тижорат деб биладиган одамларнинг учраб туриши шундандир. Қолаверса, ҳаж қилиш ҳар бир мусулмон учун умрида бир марта фарз қилинганини унутмайлик. Баъзи тушунган ҳожилар имкониятдан фойдаланиб, ҳар йили рўйхатларга кириб олиши ҳаж қилишни орзу қилган юзлаб мўъмин-мусулмонларни бу имкониятдан бебаҳра қолдираётганини айтишни ҳам зарур деб биламан.

Ҳаж сафаридан мен олган ибратнинг яна бири шуки, тараққий этган Саудия Арабистони шаҳарларида бутун ислом мамлакатларидан борган ёшларни кўриш мумкин. Бу ёшлар ислом мамлакатлари ўртасида ўзаро келишувга мувофиқ ҳар хил хизматларга борганлар. Улар тоат-ибодат қилиш билан бирга турли юмушларни бажарадилар. У ердаги тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда ҳожилар хизматида бўладилар. Макка ва Мадинадаги муқаддас зиёратгоҳларни таъмирлаш ишларида иштирок этадилар. Бу тажрибани мустақил Ўзбекистон жумҳурияти билан ҳам ўзаро келишиб амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ёшларимиз Макка ва Мадинадаги инсон тафаккурини лол қолдираётган беҳисоб, бир неча авлодларга мўлжалланган меъморий обидаларини кўриб, Оллоҳнинг қудратига ва бандаларнинг фикр тарзига қойил қолган, сабоқ олган бўлур эдилар.

Аллоҳга беҳад шукрким, мен ёшликдан Аллоҳнинг ягоналигини тан олган ҳолда барча мўъминларни ислом шарти қоидаларига баҳоли қудрат амал қилишларини, ҳақ таоло буюрган фарзларни, пайғамбаримиз суннатларини сидқидилдан амалга оширишларини даъват этиб келдим. Албатта, бу тоат-ибодатлар бошқа беҳуда ишлар ўрнида, дунёвий ишларимизга халақит бермаган ҳолда адо этилиши рўзғоримизга файз-барака қўшади, кўнглимизга дил равшанлик ато этади.

Иншоолло, бундан буён ҳаж сафарига борувчилар сони янада ошади. Шуни унутмайликки, Каъбатуллоҳни зиёрат қилишни кўнглига туккан мўъмин-мусулмонлар бунга ҳар жиҳатдан муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқлари ҳам фарз, ҳам қарздир. Албатта, кимнинг тавбаси қабул бўлади — бу, ёлғиз Аллоҳга аён. Ҳаж сафари чоғи кўнгилда туғилган иштибоҳ шуки, ўзбек мусулмонлари эътиқоду иймон устиворлигида ўзларининг номи муборак аждодларига муносиб бўлсалар, иншоолло, улар Аллоҳнинг раҳматию марҳаматидан бисёр баҳраманд бўлур эдилар.

Асқар МАҲКАМ:

ИЙМОНСИЗ КИМСА ЗАИФ...

— Оппоқ эҳромда оёқяланг Каъбатуллоҳ теграсини айланарканман ўтган умрингиз — сиз туйқусдан унинг нечоғли арзимас ва ожиз эканини ҳис қиласиз — хотирангизда остин-устун бўлиб кетади. Бу руҳий шикаст бошидан минг турли ботил ғояларни кечирмаган мусулмонларга хос бўлмаса керак, деб ўйлайман. Мен бу оддий тош уйнинг — Аллоҳ уйининг теграсида изиллаб айланарканман, томоғимга тиқилган бир фарёдни тута билмадим. Бошимда минг бир савол чарх уради. Нимага? Бу қандай ёзмиш эдики, кўнглимиздан, онгимиздан, ҳаётимиздан иймонни юлқиб ташладилар? Нима учун бутун бошли халқ хор ва яксон қилинди?.. Эҳтимол, малайзиялик ёхуд индонезиялик, балки куни кеча жиҳоддан чиққан мужоҳид билан заиф ва дилхаста кимсанинг кайфияти мос келавермас. Эҳтимол, маҳбасдан чиққан мусулмон билан озод мусулмоннинг иймони ҳам бир даражада эмасдир. Мен чин дилдан иқрор бўлдим: иймонсиз кимса ҳақиқатда заиф бўларкан, иймони суст кимса ҳам шундай. Эътиқодсиз ёхуд ботил эътиқод эгалари ҳам ҳали комил бўлмас экан. Ўзининг яратгувчисига шак-шубҳа билан қараган одамдан ҳали мукаммалликни талаб қилиб бўлмас экан.

Қорамтир арабий тоғлар тошидан тиклинган оддийгина уй. Бу — Яратгувчининг уйи. Менимча, у дунёдаги энг оддий кулбалардан-да ҳақирроқ. Унинг теграсида айланаётганлар орасида неча-неча кошона соҳиблари, саройлар ва мулклар молики бор. Улар Аллоҳ уйининг остонасида туришибди. Оқ эҳромда, оёқяланг. Тожлар абас, шавкатлар абас, сиёсатлар, муҳорабалар, асъаса-ю зуғумлар абас...

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бандаларига фарз қилинган амалларнинг машаққатли эканини уқтирган. Бу амалларнинг тўрттасини ким қандай бажаришини Парвардигор ва унинг ўзи билади. Аммо ҳаж амалларини сиз сон-саноқсиз мўминларнинг бағрида бажарасиз. Эътироф этиш керакки, бу амалларни бажариш осон эмас. Алахусус, энг ноодамий мафкура билан заҳарлаб ташланган, бутун умр Яратганга ва унинг мўмин бандаларига қарши курашга ўргатилган, пионер, комсомол, коммунист деб аталган даҳрийлик пиллапояларидан оғишмай ошиб, бирданига мусулмон бўлиб қолган биз каби зиёратчиларга барча амалларни сидқан мукаммал адо этиш осон бўлмади. Шунинг асоратимикан, Масжидул Ҳарамдан бир неча юз одим беридаги меҳмонхонада туриб, тайёр сайёраларга ҳам чиқмай, ертўлани намозгоҳ қилиб, қолган вақтда бозор айланиш, совутгичлар остида ухлаш ва чойхўрлик қилишдан қўли бўшамаган ҳожиларимиз оз эмасди... Тан олайлик, биз ҳали кўп нарсага тайёр эмасмиз.

Араб дўстларимиз қарийб бир ой давомида ҳамма ерда ва ҳар қачон энг оддий одамгарчилик аломатини ўргатолмай қон бўлишди. «Сабр», — дерди улар гоҳ қўллари, гоҳ тиллари билан. Биз сабр қилишни ҳам билмаймиз. Ҳамма ерга ўзимизни ураверамиз — сайёрами, тайёрами, емакхонами... фарқи йўқ. Меҳмонхонамиз атрофига «Туркистон бозори» деб ном қўйишди. Бир куни Минода тун маҳали қандайдир араб уламоси маъвиза қилди. Ватандошларимиздан бири тилмоч бўлди. Маъвиза сўнгида ўзимизнинг «ваҳҳобийлар» ва «ҳанафийлар» ўртасида муноқаша бошланди. Уламога антиқа саволлар ёғила кетди. Ажабки, саволлар зуғум ва таадди оҳангида эди. Араб мийиғида кулиб қўяди. «Имом Бухорийнинг китобларини ўқиш савобми, гуноҳми? Қуръон ўқиганга ҳақ бериладими, берилмайдими?..» Ҳеч қандай жавоб лозим бўлмаган бу саволларнинг соҳибларига қилинган таъна-дашномлар кўнгилни ўзнарди. Бир даврада эса, араб уламоси эҳтимол қўпорувчидир, деган шубҳа бош кўтарди. Ёшлар кексаларга, кексалар ёшларга гал бермас, уламо билан оминнинг, авом билан оқилнинг фарқи йўқ эди. Чодирларда маҳаллийчилик ғимирлай бошлади... Кўпчилик Ҳажга келганини ҳам унутди. Хусусан, сўнгги кунларда деярли ҳеч кимнинг сабр-тоқати қолмагандек эди...

Мен ана шундай бесабр тунларда яна бир марта шоҳ Машрабнинг чинакам валийуллоҳлигига тан бердим: «Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак...».

Мадинаи мунавварада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг равзаи шарифларидан атиги 50—70 одим нарида Ислом тарихидаги энг табаррук қабристон бор. Номи «Жаннатул боқия». Бу ерга халифа Усмон, имом Ҳусайн, онамиз Ойиша, саҳобалар, азвожи мутаҳҳара, расулуллоҳнинг фарзандлари дафн этилган. Қарайсиз, нуқул тош, қум. Бошқа ҳеч нарса. Шу қадар оддий қабристонки, ақалли бирор ерда белги ҳам йўқ. Ўйлайсиз, «араб босқинчилари ундоқ эди, араб босқинчилари бундоқ эди», деб оламга жар солаётганлар бу тошзор ва қумзордангина иборат хилхонани бир келиб кўрсалар, Ислом ҳақир ва бечораларнинг, бекас ва мазлумларнинг паноҳи эканига иқрор бўлишармиди?.. Ислом ўзи етиб борган мамлакатлар бойликларини Арабистонга ташиб кетганда эди, бу бошдан адоқ тоғу тошлардан иборат саҳройи азимнинг ҳар қаричи олтинга айланмасмиди? Бу қабрлар ўрнида олтин ғиштли мақбаралар қад ростламасмиди?.. Мустамлакачилар ва торожгарларнинг муддаоси шу эмасмиди, ахир? Дунёда дин билан оддий босқиннинг, иймон билан иймонсизликнинг охир-оқибат ҳақ йўл билан саргашта кўчаларнинг фарқи борку...

Мен яна бир ҳақиқатга иқрор бўлдим. Арабистон табиати ғоятда шафқатсиз. Бу юртда яшашнинг ўзи асл маънодаги ибодатдир. Тангри таоло ана шу тоғу тошда, ана шу жизғанак саҳрода башариятнинг энг асл сарварлари — пайғамбарларнинг бутун бошли авлодини олам аҳлига элчи қилиб юборди. Ҳали ҳаётлик палласидаёқ оламнинг жамийки машаққатларини бошдан ўткариб нубувват тожига мушарраф бўлган бу зоти шарифларнинг товони ялаб қолган маҳшарзаминни оловли сукут ичра кезаркансиз, кўзингиз бийно, қулоқларингиз том битмаган, энг муҳими, қалбингиз бедор бўлса, бир нидони шубҳасиз эшитасиз. Оёғингиз остида куяётган тошлоқ ер сизга омонат жонингизнинг омонат бандлари титраётганини, руҳингиз ҳали-замон зил-замбил вужудингизни тарк этиб парканд қушлардек бесару сомон ўз эгасига қайтиб кетишини эслатиб туради. Бу нидо сизни бандаликка, мўминликка, мусулмонликка чақиради. Куймоқдан қорайиб кетган тошлар юзига тикилиб, қаёқдан келиб, қаёққа кетаётганингизни ўйлайсиз. Қийналган сайин қийналгингиз, эзилган сайин эзилгингиз, йиғлаган сайин йиғлагингиз келади.

Олам ва одам дастуруламаллари шу ерда тасниф этилди. Шу ердан бани башарнинг падари Одам алайҳиссалом ва онамиз Ҳаввонинг заминий рўзғори ибтидо топди...

Худойи таолонинг уйи атрофида айланаётиб кўнглимдан кечган саволларга Арофат майдонида жавоб топгандек бўлдим. Аждодларимиз (Аллоҳ уларни раҳмат айлаган бўлсин) ўз қисматларининг қай бир соатида она юртимиз қадр-қимматини унутган бўлсалар керакки, биз бугун шу қўйга тушдик. Тўғри, бу шаккок ўй, аммо начора...

Саҳифани тайёрлаганлар: М. Абдулла, А. Отабой ва К. Матёқуб

доимий ҳамроҳ

«ДУКЧИ ЭШОН ВОҚЕАСИ»

«Табобат ва нафосат» жамияти томонидан нашрдан чиқарилган навбатдаги китоблардан бири Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи эшон воқеаси ёки Фарғонада истибдод жаллодлари» тарихий асаридир.

«Хўш, бу муҳтарам зот ким эди? — деб ёзади китоб сўзбошисида жамият раиси, таниқли адиб Саъдулла Снёев. — Дукчи Эшон — Муҳаммадали, халифа Собир ўғли — Андижоннинг Мингтепа қишлоғидан чиққан иймони саломат, кўнгил кўзи очиқ, диёнати маҳкам, зулм кушандаси, марҳамат ва шафқат соҳиби, она ватани, ота юрти учун жонфидо, халқини ғайридинлар тепкисидан халос этмоқ учун наинки мол-мулкини, ҳатто жонини тиккан жасур инсон эди. У Муқанна, Форобий, Жалолиддин, Темур Малик, Номоз Ботир изидан бориб, келгиндиларга қарши юзма-юз жанг қилди».

Биз шу чоққа қадар Дукчи эшон исёни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас эдик. Шўролар тўнтаришидан аввалги тузум ҳар қанча танқид қилинмасин, у замондаги миллий озодлик ҳаракатининг кўзга кўринган намоёндалари ҳақида бор ҳақиқатни рўй-рост айтишга ботина олмаган эдик. Она тарихимизнинг «оқ доғлари» кўп эди. Негаки, айримларнинг назида халқимизнинг ўн еттинчи йилдан аввалги эрк учун кураш йўлларини ёритмоқ миллий зулмнинг шўролар инқилобидан кейин ҳам давом этаётганини ошкор қилиб қўйиши мумкин эди. Бу Дукчи эшон исёни сингари янги-янги норозилик ҳаракатларини авж олдириб юборишидан ҳадиксираб келинарди.

Мана, ниҳоят, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги шарофати билан етти қават парда остида пинҳон сақланган Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари ҳақида ҳам ўқиш ва ёзиш имконига эга бўлдик. Андижонлик олим ва ўткир зеҳнли қаламкаш Фозилбек Отабек ўғлининг (1879—1938) мазкур китоби миллий озодлик тарихимиздан муҳим ўрин олган Дукчи эшон қўзғолонининг келиб чиқиши, унинг бошчилигидаги халқ исёнининг аёвсиз бостирилиши, эшоннинг дорга осилиши билан боғлиқ қон тўкишлар ҳақида ҳаяжонли ҳикоя қилади.

Муҳаммадали эшон халқни зулмга қарши озодлик курашига бошлаган миллий қаҳрамонгина эмас, айни пайтда, ҳассос шоир ҳам эди. Китобчада ҳазратнинг «Ибрат ул-ғофилин» («Ғофиллар учун ибратлар») номли девонидан намуналар ҳам берилган.

МИЛЛИЙ МУСИҚА ЖАР ЁҚАСИДА

Йигирманчи аср охирлари ўзбек халқи учун миллий қадриятларни, ўтмишни англаш, келажак йўлни белгилаб олиш даври бўлиб қолса, ажабмас. Хўш, халқимиз учун фожиали кечган шу бир аср мобайнида нималарга эришдингу нималардан маҳрум бўлдик? Келажак авлодлар олдида нималар билан фахрланса арзийди-ю, нималар бошимизни эгишга мажбур этади? Бундай сарҳисоб ўзбек санъатидан, хусусан, ўзбек мусиқачилигидан ҳам талаб этилиши табиий ҳол. Мусиқашунос олим, профессор Отаназар МАТЕҚУБОВ ҳамда иқтидорли созанда Ўлмас РАСУЛОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда борди. Албатта, уларнинг баъзи бир фикрлари кимларнингдир эътирозига сабаб бўлиши мумкин. Лекин биз ушбу суҳбат билан мавзуга нуқта қўймоқчи эмасмиз. Аксинча, турли қарашларга эга шахсларни баҳс-мунозарага чорламоқчимиз. Зеро, ҳақиқат жамолига фақат баҳс орқали етишмоқ мумкин. Жамиятимиз туб бурилишларнинг гувоҳи бўлаётган бир пайтда мусиқачилигимиз муаммолари ҳам ўз ечимини топмоғи шарт.

МУХБИР: — Мусиқачилигимиздаги миллийлик ҳақида гап кетар экан, бу тушунчага аниқлик киритиб олсак. Замона зайлимикан, ҳатто гўдакларимизнинг тили ҳам «миллийлик» сўзи билан чиқаётганга ўхшайди. Лекин кўпчилик унинг моҳиятига тўла етмаётгандек, дин билан алмаштириб қўяётгандек... Хўш, миллийлик нима? Унинг мезони борми?

О. МАТЕҚУБОВ: — Миллийликнинг таърифини келтириш, формуласини айтиш бениҳоя қийин. Айни чоғда уни тушуниш, англаш шу қадар осон. Бир донишмандан: «Муҳаббат нима?», деб сўрашганда «Бошингга тушганда биласан!», деб қутулган экан. Ҳақиқатан ҳам, муҳаббатни минг таърифланг, ошиқлик қисматидан бегона одам тушунмайди. Миллийлик ҳам муҳаббат каби таърифи мушкул тушунчалардан. У қисмат — қонимизда мавжуд...

МУХБИР: — Саволдан ўша донишманд каби қутулиб кетишни ўйламанг, Отаназар ака. Асримиз юки нафақат табиатимизни, ҳатто миллат табиатини ҳам мувозанатдан чиқариб юборганга ўхшайди. Бўлмаса, миллат қиёфасини акс эттирувчи бадиий асарларда, зиёлилар илгари сураётган ғояларда Оврупоча, хусусан, русча тафаккур устун эканини қандай изоҳлайсиз? Кейинги йиллар мусиқачилиги ҳам шу қусурлардан холи эмас. Миллийлик ҳар бир халқнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқади, аслида. Лекин азалдан мунис, одми, хокисор ва ҳар нарсадан таскин изловчи ўзбекнинг руҳиятига мос мумтоз ашулаларимиз ўрнини енгил-елпи, шовқин-сурон қўшиқлар эгаллади. Нега шундай бўлаяпти? Назаримда, халқимиз онгида енгил фикрлашга, жўнликка мойиллик пайдо бўлган. Бугуни кун одами мусиқа деганда руҳ парваришини, маънан покланишни тушунмайди, аксинча, ўша руҳни карахт қилиши, сўндириши лозим бўлган «нашани» тушунади, шуни талаб қилади! Мусиқа оммага мўлжаллангани учун ҳам шу талабнинг қолипига тушади, халқнинг табиатига мослаша боради. Буни биз миллийлик деяпмиз. Халқ табиатидаги хислатлар тўла-тўкис санъатга кўчишини инобатга олсак, фақат мусиқачилигимиздагина эмас, балки миллат ҳаётининг ўзида ҳам инқироз, ўпирилиш пайдо бўлган дейишга юз карра ҳақлимиз. Лекин бу сўзларни нонкўрликка йўйишингизни истамасдим. Миллат қиёфасининг тўхтовсиз емирилиб бораётгани кўпчилик қаторни мени ҳам ташвишга солади. Ахир, нега биз экологик таназзул ҳақида тинимсиз ёза туриб, миллат экологиясидаги салбий ўзгаришлар ҳақида лом-мим демаслигимиз керак? Шу кетишда яна бирон асрдан сўнг авлодларимиз ўзбекларнинг турмуш тарзи бундай эди, санъати ундай эди, деб ўрганмасликларига ким кафолат беради? Мана, сиз миллийлик қонда деяпсиз. Унда миллийликдан тобора узоқлашиб бораётганимизни қандай тушуниш керак?

О. МАТЕҚУБОВ: — Бу билан сиз миллат қони бузилиб кетаяпти, демоқчисизда, тўғрими? Фикрингизга ҳам қўшиламан, ҳам қўшилмайман. Ҳа, мен миллийлик қондадир, дедим. Лекин бундан қон ўзгармас экан, деган хулоса чиқармаслик керак. Қон бузилади, янгиланади. Миллат ҳам шу тарзда гоҳ салбий, гоҳ ижобий ўзгаришларга учрайди. Лекин миллат ўзини озиқлантириб турган шоҳ томирлардан ҳеч вақт айри бўлолмайди. Ахир нима учун мақомларимиз қатағонга учраган, «Дутордан симфония»га!», «Қўшиқдан опера»га!» каби шиорлар билан миллийликдан воз кечиш тарғиб этилишига қарамай, симфония, опера, балет каби Оврупо маданиятига хос санъат турлари халқимизга сингмади? Биз буюк деб улуғлайдиган Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов каби ҳофизларнинг буюклиги нимада? Ваҳоланки, ўшалар қаторида хониш қилиб юрган юзлаб истеъдодли хонандалар аллақачон халқ ёдидан ўчиб кетди. Демак, халққа манзур бўлиш учун истеъдоднинг ўзи кифоя қилмас экан. Кўрдингизми, гап яна соф миллийликка, мусиқанинг халқ табиати билан уйғунлашувига тақалаяпти. Дарҳақиқат, бугун радио ва ойнаи жаҳонни эгаллаб олган савияси хонандаларнинг олди-қочди қўшиқлари қайсидир маънода халқнинг дидини белгилайди. Шу диднинг тўмтоқлашганидан дарак беради. Лекин ўша қўшиқлар, ўша хонандалар эл юрагида абадий ўрнашиб қолишига ишонасизми? Уларнинг тақдири аён — кеча «Лаълихон» бўлган эса, бугун «Шаҳнозалар», эртага «Любочкахонлар»... Маълум бир замонда яратилган қўшиқларнинг юздан ўн, балки юздан бир улушигина

боқийликка дахлдор бўлиб қолишини тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди. Лекин бутун масъулиятни вақтга юклаб қўйиб мусиқачилигимиздаги мавсумий, маз-мунсиз қўшиқларнинг болалаб кетаётганига ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Ахир миллатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларимизнинг аксари шу қўшиқлар таъсирида тарбияланаяпти, шаклланаяпти, тўғрироғи, одатий шаклланишга қарама-қарши ўлароқ шаклланаяпти. Агар мусиқачилигимиздаги бу каби маънавий қашшоқликка чек қўя олмас эканмиз, халқнинг миллат сифатидаги ҳалокатига катта ҳисса қўшган бўлиб чиқамиз.

МУХБИР: — Ҳеч қайси миллат ўз софлигини сақлаб қолиш учун махсус тадбирлар белгиламаган. Нега энди биз шундай қилишимиз керак? Миллий санъатни муҳофаза қилиш учун кескин чоралар қўллаш шартми? Агар шарт бўлса, улар нималардан иборат бўлади?

Ў. РАСУЛОВ: — Санъат, айни чоғда мусиқа, кўп жиҳатдан сиёсатга боғлиқ бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мана, кеч бўлса ҳам мусиқачилигимиз ғариб аҳволга тушиб қолганини очиқ айтяпмиз, сабабини излаяпмиз. Қанчалик меъдага теккан бўлмасин, буни энг аввало хато сиёсатнинг меваси сифатида қабул қилмоғимиз керак. Куни кеча оддий мактабдан то консерваторияга қадар Ғарб мусиқаси ўргатилган, юксак санъат сифатида тарғиб этилаётган эди. Албатта, дунё санъатидан бохабар бўлиш ҳеч қайси халққа зиён келтирмаган. Лекин бугун миллий санъатни камситиш, инкор этиш эвазига ўзга халқ санъатини устун қўйиш, мажбуран тарғиб қилиш яхшилик келтирмаслигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ана шундай яхшилик келтирмаган ишларнинг бошида турган Тошкент консерваториясининг фаолиятини элакдан ўтказиб кўрайлик. Хўш, бу билимгоҳ ўзбек мусиқачилиги ривожига ўз улушини қўша олдими? Таассуфки, Ғарб мусиқасини ҳар жиҳатдан устун билган консерватория миллий мусиқачилигимиз равнақига иккинчи ва ҳатто учинчи даражали масала сифатида қаради, бу борада амалга оширган ишлари фақат хўжакўрсингагина бўлди. Чунки пойдеворидан тортиб томигача Оврупо лойида қурилган консерваториянинг ўзи Ўрта Осиё минтақасини руслаштириш сиёсатининг маҳсули эди. Буни қарангки, яқин-яқингача билимгоҳга йилига ўттиз-ўттизтача пианиночи олингани ҳолда битта-иккита танбурчи олинарди. Боз устига, консерватория 1936 йили ташкил топганига қарамай, 1972 йилдагина Шарқ мусиқаси кафедраси очилганини қандай изоҳлаш мумкин? Миллий қадриятлар офтоб юзини кўраётган ҳозирги шароитда ҳам бу билимгоҳнинг фаолиятида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаётир...

О. МАТЕҚУБОВ: — Ярамни янгиладингиз, Ўлмасжон. Мусиқачилигимизнинг кейинги ривожи бугунги консерваториянинг фаолиятини тубдан ўзгартиришга боғлиқ бўлиб қолгани афкор оммага беш қўлдек аён. Афсуски, ярим асрдан бери Ғарб мусиқасининг маддоҳи бўлиб келган консерваторияда миллий мусиқамизга панжа орасидан қараш ҳали-ҳануз давом этиб келаяпти. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Чунки консерваторияда таълим бераётган, бир умр миллий мусиқамизни менсимай келган, Ғарб мусиқасига сиғиниб профессор, доцент унвонига эришган кишилар ҳаливери ўз ғояларидан воз кеча олмайдилар. Биласизми, балиқнинг фожиаси муттасил олдинга сузишида. Орқага қайтиш, тўсиқни четлаб ўтиш унинг табиатига ёт. Шунинг учун ҳам тўрга осон илинади-да у. Консерватория шу кўчага кириб қолгану орқага қайтишни эса хаёлига ҳам келтирмаяпти. Мана, консерваторияда тил ҳақидаги қонунга асосан адабиёт фани ўқитила бошланди, ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилди. Айтинг-чи, бирон бир скрипкачи ё пианиночи сизга ўзбек тилида гапирди нима-ю, гапирмади нима? Ўзбек тилини ўрганса, ўта миллий симфония яратиб қўярмиди биров? Моҳият ўша-ўшалигича қолаверади-ку, ахир! Бошқа жиҳатдан консерватория адабиёт институти эмас, мусиқа институти эди, чамамда. Хўп, бу даргоҳда ўзбек тилини ҳурмат қилувчилар бор экан, яхши. Нега энди шулар орасида ўзбек мусиқасини чуқурроқ ўрганайлик, кўпроқ эътибор берайлик, бу ёғи контрабас, скрипка бўлиб кетди, дутор, танбур овозини ҳам эшитайлик-чи, дейдиганлар топилмайди? Кези келганда шуни айтиш керакки, мен Бах, Моцартнинг асарларини олмон миллий мусиқачилигининг юксак намунаси сифатида севиб тинглаганим ҳолда, Эшмат-Тошматнинг миллийлик даъво қилаётган сонатасини пул берсалар ҳам эшитмайман. Чунки Эшматдан ҳеч қачон Бах чиқмайди, чиққан тақдирда ҳам олмон учун иккинчи Бахнинг мутлақо кераги йўқ, ўзбекнинг бу борадаги фикрини айтмаса ҳам бўлаверади. Консерватория ҳозир шу оддий ҳақиқатни била туриб тан олгиси келмайди. Бу орада миллий мусиқамиз йўқолиш арафасида турибди. Ҳалокатнинг олдини олиш учун республикамизнинг нон-тузини еган йирик мусиқий марказ сифатида консерватория хайрли ишга қўл уриши керак. Эллигинчи, олтмишинчи, борингки, етмишинчи йилларгача эски устозлар санъати эвазига миллий мусиқамиздан баҳра олиб келдик. Ҳожихон Болтаевнинг вафот этганига тўрт-беш йил бўлаяпти. Лекин у хон замонида камол топган санъаткор эди. Ҳожихон Болтаев консерваторияда ўқиб Ҳожихон Болтаев бўлмаган. Маъмуржон Узоқов халқ ичида юриб Маъмуржон Узоқов даражасига етди. Агар имкон яратилганда бу ҳофизларимиз ўзларига яраша катта мактаб яратиб, муносиб шогирдлар тайёрлаб кетган бўлур эдилар. Ҳожихондай буюк ҳофизимиз тирикчилик важидан қирқ сўмга рубоб чертиб ўтирган оркестрда. Бу даҳшат эмасми? Агар чинакам ҳофизнинг камол топишига йигирма, ўттиз йиллик меҳнат сарф бўлишини, соф санъаткорнинг боқийлиги ҳалол пешона тери эвазига тикланишини англаганимизда ҳофизларимизни бунчалик хор қилиб қўймасдик. Агар Турғун Алиматов, Ўлмасжондек нодир созандаларимиз Америкада ижод қилганида борми, ҳар бирига алоҳида консерватория очиб беришарди. Бу ерда ким уларнинг қадрига етади? Ўлмасжон Бухородан Тошкентга келиб, турар жой рўйхатидан ўтиш учун икки йил оворси сарсон бўлганини айтсинми, ё тўрт йил ётоқхонада яшаш азобини? Майли, санъатга чинакам меҳр қўйган, мақсадда собит кишилар ҳар қандай қийинчиликка, ҳар қандай хўрликка дош бера оладилар. Бироқ қачонгача истеъдодлари, эл-юрт ғамида юрган фарзандлари хорликка маҳкум этилган халқ бўлиб қолаверамиз? Қачонлардир улкан, дунёга кўз-кўз қилгулик мактабга эга бўлган миллий мусиқамизнинг тилга олгулик учтўрт вакили қолганини қандай изоҳлаш керак? Халқимизнинг беғамлиги, эътиборсизлиги эмасми бу?

МУХБИР: — Шубҳасиз, миллий мусиқамиз жар ёқасига келиб қолди. Лекин бу миллий мусиқамизга гўрковлар керак экан, деганг эмас. Энг аввало кечиктириб бўлмайдиган давлат миқёсидаги тадбирлар мусиқамизни ушбу инқироздан сақлаб қолиши мумкин. Лекин бу тадбирлар нималардан иборат бўлиши дунё кўрган, чет эл мусиқаси билимгоҳлари фаолияти билан яқиндан танишган мусиқашунос олим сифатида мендан кўра сизга аён бўлиши керак. Агар республика мусиқачилигининг кейинги тақдири сизга боғлиқ бўлиб қолса, қандай йўл тутган бўлар эдингиз?

О. МАТЕҚУБОВ: — Аввалдамбор шуни айтиш керакки, мусиқачилигимизнинг бугунги ривожи миллий мусиқамиз равнақи учун мутлақо келажаксиз бўлиб қолди. Агар сиз айтган имконият бўлганида мактабдан то консерваторияга қадар бериладиган мусиқа дарсларини қайта кўриб чиқардим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мусиқага иштиёқи бор фарзандларимизга миллий соз сифатида рубоб билан доирадан бўлак чолғу асбоби беролмасак, нима деган гап? Энг ачинарлиси, боладаги бор истеъдодни ҳам йўққа чиқарувчи, қўлинигина эмас, дилини ҳам қабартириб юборувчи рубоб бизнинг миллий созимиз эмас ва миллатимиз табиатига мос келмайди. Агар бундан ўн беш-йигирма йил муқаддам фарзандларимиз қўлига дутор ё танбур ушлата бошлаганимизда бугунги суҳбатимиз ҳам кўпроқ қора бўёқда бўлмасди, ёрқинроқ чиқарди...

Лекин ҳозирги энг асосий масала консерватория фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишдан иборат. Нима учун? Такрор айтаман, дунё санъатини инкор этмаган ҳолда миллий мусиқачилигимизнинг ривожига урғу беришимиз лозим. Консерваторияда беш юздан ошиқ талаба билим олаяпти. Қанийди сифат ҳам шунга яраша бўлса! Америкада бориўғи қирқта талаба таҳсил олаётган консерваториялар бор. Лекин улардаги сифат бирга бир тўғри келади, биздагига ўхшаб юзга бир эмас. Консерватория учун давлат бюжетидан йилига 8-9 миллион сўм маблағ ажратилади. Хўш, бу пуллар кимники? Халқники, албатта. Консерватория шу халқнинг меҳнати эвазига кун кўраётган экан, шу халқнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, унга мақбул фаолият олиб бориши ҳам қарз, ҳам фарзку! Фикримча, республикамизда мавжуд консерватория ҳисобига тўртта консерватория ташкил этиш зарурати туғилди. Ўзингизга маълум, бизда бир-биридан кескин фарқланиб турувчи Тошкент-Фарғона, Хоразм, Бухоро-Самарқанд мақом йўллари мавжуд. Афсуски, кейинги пайтларда бу мақом йўлларининг ўзига хослиги, жозибаси йўқолиб бораётгандек, ягона қолипга тушиб қолаётгандек. Бир жиҳатдан ўзбек мақомларини жамлаш, ўрганиш ишларида ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ваҳоланки, мақомларимиз дунёнинг 36 мақоми ичида энг сараларидан саналади. Шу сабабли Хоразм, Бухоро, Фарғона ва Тошкентда ҳозирги консерваториядан фарқли ўлароқ миллий мусиқа мактаблари ташкил этилса, мақомларимизнинг жозибаси ошишига, такомиллашишига муносиб ҳисса қўшилган бўлур эди.

Ў. РАСУЛОВ: — Бу мактабларни ташкил этиш катта қийинчилик туғдирмайди. Негаки, жойларда бунга имконият ҳам, интилиш ҳам етарли даражада.

О. МАТЕҚУБОВ: — Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий мусиқамизни ҳалокатдан сақлаб қолиш ўзимизга, аниқроғи, виждонимизга ҳавола.

МУХБИР: — Ҳақиқатан ҳам миллий мусиқачилигимиз, умуман, миллат манфаати ҳар қандай манфаатлардан устун бўлиб келган. Ўйлайманки, суҳбатимиз мусиқачилигимиз келажагидан ташвишга тушган ҳар бир муштарийни бефарқ қолдирмайди.

Суҳбатни ЖАҲОНГИР олиб борди

ҲАҚИҚАТНИ ЭШИТИШНИ СЕВАРДИ

АМИР ТЕМУР ПОРТРЕТИ ХУСУСИДА

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҳафталигининг 10 апрел сонида рассом Малик Набиев томонидан ишланган Амир Темур портрети чоп этилган. Шу муносабат билан улуғ аждодимиз сиймосини тасвирлаш борасида айрим мулоҳазаларимни баён этмоқчи эдим. Маълумки, Амир Темурнинг турли даврларда ишланган расмлари мавжуд. Бироқ уларнинг биронтасида ҳам Амир Темурнинг ички ва ташқи дунёси ифода этилмаган. Ўз вақтида осмонга кўтариб мақталган Герасимов томонидан ишланган портрет ҳам талабга жавоб бермайди. Тўғри, мазкур портретни у Амир Темурнинг бош суяги асосида яратган, аммо кўпроқ даҳшатли ва жаллод тарзида кўрсатишга ҳаракат қилган. Бунинг устига Соҳибқиронни туркдан кўра кўпроқ мўғулга ўхшатиб қўйган.

50—60-йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тарих институтида Герасимов портрети асосида тайёрланган бюст сақланарди. Уни кўрган одамнинг бир сесканиши ҳеч гап эмас эди. Бундан мақсад, одамларда Амир Темурга нисбатан нафрат уйғотиш ва уни қоралаш бўлган, албатта. Шу боисдан кунларнинг бирида мен марҳум академик Яҳё Ғуломов билан суҳбатда бюстни одамлар кўзига кўринмайдиган жойга қўйишни таклиф этдим. У киши буни маъқуллади. Ҳозирда бюст Археология институтида ёки Тарих музейида бўлиши керак.

Ниҳоят, Амир Темур фаолиятига тўғри баҳо бериш ва унинг ҳақиқий сиймосини яратиш имкони туғилди. Рассом Малик Набиев ишлаган портретга келганда, айтиш керакки, у Соҳибқирон қиёфасига анча яқин. Ўрта аср муаррихи Аҳмад Ибн Муҳаммад Ибн Арабшоҳ гуворлик беришича, «Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди; пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмасди; оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрар эди. Ўнг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари ёқимли эди. Ўлимни писанд қилмас эди; қарийб 80 га кириб ўлаётган чоғида ҳам ақл-заковатини, довюраклигини йўқотмаган эди. У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-торожлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди; у ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ва ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмас эди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта биларди».

Аммо Малик Набиев портретида Амир Темур юз кўринишида қандайдир паришонлик ва ожизлик кўзга ташланиб туради. Бошқачароқ айтганда, Соҳибқиронни юз кўриниши ва қараши унинг бошидаги шоҳона тож ва эгнидаги либосга мос тушмаган. Унинг юзи ва кўзларида ҳукмдорга хос аломатлар яхши сезилмайди. Агар «Темур тузуклари» ва ўша ибн Арабшоҳнинг сўзлари синчковлик ила ўқилса, Амир Темурнинг кўзларида, овозида ва нутқида одамларни ўз таъсир доирасига тортувчи қандайдир илоҳий (жозибадор) куч бўлганлигининг шоҳиди бўлиш мумкин. Бу фазилат унинг ақл-идроки, жасорати, мардлиги, тадбиркорлиги ва ватанпарварлиги билан уйғунлашиб кетган эди. Амир Темурга тожу тахт отадан мерос қолмаган. Ўз ҳаёти ва фаолияти давомидаги барча ютуқларига худди мана шу олий фазилатлари туфайлигина эришди. Хулоса шуки, таниқли рассом Малик Набиев юқорида баён этилган фазилатларни акс эттирган ҳолда, портретга тузатиш киритса, нур устига нур бўлур эди. Фурсатдан фойдаланиб, баъзи таклифларни баён этмоқчиман. Амир Темурнинг ҳукмронлигидаги фаолиятигина эмас, балки ўспиринликда барча азоб-уқубатларни ва қувғинларни бартараф қилиб, мард, жасоратли ва билимдон шахс сифатида донг чиқарганлиги ҳам ибратлидир. Айниқса, унинг 25 ёшида Шаҳрисабзда ҳокимликни қўлга киритиши таҳсинга сазовор. Амир Темурни худди шу вақтдаги портретини яратиш ҳар жиҳатдан катта аҳамиятга молик.

Шунингдек, 1370 йилда Амир Темурнинг тахтга чиққанлиги муносабати билан чақирилган қурултойни тасвирловчи манзарани яратиш мақсадга мувофиқ бўларди. Қурултой Амир Темурнинг ҳукмдорлигини тан олиш билан бирга бутун Туркистон ўлкасининг мустақиллиги ва эркинлигини тантана билан расмийлаштирган эди. Бу буюк тарихий воқеа.

Менимча, Амир Темурнинг маърифатпарвар ва тараққийпарварлигини кўрсатувчи лавҳа яратиш керак. Бунда Амир Темур томонидан уюштирилган олиму фузалолар кенгашини ва унинг бу ерда нутқ сўзлаётганини тасвирлаш мумкин. У Кенгашда шундай деган эди: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Менинг мақсадим, мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди. Агарда олдин бизни диққат эътиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олийжаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан».

Мазкур сатрлар Амир Темурнинг халқпарварлигини, катта бунёдкорлигини ҳамда бу йўлда фан ва маданият вакилларини устун деб билганлигини яққол кўрсатиб турибди. Бу унинг амалий ишларида ҳам кўзга ташланади.

Шунингдек, Амир Темур, Бибихоним ва унинг авлодлари портретларини ишлаб, бир альбомга жамлаш фойдадан холи эмас.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди ва Ватан бургути бўлмиш Амир Темур жаҳон тарихини олтин саҳифаларига ёзилган буюк шахсдир. Унинг буюклигини қадрлаш ва оммалаштириш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Ҳамид ТЎХТАЕВ:

«ЭРКАКЛАР КЎЗ ЁШИСИЗ ЙИҒЛАЙДИЛАР»

Ҳурматли редакция!
Кейинги пайтларда Муқимий номидаги театрнинг истеъдодли артисти Ҳамид Тўхтаев ўзининг бир қатор ажойиб роллари билан эътиборимизни тортиб келяпти. Имкон бўлса, ана шу актёр ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

Насиба МАҲМУДОВА,
Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Ўзбекистон» колхози



Санъаткор қобилияти шинавандаларга манзур бўлиб, эл-улус эътиборига тушгунга қадар у яратган образлар ўзининг қай бир жиҳатлари билан одамлар кўнглига яқинлаша боради. Ҳамид Тўхтаев ҳам томошабинларни даставвал ҳиссиётга мойиллиги, яъни яратган образларининг ҳиссий кўлами билан мафтун эта бошлади. Унинг ижро услубида қаҳрамонларнинг чуқур дарди, мураккаб кечинмалари, турли зиддиятлар ичида кечган изтиробларини таъсирчан етказиб беришга мойиллик сезилади.

Ҳ. Тўхтаев Муқимий театрида ижодий фаолиятини бошлаганига анча бўлди. Бу даврда у турли жанрлардаги саҳна асарларида каттакичик ролларни ижро этди. Шоир Рамз Бобожон ва бастакор Фарҳод Олимовнинг «Юсуф ва Зулайҳо» асари асосидаги спектаклда у ижро этган Юсуф роли актёр услубининг ўзига хослиги ва афзалликларини, унинг кучи ва имкониятларини тўкис-тугал намойиш этди. Нафсиламрини айтганда, актёр шу ролидан сўнг театр санъати мухлислари ва мутахассислари эътиборига тушди. Ўтган мавсумдаги «Давлат болалари» ва «Дилафрўзга тўрт ошиқ» спектаклларида яратган Бахтиёр ҳамда Жалил роллари Ҳ. Тўхтаев ижодининг энг кейинги намуналари бўлиб, актёр маҳорати ўсиб, ижро услуби такомиллашиб, сайқаллашиб бораётганидан далолат бериб турибди. Бироқ мақсадимиз у ижро этган ролларни санаш, унинг шаънига ҳамду санолар, мадҳиялар ўқиш эмас. Балки ёш санъаткорнинг ижодий оламига бир назар ташлаб, унинг бугуни ва истиқболи хусусида мухтасар мулоҳаза юритиш мақсадида актёр ҳузурига йўл олдик.

— Ҳамид ака, театр санъатига қизиқишингиз қачон ва қандай бошланган?

— Санъатнинг у ёки бу турига қизиқиш ҳар биримизда қандайдир ўзига хос кўринишда кечади. Ҳа, ҳар биримизда! Фикримнинг исботи учун ҳар ким ўзининг болалигига мурожаат этишини тавсия қиламан. Фақат бу жараён ҳар кимда ҳар хил ўтади. Кимдир ундан тез чиқиб кетиб, оддий кузатувчига, кимдир фаол томошабинга айланади. Яна кимлардадир бу қизиқиш доимий, сурункали тус олади. Мен ана шу сўнгги тоифаданман. Мактаб давридан, умуман, нимаики яхши ишлар қилолган, одамлар ҳурматини қозонолган бўлсам, ҳаммаси санъатга қизиқишим туфайли. Бошқаларга баландпарвоз туюлар, бироқ мен учун санъатга қизиқишим ўзининг чорловчи хусусияти билан қадрли бўлиб келган. У мени доим яхши, эзгу ишларга даъват этган. Шунинг учун ҳаётимнинг энг қийин, риёзатли дақиқаларида ҳам тушкунлик кайфиятига берилган эмасман.

— Таниқли театр ва кино артисти Светлана Немоляевага касбдошлари ҳазиллашиб «водопровод» деб лақаб қўйишган экан. Чунки яхши билсангиз керак, бу актриса кўп ва хўп йиғлайди. Умуман, тез йиғи кела қолади бу актрисага. Буни у иштирок этган жуда кўп фильмларда кузатганмиз. Мухлислар баъзан сизга ҳам «йиғлоқи» деб таъриф берганларига гувоҳ бўлганман. Бу фикрга сиз қандай қарайсиз?

— Светлана Немоляевани жуда яхши кўраман, ижодини кузатиб бораман. У ижро этган ҳар бир рол биз сингари ёшларга катта бир мактаб деб ҳисоблайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: актриса ижро этган «Ишдаги ишқ» ва «Гараж» фильмларидаги Ольга Рижова ҳамда Гуськовнинг хотини роллари анчайин енгил, юки салмоқли эмасдек кўринади. Бироқ, С. Немоляева бу образларни томошабинлар кўнглидан чуқур жой оладиган, ажойиб ҳиссиётларга, қалбларимизни ром этадиган кечинмаларга бой шахслар даражасига кўтара олган. Энди «йиғлоқи»лигим масаласига келсак. Агар саҳнада кечаётган воқеа ва вазият тақозо қилса, йиғлаш керак. Бунинг учун актёрни айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Агар йиғи ўринсиз бўлса, бу салбий омил ҳисобланади, томошабининг ғашига тегади, таассуротларига путур етказади. Шунга ўхшаш ҳолнинг яна бир салбий томони хусусида тўхталиб ўтиш керак. Баъзида актёр йиғига берилиб кетиб, ўз руҳияти ва кечинмаларини бошқаролмай, ҳатто айтиши лозим бўлган гапларни айтолмай қолади. Тан оламан, зарур ўринларда йиғлаганман, бундан кейин ҳам йиғлайман. Шукур Бурхонов йиғлаб туриб йиғлатарди, Олим Хўжаев ўзи йиғламасдан бошқаларни йиғлатарди. Лекин бугунги кунда ҳаммага танилган баъзи ҳассос санъаткорларни биламан: керак бўлган, ниҳоятда зарур ўринларда ҳам кўзидан бир томчи ёш кел-маган.

Яна бир гап бор: эркаклар кўзёшисиз йиғлайдилар. Бу яхши гап. Эркак шаънига ярашадиган гап.

— Ҳозир қандай образ устида иш олиб бораяпсиз? Келгусидаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Шу кунларда режиссёр Баҳодир Йўлдошев бастакор Фарҳод Олимов билан ҳамкорликда машҳур ўзбек адиби Абдулҳамид Чўлпоннинг «Ёрқиной» драмаси устида қизғин иш олиб боришяпти. Менга шу асардаги асосий қаҳрамонлардан бири Пўлат образи топширилган. Биз — асар устидаги ижодий ишга жалб этилган актёрларга режиссёрнинг иш услуби жуда маъқул бўлди. Энг муҳими, Баҳодир ака актёрлар юрагига ўт ташлашни, уларнинг ҳар дақиқа ёниб ишлашларини таъминлашга эришишни билар эканлар. «Ҳамид, саҳнада ақлдан озмас экансан, нима қилиб юрибсан бу ерда!», «Саҳнага чиққанда сочинг оқармас экан, дўкон-дастгоҳингни йиғиштир!», «Мақсадсиз саҳнага чиқма! Бирров кириб-чиқиш олдидан бўлса ҳам мақсадни белгилаб ол! Актёр саҳнада мақсадсиз, шунчаки пайдо бўлдими — спектакл тамом, деявер». Машқ қилинаётган саҳна кўнгилдагидек чиқмаса, ана шу йўсиндаги танбеҳлар билан бизни тийрак бўлишга, масъулиятни яна ҳам чуқурроқ ҳис этишга ундайди.

Албатта, асар мураккаб: унинг ўзига хос фазилатлари ҳам, заиф томонлари ҳам бор. Бунинг устига ўтган ва ўтмаган атоқли драматурглар-имиз бу асардан унумли «фойдаланган»лиги сезилиб турибди. Шу боис айрим ўринларни режиссёримиз биз билан тубдан қайта ишлаб чиқди.

Келгусидаги режалар эса... кўп!

— Уларни амалга оширишда сизга соғлиқ ва ижодий куч-қувват тилаймиз.

— Раҳмат!

Суҳбатни Ғулом НАБИЕВ олиб борди

Акс садо

«ШАШМАҚОМ МАКТАБИНИ ОЧАЙЛИК»

Ҳафталикнинг шу йил 1 май сонида «Шашмақом мактабини очайлик» номли таклиф тарзида эълон қилинган мақола кўпчиликнинг эътиборини тортди. Биринчи галда редакцияга мактуб йўллаган машҳур санъаткорлар Мутаваккил Бурҳонов, Ботир Умиджонов, Мустафо Бафоев, Жўра Шукуров, Азимжон Мирҳабибов, Маҳмуд Тожибоев таклифни ўринли деб топганлар. «Агар миллий мусиқа мактаби кечиктирмай очилса, бу борада узоқ йиллар давомида йўл қўйилган жиддий хатоларни озгина бўлса-да, тузатган бўламиз. Бу учун вилоятларда барча кучлар етарли. Эртага эса кеч бўлади», деб якунлайди улар мактубни. «Чиндан ҳам мақола муаллифлари тўғри ва оқилона таклифни ўртага ташлаганлар. Шарқнинг қадимдан маданият ва маърифат масканларидан бири бўлган Бухорода шашмақом мактабини очиш аввало республикада миллий мусиқа ривожи учун, қолаверса, фарзандларимиз келажаги учун ниҳоятда зарур», деб ёзади Жондор тумани, Охунбобоев номидаги колхоз раиси Х. Ҳамроев.

**Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилояти бошқаруви раёсатининг раиси А. Ҳайдаров, муштарийлардан Ҳ. Яхшиев, О. Атоев, А. Бобохонов, Р. Иноятов, А. Бобоев, Ш. Шарипов, Ҳ.

МИЛЛИОН МОЖАРОСИ

Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозирги кунда биров кооперативчи деса, кўпчилигимизнинг кўз ўнгимизга дарҳол пулдор, бойвачча кишилар келади. Бу бежиз эмас. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Аслида-ку, жумҳуриятимизда кооперативлар очишга яхши ниятда рухсат берилганди. Бундай жамоа-корхоналар ўз кучлари билан маҳсулот тайёрлаб сотишлари ёки эл-юртга нафи тегадиган фойдали ишларни амалга оширишлари, шу тариқа давлатга ёрдам беришлари лозим эди. Уларчи? Амалда нима қилишаяпти? Асосан ўз манфаатларини кўзлаб иш юритаяптилар. Қандай бўлмасин, чўнтакларини қаппайтириш, мўмай бойлик орттириш пайида бўлаяптилар. Кооперативларнинг аксарияти ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди, аксинча, маҳсулот тайёрловчилар билан истеъмолчилар ўртасида шунчаки даллолларга айланиб қолганлар. Албатта, текинга эмас. Улар кўпинча тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарувчилардан арзон-гаровга кўтара сотиб оладилару сўнгра вазиятга қараб харидорларга ўн-ўн беш баравар ортиғига пуллайдилар. Бу қилмишлари билан айниқса ҳозирги бозор иқтисоди шароитида халқнинг шўрини қуритмоқдалар. Қимматчилик ва тақчилликнинг кун сайин авж олишига сабабчи бўлмоқдалар. Шу боис кооператив деган сўзни эшитсак, юрагимиз зириллайди, кўнглимиз ғаш тортади. Аммо, эҳтибор, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Қолаверса, бирнинг касри мингга ўрмаслиги керак. Кооперативчиларнинг ҳаммаси ҳам ўғри ёки пихини ёрган муттаҳам кишилар эмас. Улар орасида инсофлилари, эл-юрт раъйига қараб иш юритадиганлари ҳам кўп. Ҳатто, сув келтириб хор бўлганлари, айрим тўраларнинг масъулиятсизликлари туфайли озор чекиб юрганлари ҳам йўқ эмас. Қуйидаги воқеа, менимча, бу фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Юртимизда Наврўз шодиёналари бошланиб кетган қутлуғ кунлар эди. Ногаҳон муҳарририятимизга турли миллат вакилларидан иборат бир гуруҳ кишилар ташвиш билан кириб келишди. Улар олдиндан ёзиб, тайёрлаб қўйган шикоятномада шундай жумлалар битилган эди:

«Биз — «Реконструкция» («Қайта тиклаш» — **А. Ҳ.**) **ишлаб чиқариш қурилиш кооперативи аъзолари ўзаро шартнома асосида Тошкент туманидаги Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигига 280 ўринли болалар боғчаси қуриб бериш мажбуриятини ўз зиммамизга олган эдик. Қурилиш 1991 йил ёзи арафасида ниҳояснга етди. Боғча 1 июн — халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Шодиёна Ўзбекистон телевиденеси томонидан суратга олиниб, «Ахборот» дастури орқали намойиш қилинди. Бундан ташқари, турли рўзномаларда янги боғча ишга тушгани ҳақида хушхабарлар ёритилди.**

Ўшандан буён орадан салкам ўн ой ўтди. Аммо биз ҳалигача боғча қурилиши учун сарфлаган пулимизни ва меҳнат ҳақимизни ололганимиз йўқ. Бу ҳақда жамоа хўжалиги раисига, вилоят ижроқўмига, вилоят ижроқўми капитал қурилишлар бош бошқармасига, юқори идораларга бир неча бор мурожаат қилдик. Барибир фойдаси бўлмади...

Сизлардан ушбу масала билан шуғулланиб, ҳақиқатни юзага чиқаришда бизга ёрдам беришингизни сўраймиз...»

Бу фоний дунёда бировнинг ҳақини еб кетишдан оғирроқ гуноҳ, ҳалол меҳнат қилган одамнинг ҳақини ундириб беришдан кўра улуғроқ савоб йўқ. Ана шу боис биз масаланинг туб моҳиятини чуқурроқ англашга, можаронинг келиб чиқиш сабабларини пухтароқ ўрганишга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда шикоятчилар билан бафуржа суҳбатлашдик.

Маълум бўлишича, ушбу қурилиш кооперативи аслида «Агрегат» заводи қошида ташкил этилган экан. Жамоа аъзолари дастлаб турли биноларни таъмирлаш ва қайта тиклаш билан шуғулланадилар. Бир оз тажриба ва сармояга эга бўлишгач, янада хайрли ишга қўл урадилар. Пойтахт яқинидаги Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигига ёпиқ бассейнга эга бўлган болалар боғчаси қуриб беришга киришадилар. Бутун қурилиш давомида хўжаликдан бир сўм ҳам пул олмайдилар. Барча ишларни ўз маблағлари ҳисобига амалга оширадилар. Негаки, буюртмачи ва мутасаддиларнинг ҳисоб-китобни иншоот фойдаланишга топширилгандан сўнг қиламиз, деган ваъдаларига ишонадилар.

Боғча қурилишига туман фирқа қўмитасининг ўша вақтдаги биринчи котиби, ҳозир вилоят ҳокимининг муовини бўлиб ишлаётган Тўлқин Мирёқубов ҳам рағбат билдиради. Уни тезроқ битказиш учун жон куйдиради. Кези келганда, шу ерда махсус штаб тузиб, бошқа ташкилотларни ҳам ишга жалб этади. Натижада боғча белгиланган муддатида фойдаланишга топширилади.

Афсуски, шундан сўнг буюртмачи ва мутасаддилар «Ишим битди...» қабилида йўл тутадилар. Турли баҳоналарни рўкач қилиб, қурувчиларнинг ҳақини тўлашни пайсалга сола бошлайдилар. Аввал пулларингизни 3 июнда, кейин июлда, ҳаял ўт май августда, ундан сўнг 9 ойлик якунлангач берамиз, дейдилар. Лекин бирон сафар ҳам сўзларининг устидан чиқмайдилар. Борабора қурувчиларнинг бу ҳақдаги арз-додларига ҳеч ким астойдил қулоқ солмай қўяди. «Бор отангга, бор онангга» деганларидек, бизнинг собиқ жамиятимизда йиллар мобайнида одат тусига кириб қолган сансалорлик бошланади. Пировардида, кооператив аъзолари муҳарририятимизга бош уриб келишга мажбур бўладилар.

Биз ушбу масалада ёрдам кўрсатишни сўраб вилоят ҳокими С. Сайдалиевга мурожаат қилишни лозим топдик. Бош муҳарриримиз воқеани ўзбек тилида мухтасар баён этиб у кишига расмий мактуб йўллади. Орадан 4—5 ҳафта ўтгач, бир эмас, иккита жавоб олдик. Ҳокимликдагиларнинг хатимизни беэъти бор қолдирмаганликларидан қувондик. Аммо жавоблар билан танишиб чиққач, ҳафсаламиз пир бўлди. Боиси — улардан бири Давлат тили тўғрисидаги қонунга хилоф равишда рус тилида битилганди. Буниси ҳам майли. Эҳтимол, баъзи русийзабон раҳбарлар ҳали-ҳануз ўзбекчани билмаслар. Эҳтимол, ўзбек тилидаги хатга шу тилда жавоб ёзиш зарурлигини хаёлларига ҳам келтирмаслар, бу ишни ўзларига эп кўрмаслар. Лекин, жилла қурса, масаланинг моҳиятини англаб етиб, жўяли жавоб қайтарсалар, асакалари кетмасди. Бундай дейишимнинг боиси — жавоб хати номигагина, асосан масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилиш руҳида ёзилган эди. Муштарийларга тушунарли бўлиши учун уни ўзбекчага ўгирган ҳолда келтираман:

«Буюртмачи — А. Навоий номли колхознинг қурилган 280 ўринли болалар боғчаси учун тўловни кечиктираётганлиги тўғрисидаги хат кўриб чиқилди. (Қачон, қаерда, ким томонидан — буниси номаълум — **А. Ҳ.**).

Ушбу иншоот қурилиши колхоз ва бош пудратчи — «Реконструкция» ишлаб чиқариш қурилиш кооперативи томонидан тузилган бевосита шартнома бўйича амалга оширилган. Ушбу ҳолатда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари буюртмачи бўлмаганлар, лойиҳасмета ҳужжатларига эксперт хулосалар бериш, иш асосида ва моддий-техник ресурсларининг айрим турлари бўйича архитектура-қурилиш назоратини ташкил этиш йўли билан хўжаликнинг ижтимоий-маиший ривожланишига ёрдам кўрсатганлар (?)

Қурилишга маблағ ажратиш ва буюртмачи билан пудратчининг олди-берди-лари масаласи икки тарафлама шартнома бўйича белгиланади, келишмовчилик бўлган тақдирда улардан бирининг ташаббуси билан давлат арбитраж органларида кўриб чиқилади.

Вилоят ҳокимининг биринчи муовини
Л. ТЕРНОВЫХ».

Таажжуб, биз мутасаддилардан ушбу масала юзасидан нима қилсак бўлади, деб маслаҳат сўрамагандик. Аксинча, қурувчиларнинг ҳалол пулини ундириб беришда ёрдам кўрсатишларини илтимос қилгандик. Л. Терновых эса, мутлақо бошқа масалада жавоб йўллабди. Аниқроғи, ўзаро тузилган шартнома бўйича тарафлар қандай йўл тутишлари, келишмовчилик бўлган чоғда нима қилишлари ҳақида бизга йўл-йўриқ кўрсатиб, ҳуқуқий тушунча берибди. Ҳолбуки, шартномалар юзасидан келиб чиққан низо-ихтилофлар суд ёки давлат арбитражлари томонидан ҳал этилишини биз ҳам биламиз. Лекин бу сўнгги босқичда бўладиган иш. Унгача даъвогар томон масалани ҳал этиши мумкин бўлган тегишли идораларга мурожаат этишга ҳақлидир.

Яна бир гап. Биз ҳокимликдагилардан боғча қурилишига маҳаллий Кенгашлар қандай ҳисса қўшганликлари ҳақида сўрамагандик. Ёки рўй берган низода уларнинг ҳам айби бор деган фикрни билдирмагандик. Л. Терновых эса, гарчи зарурати бўлмаса-да, маҳаллий Кенгашларни оқлашга ҳаракат қилибди. Улар боғча қурилишида буюртмачи бўлмаганлар, фақат айрим масалаларда назорат ўрнатиб хўжаликнинг ижтимоий-маиший равнақ топишига кўмаклашганлар, деб таъкидлабди. Қизиқ, маҳаллий Кенгашлар қурилишни ўз вақтида бошлаш ва тугаллашда ташаббус кўрсатмаган бўлсалару, фақат хўжалик билан қурувчилар ўзаро келишиб иш бошлаганлардан сўнг назорат ўрнатсалар, бу қандай раҳбарлик, қандай ёрдам бўлди? Ёки улар назорат ўрнатмасалар, буюртмачи билан пудратчи ишни эпломасмиди? Бунисини билмадим, лекин Л. Терновыхнинг жавоби маҳаллий Кенгашларнинг мавқеини зўрма-зўраки улуғлашдан бошқа нарса эмас. Бу ҳол севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Донишқишлоқ латифалари»даги бир лавҳани — Матмусанинг уйланишини эслатади. Ёдингизда бўлса, тўйдан кейин уч ой ўтмай, унинг хотинининг кўзи ёради. Бу ҳолга ҳамма ҳайрону лол бўлади. Матмуса эса, бу ишда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, деб давраларда кўкрак кериб юради, тантанавор суратларга тушади. Шоир қиссадан ҳисса сифатида шундай хулоса чиқаради: «Алқисса, баъзан шундай бўлади. Биров қилиб меҳнатни, биров обрў олади». Ҳокимликдагилар масъулиятни зиммаларидан соқит қилишдан кўра адолатсизликка барҳам беришга ҳаракат қилганларида айни муддао бўларди.

Энди иккинчи жавоб хусусида: масъулиятсизликни қарангки, бу жавоб хати анча олдин — жумҳуриятимиз мустақиллиққа эришмасдан олдин тайёрланган махсус қоғозга ёзилган. Ундаги атама-номларнинг барчаси эскича, жавоб матни эса, гарчи ўзбек тилида бўлса-да, русча ҳарфли ёзув машинасида кўчирилган. Хатоларни, ғализ жумлаларни лоақал қалам билан устидан тўғрилаб қўйишга ҳам ҳеч ким қунт-ҳафсала қилмаган. Мана, ўша жавобнинг айнан кўчирмаси:

«НР 03—45 от 24 апреля 1992 г.

Узбекистон Адабиёти ва Санъати

Тошкент шахри Ленинград куча уй № 32.

Хурматли хафталик бош мухаррири Ахмаджон Мелибоев

Хатингизни Тошкент вилояти Хокимияти томонидан Тошкент вилояти жамоа курилишлари кенгашига жавоб хатини ёзимни топширилган.

Шунга асосан Навои номли жамоа хужалигида куриб битказилган 280 ўринли болалар богчасини курувчилар учун туланмаган карзларини куриб чикиб куйидагиларни изхор этамиз:

1. Богча курилиши лойиха хужжатлари бўйича 140 уринга мулжалланган булиб курилишнинг тан нархи 536 минг сўм булган, шулардан курилиш монтаж ишлари 460 минг сумни ташкил этади.

2. Тошкент вилояти агросаноат уюшмаси томонидан 1990 йилда Навои жамоа хужалигича богча курилиши учун 636 минг сум маблаг ажратилган.

3. Курувчи ташкилотлари билан тузилган шартнома бўйича Навои жамоа хўжалиги хисоб китоб килиши керак.

Тошкент вилояти жамоа хужаликлари курилиш кенгашининг Раиси
ХАСАНОВ З. З.»

Афтидан, Кенгашдагилар бу жавобни аввал бошқачароқ мазмунда тайёрлаган кўринадилар. Уни ҳам адашиб бизга жўнатиб юборибдилар. Очиғи, махсус қоғозга кўчирилиб расмийлаштирилмагани, имзо чекилмагани сабабли олдин бу хатга эътибор қилмадик. Бироқ ундаги бир рақам юқоридаги хатда келтирилган рақам билан тўғри келмаганлиги бизни таажжубга солди. Эътибор беринг:

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент шахри. Ленинград кўча № 32. Мелибоев Аҳмаджон.

Сизнинг 31 март 1992 йил № 32 Тошкент вилояти ҳокими ҳурматли Сайдалиевга ёзган мактубингизга қуйидагиларни сизга маълум қилишни лозим топдик.

Тошкент нохия Навои номли колхозда қурилган боғча учун Тошкент вилояти колхозларо қурилиш кенгаши 1990 йилда колхоз правлениясининг илтимосига кўра 360 минг сўм боғча учун пул берган эди, бу пул колхозга вилоят банки орқали туширилган. Колхоз қолган харажатларни ўз ҳисоби буйича тўлаши лозим эди.

Бу вазифани колхоз правленияси хал қилиши лозим. Тошкент вилояти колхозлараро қурилиш кенгашининг раиси

З. З. ХАСАНОВ».

Қизиқ, бу жавобларнинг қайси бирига ишониш керак? Албатта, махсус қоғозга кўчирилиб, имзо қўйилганигада, дерсиз. Лекин қўлёзмадаги пул миқдори-чи? Нега бири иккинчисига тўғри келмайди?

Қисқаси, масала бизлан ўзимиз шуғулланишга мажбур бўлдик. Шу мақсадда мен икки марта Тошкент туманида бўлдим. Биринчи боришимда аввало боғчага кирдим. Кўз тегмасин, у ҳақиқатан ҳам ҳавас

Давоми саккизинчи бетда

НОДИРАНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ

Бу йил машҳур ўзбек шоираси, атоқли давлат ва жамоат арбоби, адабиёт, санъат ва маданият ҳомийси Моҳларойим — Нодиранинг таваллуд топганига икки юз йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси президенти, Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ислом Каримов бутун жумҳурият миқёсида бу муборак санани кенг нишонлаш ҳақидаги махсус қарорга имзо чекди. Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, шоир ва драматург Эркин Самандаров раислигида Нодира юбилейига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳукумат комиссияси ҳайъати тузилди. Ҳайъат таркибига олимлар ва шоирлар, ижодий уюшмалар, турли вазирликлар ва жамоатчилик вакиллари жалб этилган.

Режага кўра, мумтоз адабиётимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ўз даври адабиёти ва маданияти ривожига ғамхўрлик кўрсатган шоира таваллуди тантаналари шеърият, маданият байрамига айланади. Мустақил мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида, меҳнат жамоалари ва олий ўқув юртларида нодирахонлик ўтказилади.

Юбилей тадбирлари тизимида шоира бадиий меросини нашр этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Чустий томонидан араб алифбосида кўчирилган шоира девони нусхасининг факсимилеси «Нур» нашриёти томонидан чоп этилади.

Нодира форс-тожик тилини ҳам мукаммал эгаллаган, бу тилда яратилган катта адабиётни чуқур ўрганган, Комила ва Макнуна тахаллуслари билан форс тилида ҳам қимматли адабий мерос қолдирган. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти «Девони Комила»ни шоиранинг она тилидаги ўн беш-йигирма энг гўзал ғазалларини ўз ичига олган жажжи китобчани чоп этишни режалаштирган.

Фанлар академиямиз нашриёти чиқараётган «Ўзбек шоиралари баёзи» туркумининг биринчи китоби Нодира ва Увайсий асарларидан иборат.

Нодирабегим таваллуди тантаналарига қўшни мустақил жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлардан меҳмонлар таклиф этиш мўлжалланмоқда. Бунда, биринчи навбатда, шоира ижоди билимдонлари, Нодира асарларини ўз юртларида тарғиб этиб келаётган мутахассислар назарда тутилади. Масалан, афғонистонлик таниқли олима Шафиқа Ёрқин ана шундайлардан биридир. Олима Кобул шаҳрида 1989 йили «Нодира ва унинг шеърлари» номи остида шоира ҳаёти ҳақида каттагина тадқиқот ҳамда ўзбек девони матнини ўз ичига олган китобни нашр эттирган эди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг илм даргоҳлари Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Нодирабегимнинг ижтимоий-ижодий фаолияти, бадиий асарлари таҳлилига, умуман Умархон даври адабиётига бағишланган махсус илмий анжуманга тайёргарликни бошлаб юбордилар. Бундай илмий анжуманлар Фарғона, Андижон, Қўқон олий ўқув юртларида ҳам ўтказилади.

Шоира номини абадийлаштиришга оид амалий ишлар ҳам мўлжалланган.

Жумҳурият Миллий боғида «Шоиралар хиёбони», Фарғона водийсида «Нодира боғи» ташкил этилади, Нодира ва Умархон қабрлари таъмирланади, уларнинг уй музейи очилади, кўргазмалар уюштирилади. Яқинда пойтахтимиз марказидаги «Искра» кинотеатри «Нодирабегим» деб ўзгартирилди. Тошкент метроси бекатларидан бирига шоира номини бериш ҳақида жамоатчилик ва ижодий уюшмалардан таклифлар билдирилмоқда.

Шоира сиймоси акс эттирилган почта маркаси аллақачон кенг тарқалиб кетди. Нодира ғазалларидан байтлар битилган қийиқча ва дурралар, лаган ва косалар, шоира суврати туширилган кўза ва бошқа чинни буюмлар, пардоз қутилари шоира қутлуғ юбилейидан ёдгорлик бўлиб қолади, деб ишонамиз. Фарғонанинг машҳур ҳунармандлари «Нодирабегим» номида янги атлас яратиш юзасидан изланишлар олиб бормоқдалар.

Туроб Тўланинг «Нодирабегим» пьесаси асосидаги спектаклни Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театри, Ҳошимжон Раззоқ қаламига мансуб мусиқий драмани эса Андижон вилоят театри қайта тиклашга киришдилар. Нодира фаолиятига доир бадиий фильмнинг ҳам экранларга қайта чиқиши кутилмоқда.

Юбилей тантаналарига рангли ҳужжатли фильм, шоира ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар пластинкаси, йилойкун-календар ва плакатлар чиқарилади.

Жумҳурият телерадиокомпанияси йил давомида Нодира ва унинг даври адабиётига, умуман мумтоз адабиётимиздаги шоиралар фаолиятига бағишланган туркум эшиттиришлар ва кўрсатувларни режалаштирган.

Юбилейнинг расмий тантаналари Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театри биносида очилади, сўнгра бутун Фарғона водийсида, барча вилоятларда давом этади.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
Ҳукумат юбилей комиссиясининг котиби

ЧИНОРЛАР АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Таниқли қримтатар адиби Шомил Алядин 80 ёшга тўлди. Ёзувчи тўйи арафасида у билан учрашиш ниятида уйига қўнғироқ қилдим. «У киши Дўрмонда», дейишди. Кейин Дўрмонга бордим. Оқсоқол адибни қуюқ соясалқин ташлаб турган, гуркираб ўсган чинорлар тагида учратдим. Суҳбатимиз ҳам шу ерда кечди.

— Бу чинорлар экилганда мен элликвойлар қаторида, айни кучга тўлган пайтим эди. Мана, шундан бери ҳам орадан чорак асрдан ошиқ вақт кечибди. Баъзилар бу чинорларни кўриб, «экилганига ярим аср бўлгандир» дейишади. Чорак аср давомида шундай ҳайбатли дарахтга айланганига ишонгилари келмайди. Начора, умр югурик дарё деганлари шудир-да. Баъзан шу чинорлар тагида ўтириб хаёлга толаман. Кечган умримни эслайман. Қрим, тоғларга туташиб кетадиган юртим — Махулдир қишлоғи, унинг боғлари, кўкка ўрлаган тераклари, уйимиз, тўрт-беш ёшларимда бобом билан юрган кўчалар кўз олдимдан ўтади. Одам кексайган сари болалик йилларини кўп хотирлар экан. Бу хотиралар нафақат ҳаётингда, балки асарларингда ҳам ўз аксини топа бораркан. «Булоқлар», «Тасалли», «Иблиснинг зиёфатига даъват» каби асарларим ана шундай хотиралар, тарихий воқеалар асосида яратилган.

Саксон ёш... Аллоҳ менга шунчалик умр берганидан беҳад хурсандман. Шунданми баъзан ёшлар менга оқсоқол деб мурожаат қилишади. Оқсоқоллик ёш билан боғлиқ, лекин у адабиёт учун буюк сўздир. Бу буюк сўзга муносиб бўлмоқ ғоят қийин. Адабиётдаги оқсоқоллик ёш билан эмас, халққа қилган хизматлар билан ўлчанади. Мен шу маънода Исмоил Гаспринский, Решид Медиев, Бекир Чобанзода каби инсонларни халқимиз оқсоқоллари деб биламан. Ўзим эса улар ҳаётлари ва ижодларини қаламга олганим билан фахрланаман.

Яқинда архивимдаги материалларни варақлаб ўтириб, бир нарсага кўзим тушди. «Тонг булбули» деб номланган дастлабки шеърим экан. И. Гаспринскийга бағишланган бу шеър 1927 йилда Қримда чиқадиган «Ёш қувват» газетасида чоп этилган эди. Мана, шундан бери орадан 65 йил ўтибди... Мен нега айнан бу воқеани эслаяпман. Бунинг боиси бор, чунки илк машқларимдан тортиб, деярли барча асарларимда бу улуғ сиймо руҳияти ва унинг таълимоти етакчилик қилди. Тўғри, бу сиймо ҳақида нафақат ёзганим учун, ҳатто номини тилга олганим сабаб тақиқларга учраганман, асоссиз танқидларни эшитганман. Лекин бирор марта бўлсин унинг халқимиз учун хизматларига шубҳа билан қараган эмасман ва бу буюк инсон ҳақида ёзиш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ҳар бир адиб учун ижодида асос мавзулар бўлади. Мен учун шундай мавзулар — халқимизнинг қийинчиликда кечган умри, Қримдан қувғин қилиниши, Ўзбекистон билан боғлиқ тақдири, ўзбек ва қримтатар халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, бирадарликдир. «Агар севсанг» романим Чирчиқ қурувчилари ҳаётидан ҳикоя қилса, «Тонг отгунча чарақлаган чироқлар» романи Ангрен шахтёрлари ҳаётидан олиб ёзилган. Кўриниб турибдики, ҳар иккала асарим ҳам Ўзбекистон билан боғлиқ. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки менинг 60 йилдан ошиқ онгли ҳаётим шу гўзал юрт, меҳнатсевар халқ тақдири билан боғлиқликда кечди. Қолаверса, аждодлари чорвадор, деҳқон ўтган қримтатарларнинг орасидан қийинчилик билан бўлса-да, ишчи синфи етишиб чиқишига шу ерда замин яратилдики, бу ҳам эътиборга сазовордир. Энг муҳими, халқларимиз ўртасидаги қон-қардошлик ва бирадарликдир.

Баъзан мендан, «Асарларингизнинг прототиплари борми?» деб сўрашади. Умуман олганда, адабиёт асл манбаи ҳаётдан олар экан, қаҳрамонларнинг прототиплари бор деб жавоб бериш мумкин. Лекин, келинг, масалага бошқа тарафдан, ижодий жиҳатдан ёндашайлик. Маълумки, ижодкор бадиий асарда ҳаётдаги айрим бир шахснинг тақдирини ёритиб беришни мақсад қилиб қўймайди. У қаҳрамонлари характерида кўнглидаги орзу-умидларни жамлайди, унга ўз дунёқарашини сингдиради. Шу маънода асарларимдаги кўп қаҳрамонлар, гарчи қисмати, характери ҳаётдаги баъзи инсонларга ўхшаб кетса-да прототиплар дея олмайман.

Тўғри, фашизмга қарши кураш йилларида бошимдан кечирган воқеалар асосида яратилган «Чауш ўғли», «Тасалли», «Бўрон тингандан сўнг», «Элмаз», «Яшил ёпинчикли қиз» каби асарларимдаги кўп қаҳрамонлар ҳақиқатан ҳам ҳаётда бор инсонлар. Воқеаларнинг аксарияти таниш. Лекин уларни ҳам тўла маънода прототиплари бор дея олмайман.

Юқорида айтганимдек, кейинги йилларда кўпроқ тарихий мавзуларда асарлар яратилмоқда. Буни ҳам қримтатар адабиёти учун қонуний ҳол деб биламан. Чунки шу пайтгача адабиётимизда тарихимиз ҳақида ёзиш man қилинган эди. Агар бирор асар яратилиб қолинса, дарҳол у танқид остига олинар, гўё тарихимиз асоссиз мақталгандай бўларди. Эндиликда бу мавзуда кўплаб асарлар пайдо бўлмоқдаки, бу халқимизнинг ўз-ўзини англаб етиши учун ниҳоятда зарурдир.

Ўзбек адабиёти билан Ўзбекистон билан қисматдошлик менга катта ижодий имкониятлар очиб берди. Мен Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Зулфия каби ижодкорлар билан дўстлашдим, улар билан ўзаро ижодий мусоҳабаларда бўлдим. Асарларимнинг деярли барчаси ўзбек тилига таржима қилинди. Қилган хизматларимни ўзбек халқи ғоят юксак қадрлади, ҳукумат юксак унвонлар билан тақдирлади. Умуман, бундай гўзал юрт билан тақдирим боғланганидан миннатдорман...

Шомил Алядин билан хайрлашар эканман, у киши янги нашр этилган «Буровчилар» деб аталган китобини совға қилди. Унда адибнинг турли йилларда ёзган асарлари жамланган, очерклари, шеърлари ўрин олган эди. «Китобда мана шу умрбоқий чинорлар ҳақида ҳам ёздим», деди у табассум билан. Машинада қайта ёзилиб китобни варақладим. Ҳа, унда чинор умридай ҳаёт кечирган, мангуликка дахлдор асарлар яратган адибнинг ўз ҳаёт йўли ҳам аксини топган эди.

Н. САФТЕР

Икки оғиз дил сўзи

АЙНИЙШУНОС

Муҳтарам қаламкаш дўстим Мажид Ҳасаний ҳақида ўйласам, кўз олдимга адабиётшунос олим сифатида меҳнаткаш инсон, журналист, таржимон ва айни пайтда ёшларнинг мураббийси—педагог келади. Вақт оқар дарё экан, мана бир пасда дўстим ҳам қутлуғ 60 ёшни дўндириб қўйибди. Мен уни Хўжанд вилоятининг Ўзбек қишлоғида ўтган болалик йилларидан, Ўрта Осиё дорулфунунида таҳсил кўриб юрган пайтларидан, ишга чаққон тийрак кўзли йигитлик давридан биламан.

Унинг «Айний чамани», «Файзулла Хўжаев» номли тадқиқотларини, «Ўзбек ва тожик адабий алоқалари», «Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев», «Тарих ошкоралик нигоҳида», «Туркистон босқини», «Ватан юрагидаги сувайдо» каби қатор китоб ва рисолаларини яратилиш жараёнини биламан ва аксарият асарларини ўқиганман. У ўзбек ва тожик адабиётларининг улкан намояндалари Абу Абдулла Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Алишер Навоий, Жомий, Аҳмад Дониш, Фурқат, С. Айний, Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, М. Турсунзода, Ғ. Ғулом ижодий фаолиятлари тўғрисида кўплаб мақолалар битган. Зуллисонайн адиб Садриддин Айнийнинг 8 жилдлик танланган асарларини тўплаб, изоҳлар билан нашр эттирди. «Айний — замондошлар хотирасида» номли китобни ҳам ўқувчилар унинг беминнат хизмати туфайли ўқимоқдалар.

Кейинги йилларда у тарихнинг ўқилмаган ва унутилган саҳифаларини варақлаб, тарихий ҳақиқатларни юзага чиқаришга ҳисса қўшмоқда. Унинг 1989 йилда ёзган «Ўрта Осиё забт этилганми?» номли мунозарали мақоласи жамоатчиликда қизиқиш уйғотди.

Қадрли дўстимни олтмиш ёши билан яна бир карра қутлар эканман, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва янги ижодий парвозлар тилайман. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келгуси равнақи, ўзбек ва тожик халқларининг азалий қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингиз бароридан келсин, дейман.

Эрик АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси маънавий қадриятларни тиклаш ва миллий анъаналарни ривожлантириш борасида катта ташкилотчилик ишлари олиб бормоқда. Бу эзгу ишларга Академиянинг Ўзбекистон бўлими фаоллари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТДА: бош директор Алишер Ражабов (ўртада) бўлим ходимлари билан.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Ўзбекистон мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилади. Халқимизнинг миллий матонати, ҳарбий қудрати, жангговар руҳиятн ифода этилган энг яхши шеърлар ва мусиқалар шу йилнинг 1 август кунигача қабул қилинади. Ғолиблар пул мукофотн билан тақдирланадилар ва соврин соҳиби деб эълон қилинадилар.

Матнлар қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:

Тошкент, ГСП, Амир Темур кўчаси, 13-уй, Зобитлар марказий уйи.

Қўшимча маълумот олиш учун: 45-57-54, 33-04-33 рақамларга қўнғироқ қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚУШИҚ КЕНГАШИ.

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

Анвар ОБИДЖОН

Охирги седанатут қиссаси

Ҳамма ухлаганда Бойхўроз дарвозани имкон қадар ғижирлатмасдан очиб, кўчага чиқди. Икки хатлаб йўлкадан, бир хатлаб ариқча кўпригидан ўтди. Уёқ-буёққа аланглаб олиб, бели бир ярим белбоғли седанатутга яқин борди, кавагига қўл суқди. Қўлтиғи кавак четига тақалганда, қўлини яна озгина бўлса-да ичкарироқ тиқиш умидида чап оёғини баланд кўтариб, икки-уч шаталоқ отди.

— Ҳа, матасекилинг минан бирга бедарак кетгур, — деб ғудранди у. — Сен бўлмасанг, шу ғалвалар ҳам йўқ эди.

...Ўшанда 1986 йилнинг ёзи эди. Бойхўроз паловни куёвбўкиш қилиб еб, тантанавор кекиришга шайланганда биров чақириб қолди. Чиқса, магазинчи йигит «Ява»сини седанатутга суяб, кўйлагининг этагида қорнини елпиб турибди. Ноёб мол келса раисникига югуради, потапоти бузилса Бойхўроз керак бўлади.

Вақт шомдан оғиб қолганига қарамай тимирскилаб-тимирскилаб, тузатиб берди — шунчаки чақмоқ кирлаб, учқун чиқармай қўйган экан. Магазинчи димоғида суюқроқ раҳмат айтиб, халтадан битта вино суғурди ва: «Ювайлик энди, ҳидлагани уйдан бирон нарса опчиқинг», дея қопқоқни очмоқчи бўлди.

— Шошма, ука, — Бойхўроз «Чашма»ни унинг қўлидан олди. — Ҳозиргина ош едим, шу тобда кетмайди.

Қиррик! Ҳар сафар атайлаб шиша олиб келади. Чунки хизмат ҳақига пул берса, даромадни бўлишайлик, деёлмайди-да.

Мижоз жўнагач, Бойхўроз ариқчадан ҳатламоқ бўлиб бурилди-ю, дарвоза ортидаги сўрида ўтирган хотининнинг овозини эшитиб, тўхтаб қолди, қўлидаги шишага пайсалланиб боқди, бир кўйлагининг ичига ящириб кўрди, бир шимининг орқа томонига қистириб кўрди — яққол билиниб тургандек туюлаверди. Кўзи седанатутнинг кавагига тушиб, енгил тортди, шишани ўша жойга тиқди.

Мана, саксон еттинчи йилнинг ёзи ҳам ўтиб бораяптики, ҳануз шуни ололмай хуноб, тутнинг ўзаги чириб, кавак чўқурлашиб кетганини қаёқдан билибди. Бойхўроз енгила пешонасидаги терни артди. Кўприкча тагидаги пиёлани олиб, ариқчадан сув ичмоқчи бўлиб турганда, қўшнисининг дарвозаси очилиб, бурнини «қиш-қиш» қилганича Кўкивой чиқди.

— Кайфинг баланд шекилли, энағар, — дея яқин кела бошлади у. — Хотин билан яна оранг бузилдими?

— Ие, нима деб валдираяпсан?

Деразадан кўриб ётибман, ярим соатдан бери шу тутни қучоқлайсан...

Бу искович бир нарсадан ис олиб, атайлаб чиққан. Айниқса пиёлани кўргандан кейин кўзи олазарак тортган, ойдинда шундоқ сезилиб турибди. Энди бундан қочиб қутулиш қийин.

Бойхўроз бор сирни тўкиб солди, катта умидворлик билан унинг оғзига тикилиб, маслаҳат кутди. Кўкивой эса ишни амалиётдан бошлади, тўғри бориб тутнинг кавагига қўл тиқди. Кўп титкиланди, узоқ уринди. Шунчалар узоқ уриндики, «бугун олдик» «эртага топдик» билан саксон саккизинчи йилнинг кириб келганини анча кечикиб эшитишди.

Қишнинг охирларига бориб иккаласи ҳам ниҳоятда ҳолдан тойди. Бойхўроз уч қатор кийимнинг енгларини илма-тешик қилиб, куни қайнатасининг чопонига қолди. Кўкивой аввалига жуда озиб кетди, кейин қаттиқ шамоллаб касалхонага тушди. Иситмадан алаҳсираб, оламдаги тут экувчи борлиқ мамлакатларнию ичкиликбозликка қарши кураш фаолларини юздан зиёд янгича сўкишлар ишлатиб бўралай кетди. У даврларда Горбачёвнинг ҳам, СССРнинг ҳам обрўйи ҳали баланд эди, дунёнинг олтидан бир қисмида ҳукмини ўтказиб турган снёсий муҳитга путур етказмаслик учун беморни махсус касалхонага кўчириш лозим бўлди.

Кўкивой соғайиб қайтар экан, уйига киришдан олдин седанатут ёнига бориб кавагига тошча ташлаб кўрди. Шиша жарангини эшитгач, кўнгли тинчиб, бола-чақасининг оғушига талпинди. Касалхонада ётган вақтида бир режа тузиб қўйган эди, Бойхўроз билан кўришган заҳоти шуни муҳокамага ташлади. Бойхўроз ўйланиб қолганини кўриб, зардаси қайнади:

— Пасткашлигинг қўзимасин энди. Шу Ўтангаям бир хўплам қуйсак қўйибмиз-да. Энағар жуда уста, мана, кўрасан, шишангни биринчи сиртмоқ ташлашдаёқ илинтиради.

Шундан кейин ҳамма кўргилик Ўтаннинг бошига кўчди. Ташлаган сиртмоғи доим кавакнинг бирон-бир тирноғига илашаверди, ўн иккита қармоғидан биронтасида бутун ип қолмади. Қиш яқинлашгани сайин Кўкивойнинг безовталиги орта борди. Даракчи қор учқунлаган куни: «Сезон тамом, ўртоқлар, наврўзгача каникул қиламиз», деб оғзаки буйруқ чиқарди.

Саксон тўққизинчи йилнинг Наврўзи оқшомида учовлон яна седанатутнинг тагига тўпланишди.

— Кеча калламга бир фикр келувди, — дея учрашувни очди Ўтан. — Гап шу — Бойсин новчани шерик қиламиз, қўли бизникига қараганда бир ярим баравар узун. Кавакдаги шиша кима, қудуққа тушган пақирниям оладди. Қалай, Бойхўроз, маъқулми?

— Маъқулмас! Битта шишага уч кишидан ортиғи — ортиқ!

Кўп насдан оз нақдни афзал кўрадиган Кўкивой: «Яна ўша пасткашлигинг қўзияптими», дея гап бошлаган эди, Бойхўроз: «Ким пасткаш, иккалангниям пулинг куймаган-да, а?» деб жеркиб ташлади.

— Нима? Шуни деб қанча меҳнат қилдим, ҳов! Соғлиғимни йўқотдим, ҳов!

— Мен-чи? — Кўкивойга ўқрайиб боқди Ўтан. — Қармоқларим бутлигида рўзғоримга ҳафтасига камида ўн қадоқ балиқ кириб турарди. Бир ёқдан иккаланг, бир ёқда ҳукумат бўлиб, мени гадой қилдиларинг.

— Нега мени қўшасан, қийшиқ? — жириллади Кўкивой.

— Ие, уйимдан чақириб чиққан ким? Биринчи бўлиб сен йўлдан урдинг мени.

Шу кўйи уччаласи юзкўрмас бўлиб тарқалишди. Бу ҳол тўқсонинчи йилнинг майигача — Бойсин новчанинг қизини куёвга узатилгунча давом этди. Тўйда уччаласи ёнма-ён ўтиришга мажбур бўлишди, аммо бирор марта ҳам пиёла уриштиришмади. Шароит тақозосига кўра ҳаммадан камроқ ичган Бойсин буни назардан қочирмай луқма ташлади:

— Ўтанвой, қўшничилик қилиб Кўкивойга ҳалиям балиқ-малиқ чиқариб турибсанми?

Кўкивойнинг афти буришди:

— Балиқ бу — ни хрен, ни мияса. Бойсин яна ниманидир сўрамоқчи бўлган эди, Бойхўроз унинг оғзини сувади:

— Гапни кўпайтирма, ошна. Кейин ўзингга айтаман.

Бу араз-дуразлар шишадошликка унинг номзоди киритилганидан кейин бошланганини билиб олган Бойсин эртасига уч улфатни седанатут остига мажбуран йиғиб келди. Ярашув маросими шишага яқин жойда ўтаётгани боис иш узоққа чўзилмади. Бойсин ўнг қўлини енгидан чиқариб, кавакка тиқди, юзида табассум балқиди. Буёқдагилар ҳам бир-бирларига жовдираб, хушнуд қош учиришди, кўз қисишди, мўйлов силашди. Бойсин кавакдан қўл суғираётганда, Ўтан чўнтагидан тўрт-бешта туршак чиқарди, пуфлаб чангини тозалади. Кўкивой худди шиша тушиб кетадигандек эҳтиёт шарт кавакдан пастроққа ҳовучини тутди.

Ниҳоят Бойсиннинг қўли тўлиқ ташқарига чиқди. Кафти гадоникидек бўмбўш эди. Бойхўрознинг пешонасидан совуқ тер чиқди, Кўкивойнинг мўйловси сўлжайди, Ўтаннинг оғзи баттардан қийшайди.

— Ё бир, ё бир ярим сантиметр етмаяпти, — дея ҳануз илжайганича бармоқларининг учини силади Бойсин. — Яна уч-тўрт ой сабр қиласизлар.

— Сабр?

— Уч-тўрт ой?

— Н...н...нимага?

— Бир эшитувдим, — маълум қилди Бойсин, — турникка осилса, қўл анча ўсаркан.

Кўплашиб турник қуриб беришди, Бойсин кунига икки маҳал машқ қилишни бошлади. Тўрт ойгача ҳар ҳафтада ўлчаб туришди, қўли эса ҳадеганда ўсавермади.

— Нима, бу сизларга ошқовоқпалакми, — дея уларга танбеҳ берарди Бойсин. — Аввал пой пишади, эт кўникади, томирлар куч тўплайди, кейин бирдан ўсишга тушади. Инсон танаси — мўъжиза.

Бу мўъжизани тўқсон биринчи йилнинг августигача кутишди, охири хафсалалари пир бўлди. ГКЧП воқеасидан кейин «осилиш» деган гап этини жунжуктириб, Бойсиннинг ҳам турникдан кўнгли совиди. Улфатлари олдида ўзини юз шувитдек ҳис этиб, кечалари билан ўйланиб чиқарди. Фақат кизиқувчанлик эмас, хижолатпазлик ҳам баъзан зўр кашфиётга сабабчи бўлиши мумкин. Бойсин ўзининг калласига ўзи тасанно айтиб, Чўян аспалчининг уйига борди, уни седанатут олдига бошлаб келиб, эски «ҳайъат»ни тўплади, фикрини баён қилди, ҳаммадан таҳсин эшитди, дуо олди.

Чўян уйидан мум келтириб, тунука идишда эритиб суюлтирди, кавакка қуйди, сўнг беш-олтита узун-узун сим тиқди.

— Булар арматура, — деб уқтирди у. — Қораёғ қотади, симни тортамиз, қарабсизки, шиша бетонлангандек чиқиб келяпти-да. Виг-г-г...

Кўкивойнинг ишораси билан Бойхўроз кўприк тагидан пиёлани суғириб, ариқчада чайқашга тушди. Ўтан чўнтагидан туршак чиқарди. Бойсин унинг кафтига эгилиб чангини пуфлади.

Кавакдан ўрлаб турган тутун тўхтагандан кейин ҳам Чўян ишни бошлашга шошилмади, оғзига сигарет қистириб, эринчоқлик билан тутатди, қош кериб, аста-аста сўришга тушди. Сигаретнинг бошига етиб бўлиб, кафтларини ишқалади, симларни эшиб, учини турмаклади, ортиқча чиранмасдан бир-икки бор тортиб кўрди. Сўнг олифтагарчиликни йиғиштириб, кучаниброқ силтади. Зўриқишдан ихраши тобора баландлаб, маҳалладаги айрим тарновтомоқларнинг ҳол сўраб чиқиш ҳавфи туғилганда, қолганлар ҳам бири симга, бир Чўяннинг этагига ёпишди. Барибир фалокат юз берди, қоронғулик қаъридан кутилмаганда велосипедда уста Қўшмоқ чиқиб келди, нималигини суриштириб ўтирмай ҳашарга қўшилди. Эшилган симга худди шу етмай турган эканми, «тарс» этиб узилди, олтовлон олти жойда чирпираб, қақич йўлнинг чангини тозалай кетди. Чўяннинг ўрнидан турибоқ биринчи айтган гапи шу бўлди:

— Гарантия бераман, ўртоқлар, шиша бутун. Кавакнинг туби тепа қисмидан кенгроқ бўлиши мумкинлигини ўйламабмиз-а.

Бирпасгина давом этган мулоқот чоғидаёқ гап нимадалигини англаб етган уста Қўшмоқ янги таклиф билан ўртага чиқди.

— Ўттиз йилдан бери элга сартарошмиз, ўзим ўргилайлар, кўпни кўриб қўйдик. Яхши маслаҳатга хўп денглар, тутни ими-жимида арралаймиз, секингина ёнбошлатамиз...

«Арралаймиз» деган сўз Бойхўрознинг қулоғига «арра қиламиз» тарзида эшитилди.

— Йўқ, — деди у, — отамнинг арвоҳи ўксийди. Бу — қишлоқдаги охирги седанатут, эҳтиёт қил, деган эдилар.

— Инсофни ўртага қўйиб айтганда, «Чашма»ни уруғиям ҳамма жойда сочилиб ётгани йўқ, яхшилар, — дея «мажлис» раислигини қўлга олишга интилди уста Қўшмоқ. — Мен энг тўғри йўлни айтдим, бунақада хўп дейиш керак. Қани, Ўтанвой, ғирр этиб Тонготар сандиқчиникига кирсинлар, олмосдек арраси бор.

Ўтан қуруқ бўйи билан кетиб, қуруқ бўйи билан қайтди. Тонготар арра нега кераклигини сўрабди, Бойхўрознинг тутини кесмоқчи эканларини айтса, «кетавер, ўзим орқангдан олиб бораман», дебди. Айтганидай, кўп вақт ўтмай етиб келди, лекин ёнида пилла бригадири Жонибек бирпой ҳам бор эди.

Машмаша бошланди. Маълумки, Тонготар ҳар пилла мавсумида қурт боқади, Бойхўрознинг седанатути унга биркитилган.

— Нима, кетингга хода уряптими бу тут? — дея қўлтиқтаёқ орасидан дағдаға қилди Жонибек.

Бойхўрознинг кўзи чақнади:

— Ҳа, уряпти! Тут меники, баргини калхўзинг талаб кетади.

— Унда, ўзинг қурт тут.

— Бир ой қурт тутасан, уйинг бир йилгача хожатхонадек сасиб ётади. Берган пулинг жиниққа муқом қилдиришгаям етмайди. Шунийчун мен қуртингни яқинимга йўлатмайман. Ўзбекнинг ҳаммасиям аҳмоқмас.

— Қулоғингга қуйиб ол, тут у ёқда турсин, биронта каллак, биронта новдаси заха есаям, жавобгарликка тортаман!

Кейинги мажлисга Тонготарни ҳам чақиришиб, янги улфат сифатида табриклашди, Жонибекка йўлиқиб, Бойхўрознинг седанатутига ҳеч қандай даъвом йўқ, деб айтиш топширилди. Тонготар ўз улушини ичишдан ташқари, бўш шишани ҳам олиб кетиш шарти билан розилик берди. Аммо ишнинг бу томони битгани билан у томони хом экан — Тонготар даъвосидан кечса-да, Жонибек: «Тут сенга керак бўлмаса, жаҳон бозорига керак», деб ҳайдаб солибди.

Шундан кейин улфатчиликка номзодлар ҳар куни тунда ўз-ўзидан седанатут остига йиғиладиган, гоҳ қуруқ, гоҳ бир пиёла чой устида гурунглашиб ўтирадиган бўлишди. Суҳбатда дам фермадаги, дам парламентдаги аҳволдан гап кетар, баҳс бирида раиснинг қудаси билан ораси бузилганига, бирида Туркиянинг бизга бўлган муносабатига бориб тақалар, Жонибекнинг сурбетлигидан тортиб, ҳукумат аъзоларининг хулқатворигача муҳокама этилар эди. Октябрнинг охирларига бориб соф миллий бўлган янги партия тузиш ҳақида тез-тез гап қўзғала бошлади. Партиянинг «тузук»лари пишиб етилаётган маҳалда уста Қўшмоқ ишни бузди.

— Йўлини топдим, — дея оммани чалғитди у, — тутнинг томирига саларка қўйиб қуритиш керак. Ана ундан кейин Жонибекнинг қонунлариям тугайди, ўзим ўргилайлар.

Ўтан эътироз билдирди:

— Саларка қўйсанг, ҳаммаёқ куйгандек бўлиб билиниб қолади. Жонибек хумбошмас.

— Бурноқ йили нашвати кўчатим бирдан қуриб қолди, — дея ҳиринглаб гап бошлади Тонготар. — Кейин билсам, иккита неварам пешайвондан тушибоқ шуни тагига чоптириб юраркан...

— Энди шу қолувди, — деб тўнғиллади Бойхўроз. — Умуман ҳеч кўзим қиймаяпти. Биринчидан, бу — қишлоқдаги охирги седанатут. Иккинчидан, отамдан бир эсдалик. Учинчидан, шуни соясида эндигина беш-ўнта ўзбекнинг боши қовушаётганда...

— Э, тур-е!

Даврада ғала-ғовур кўтарилди. Жанжал кучаймаслиги учун Кўкивой шошилинч таклиф киритди, овозга қўйилди, якдиллик билан маъқулланди. Шундан сўнг маҳалланинг уюшган бир қисми бўшалиш учун кечалари атайлаб седанатут остига келадиган бўлди. Бойхўрознинг хотини ариқчадан сув олгани чиққанда гоҳ шу атрофда ғалати ҳид пайдо бўлганидан, гоҳ седанатут тевагидаги ажриқлар барвақт қовжирай бошлагачидан, кейинчалик эса томир устидаги қорларда сарғиш доғлар кўплигидан таажжубланиб юрди.

Тўқсон иккинчи йилнинг марти — мустақил жумҳуриятнинг илк баҳори етти улфатга ҳеч қандай қувонч келтирмади, қишлоқдаги охирги седанатут одатдагидан эртароқ куртак чиқарди.

Айниқса Бойсин жуда тўлиқиб кетди:

— Э, ўша Жонибегингни попкасидаги қонунига урай. Юз сўм иштарап соладими? Хўш, етти кишига қанчадан тушади?

— Нариги маҳалладаги йўлга аспал қуйганимизда искрайпер бир тутга урилиб, белидан чўрт узворувди, ўшанда уч юз сўм сўраган, — деди Чўян. — Лекин, бу бир палакат-да, деб бермаганмиз.

— Ана-а, — Кўкивой чапак урди, — ҳовузга энди қопқоқ топлик. Сотволди билан келишамиз. Билмаганга олиб, тракторида тут энағарни сал туртиб ўтади, вассалом.

Сотволди шоввоз йигит эмасми, ноз қилиб ўтирмади, «тракторим таъмирдан чиққан кун менга байрам, тутга аза», деди.

Тракторнинг тузалишини кутиб ҳамманинг кўзи тўрт бўлиб юрди. Чўян энасига йил оши берган куни улфатлар аввал бир-биридан, кейин бошқалардан Сотволдини суриштириб чарчашди.

Бир маҳал лойга беланиб раиснинг шофёри келиб қолди. Машинаси раиспаис билан бирга зовурга ағанабди, эркаклар ёрдамга чопди. Етиб боришгач, биринчи навбатда, суянчиқлар орасига қисилиб қолган раисни кўплашиб ташқарига суғиришди. Машинани нима қилишни билмай туришганда, бўёғи қуримаган тракторини возиллатиб Сотволди етиб келди. Ёнида кўзини йилтиратиб Жонибек ўтирарди, у Бойхўрозга қараб негадир мулойим илжайди, бош қимирлатиб қуюқ саломлашган бўлди.

— Билгандек келдинг, Сотволди, — деди раис, — торт машинани.

Ўчакишгандек, тракторда ҳам, машинада ҳам симарқон йўқ экан, Сотволди «ҳозир топиб келаман», деб гаражга кетди. То симарқон олиб келиниб, машина тортиб чиқарилгунча раис устки кийимини қуритиб улгурди.

Раисни кузатишгандан сўнг барча улфат Сотволдини қуршади.

— Тут капут, — деди Сотволди.

— Анави нима қилиб юрибди? — безовталаниб, Жонибек томонга ишора қилди Бойхўроз.

— Тутни уриб ўтиб, тўхтаганимни биламан, бу бирпойларинг вағиллаб уйидан чиқиб келди. Пешанангда кўргилик бор экан, бола, деб акт тузишни бошлади. Бошқа илож қолмади, гап нималигини шартта-шартта айтдим, улфат кўрган одамсиз-ку, деб шаъма қилдим. Ҳайрият, шаштидан қайтди.

Бир тракторда тўққиз киши бўлишиб Бойхўрознинг ишига жўнашди. Келиб қараша, седанатутнинг тўнкаси бору танаси йўқ. Бойхўроз шошиб ҳовлига кирди, хотинидан тутни суриштирди. У чўнтагидан ўнтача бир сўмликни чиқариб кўрсатди.

— Ҳурмат кулолга ўтинга сотвордим. Ҳўкизида судраб кетди.

Трактор Ҳурмат кулолнинг дарвозаси ёнида тўхташи билан ҳамма ичкарига ёпирилди. Ташқига кирибоқ, карахт тўхтаб қолишди, тут аллақачон ғўлалаб остидаги каттакон ерўчоқда гувиллаб ёниб турарди.

— Бу ўша, — дея бармоқда ўчоқ ичини кўрсатди Чўян. — Пастки қисми шу, — сақичнинг ҳийдидан сезмаяпсизларми?

Бири кетмон, бири курак олиб, ғўлани тортқилай бошлашди. Ҳурмат ичкаридан «ҳай-ҳай»лаганича чиқиб келиб, уларга қаршилик кўрсата кетди:

— Нима қиляпсизлар? Ўт пасайса, хумдондаги идишлар бурақ бўлади-ку!

Қўлтиқтаёғини тўқиллатиб энг кейинда кирган Жонибек уста Қўшмоққа шанғиллади:

— Тўққиз кишига етган нарса ўн кишигаям етади. Ҳурматга тушунтир, шерик қиламиз.

Қисқа тушунтирувдан сўнг Ҳурмат қаршиликни тўхтатиб, югурганича уйдан чангак олиб чиқди, бир санчишда ғўлани ўчоқдан суғирди. Ғўла ҳамон гувиллаб ёнарди. Ўтан пизиллаб бориб, артизон тагидаги пақирни кўтариб келди.

— Тўхта, эшаккалла! — қичқирди Жонибек. Ўтан тўпалонда бу товушни эшитмади.

Сув сепилгач, ғўладан бирин-кетин уч хил овоз таралди:

— Жаз-з! Вис-с... Гумбрах-х!

Ҳамма ўзини ерга ташлади, ҳар ким ўзининг бошини буркади.

МИЛЛИОН МОЖАРОСИ

Бошн еттинчи бетда

қилса арзийдиган даражада чиройли, кўркам қилиб қурилган экан. Барча қулайликларга эга бундай масканни жумҳуриятимизнинг бошқа қишлоқларида учратиш амри-маҳол.

Тушдан сўнг жамоа хўжалиги раиси Ғани Валиев билан учрашдим. Шундоқ қина идора олдида тик туриб гаплашдик. Суҳбат давомида раис икки нарсани инкор этди: биринчидан, хўжалик билан кооператив ўртасида шартнома тузилмаган, иккинчидан, бизга боғча қурилиши учун ҳеч қандан ҳеч қанақа маблағ ўтказилмаган, деди. Гап орасида ҳозир хўжалик кассасида пул йўқлигини, шу боис ўз аъзоларига ҳам маош тўлай олмаётганини қистириб ўтди. Шунга қарамай, агар тегишли ташкилотлар боғча учун хўжалик ҳисобига пул ўтказсалар, қурувчилар билан дарҳол ҳисоб-китоб қилиш ниятида эканлигини билдирди.

Раис билан бу масалани эртаси куни хўжалик ҳамда кооператив вакиллари иштирокида ҳал этишга келишдик. Муҳокама чоғида мен раиснинг биринчи фикрига эътироз сифатида қўлимдаги бир ҳужжатни — капитал қурилишга оид намунавий пудрат шартномасини кўрсатмоқчи эдим. Хўжаликда болалар боғчаси қуриш ҳақида 1991 йил 5 январда тузилган бу шартномага буюртмачи сифатида хўжалик раиси Ғ. Валиев, пудратчи сифатида кооператив раиси В. Ким имзо чекканлар. Афсус, шикоятчиларнинг муҳим ишлари чиқиб қолгани сабабли ўша кунги муҳокамани ўтказа олмадик.

Иккинчи боришимда Тошкент тумани агрофирмасига кирдим. Кенгаш раиси Флюр Холиқовнинг айтишича, биз вилоят жамоа хўжаликлари қурилиши кенгашидан олган жавоб хатида таъкидланган 636 минг сўм пул боғча учун эмас, балки бошқа бир иншоот — шу хўжаликда қурилган янги мактаб учун ажратилган экан. Демак, З. Ҳасанов ё бизга янглиш маълумот берган, ёки...

Хуллас, масала янада чигаллашди. Бу кетишда кимнинг гапи рост-ёлғонлигини аниқлашдан нарига ўта олмаймиз. Аниқлаган тақдиримизда ҳам бундан шикоятчиларга наф йўқ. Лекин биз учун бир нарса — «Реконструкция» аъзолари боғчани қурганликлари аниқ. Бас, шундай экан, улар меҳнатларига яраша ҳақларини олишлари керак. Пудратчи эса, қандай бўлмасин, бу маблағни тўлаши шарт. Зеро, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 405-моддасида бу ҳақда шундай деб ёзиб қўйилган: **«Капитал қурилишга оид пудрат шартномаси бўйича пудратчи ташкилот планда назарда тутилган объектни тасдиқланган проект-смета ҳужжатларига мувофиқ ва белгиланган муддатда ўз куч ва қуроллари билан қуриб, заказчи ташкилотга топшириш мажбуриятини олади; заказчи эса пудратчига қурилиш майдончасини бериш, тасдиқланган проект-смета ҳужжатларини топшириш, қурилишни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш, қурилиб битган объектларни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади...»**

Биз масалани боғча қурилишига бевосита алоқадор гувоҳлар иштирокида ҳал этишга қарор қилдик. Маълум куни белгилаб Тўлқин Мирёқубовни, вилоят капитал қурилишлар бош бошқармаси, хўжалик ва қурувчилар кооперативи вакилларини муҳарририятимизга таклиф этдик. Раҳмат, баъзи вакиллар узрли сабабларга кўра кела олмаган бўлсалар-да, Тўлқин ака вилоят режа бўлимининг раиси билан муҳокамада қатнашди. Боғча қурилишига бир вақтлар ростдан ҳам ўзи бош-қош бўлганини тан олди. Кооперативчилар ҳалол ишлаганликларини, уларнинг ҳақларини тўлаш пайсалга солиниб адолатсизлик қилинганини, эндиликда бу хатони тўғрилаш зарурлигини таъкидлади. У киши шу мақсадда муҳарририятимизга келиш арафасида хўжалик раҳбарлари билан сим орқали гаплашибди. Хўжалик ҳозирча «Реконструкция» ҳисобига 500 минг сўм ўтказадиган, қолган пулни эса пишиб етилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган маблағлар эвазига йил охиригача босқичма-босқич тўлайдиган бўлибди. Бу таклифга қурувчилар раҳбарлари ҳам розилик билдиришди.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Қурувчилар бир йилдан ортиқ юғуриб, биз икки-уч ой шуғулланиб ечолмаган муаммони Тўлқин Мирёқубов бир зумда ҳал этди-қўйди: кооперативчилар ўз ҳақларини оладиган бўлдилар. Аммо шу аснода туғилган иккі савол кишини ўйлантириб қўяди: аввало, қўлидан келар экан, Т. Мирёқубов нима учун бу ишга олдинроқ аралашмади? Ахир, у ҳамма воқеадан тўла хабардор эди-ку. Агар ўз вақтида қурувчилардан кўмагини аямаганида, қанчадан-қанча аризабозлигу қоғозбозликка, оворагарчилигу саргардонликка чек қўйилган бўларди-ку! Иккинчидан, тўғри, бизнинг аралашувимиз туфайли иш бор оз олға силжиди. Лекин бу ҳали ҳақиқат тўла рўёбга чиқди, ҳаммма иш-ўз изига тушди деган гап эмас. Қурувчиларнинг пуллари ўз вақтида тўланмагани, устига-устак ваъда кетидан ваъда берилавергани сабабли кооператив раҳбарларининг буюртмачиларга нисбатан ишончлари йўқолди. Айни чоғда уларнинг ўзлари ҳам аъзолари олдида бебурд бўлиб қолдилар. Оқибатда баъзи қурувчилар улар билан ҳамкорликни йиғиштириб бошқа ишга ўтиб кетдилар. Бундай маънавий зарарнинг, йўқотилган ишончнинг ўрнини эса, биласиз, ҳеч қачон ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, истайсизми-истамайсизми, бугунги кунда ҳаммамизни жиддий ўйлантириб қўядиган иқтисодий томони ҳам бор. Бундан бир йил муқаддам пулнинг қадр-қиймати ҳозиргига нисбатан анча баланд эди. Қурувчилар ўша пайтда бир миллион сўмдан анча унумли фойдаланишлари, унинг ҳисобидан яхшигина маош олиб, оила боқишлари ёки арзонроқ нархда қурилиш материаллари, иш қуроллари ва техника воситалари харид қилишлари мумкин эди. Энди-чи? Ўтган йилги бир миллион сўм ҳозир юз минг сўмнинг ҳам ўрнини боса олмайди. Борди-ю, шу давр мобайнида қурувчилар бир миллион сўм ҳисобидан турли ташкилотларга тўлашлари лозим бўлган қарзлар ўсганлигини, жарималар қўшайганини ҳисоб-китоб қилсангиз, аҳвол янада ачинарли эканлигини тушуниб оласиз.

Сирасини айтганда, кооператив аъзолари ўз ҳақларини қийматини ўн-ўн беш баравар йўқотган ҳолда оладиган бўлдилар. Лекин улар шунисига ҳам шукур қилмоқдалар. Айтинг-айтинг, ишқилиб, буюртмачи ва мутасаддилар бундан буёғига ваъдаларига хиёнат қилмасинлар. Ҳар кимга худонинг ўзи инсоф берсин!..

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

МУҲАРРИРИЯТДАН: Ушбу мақола саҳифаланаётганда кооператив раиси В. Ким редакцияга қўнғироқ қилди: «Колхоз правлениесига бордим, раис билан учрашдим. Пулдан дарак йўқ...» Демакки, буёғи яна Тўлқин Мирёқубовга боғлиқ...



Рассом Н. БЕРДИЕВ.

Рассом Б. ҲАСАНОВ

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.35
213 минг 790 нусхада чоп этилди.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СУМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г-230. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12